# МАКРОИҚТИСОДИЁТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Д.Қ.АҲМЕДОВ, А.Э.ИШМУХАМЕДОВ,
Қ.Х.ЖУМАЕВ, З.А.ЖУМАЕВ

# МАКРОИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим
йўналишлари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMIC

AXMEDOV D.Q., ISHMUHAMMEDOV A.E., JUMAEV Q.X., JUMAEV Z.A.

# MACROECONOMICS

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

468989

KUTUBXONASI

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент 2004.

Аҳмедов Д.Қ., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (Дарслик) - Т.: ТДИУ, 2004, 240 бет.

Ушбу дарсликда асосий эътибор замонавий макроиқтисодий усуллар ва уларнинг амалиётда қўлланилишига қаратилган; мамлакат макроиқтисодиётининг ривожланиш босқичларини аниқлаш ва уни такомиллаштириш борасидаги макроиқтисодий сиёсатга алоҳида аҳамият берган. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар моделлари, шунингдек ўзбек модели ҳақида ҳам фикр юритилган.

Дарслик Олий ва Ўрта махсус ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари бакалаврлари, магистрлари, аспирантлари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган.

**Маъсул муҳаррир:** и.ф.д., проф. Холмўминов Ш.Р.
**Тақризчилар:** и.ф.д., проф. Саидов М.Ҳ.; и.ф.д., проф. Салимов Б.; и.ф.д., проф. Мирсаидов М.; доцент Махмудов Б.

Ahmedov D.Q., Ishmuhamedov A.E., Jumaev Q.X., Jumaev Z.A. Macroeconomics (Textbook) – T.: TSEU, 2004, 240 pages.

This is manual covers the study of modern macroeconomic methods, their usafe in practice. The determination of macroeconomic development stages and ways of its development are explained. It is also included, the macro-models of foreign countries, in the development of economy, Uzbek models.

The manual is designed for bachelor and masters students of Higher educational establishments majoring in "Economics" as well as professor teachers and senior lectures of the same field.

**Responsible editor:** doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh. R.
**References:** doctor of economic science,
prof. Saidov M.H.
doctor of economic science,
prof. Salimov B.
doctor of economic science,
prof. Mirsaidov M.
senior teacher Mahmudov B.

# КИРИШ

Республика иқтисодиётида бозор муносабатлари чуқурлашган сари рўй бераётган туб ўзгаришлар янгича бошқариш услубларини талаб этмоқда. Демак, бозор иқтисодиёти ҳаётимизда тобора кенгроқ кўлам олаётган шароитда иқтисодчи кўп қиррали билимга эга, чуқур мушоҳада ва мулоҳаза асосида қарорлар қабул қилишга қодир, ўз ишини пухта эгаллаган мутахассис бўлиши шарт. Айниқса, макроиқтисодиёт каби ўта мураккаб ва нозик соҳада банд бўлган амалиётчиларга жуда юқори талаблар қўйилади. Негаки, мавжуд ресурслардан мақбул даражада фойдаланиш ҳамда иқтисодий ўсишга зарур шарт-шароитлар яратиш учун иқтисодчи, аввало, макроиқтисодий жараёнлар таҳлилини, иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, иқтисодий жиҳатдан турли хулосалар чиқариб, уларнинг тўғри ва асосли эканлигини исботлаб бера олиши керак. Бундай малакага эга мутахассислар тайёрлашда «Макроиқтисодиёт» курсини ўқиш муҳим аҳамият касб этади. Курсни ўрганиш макроиқтисодий жараёнларнинг илмий асосларини ҳамда илғор мамлакатларда бу жараёнларни тартибга солиш борасида тўпланган бой тажрибаларни ўзлаштириш имконини беради.

Республика иқтисодиёти янгича муносабатларга ўтиш босқичида турган шароитда бу масалалар айниқса аҳамиятлидир. Чунки бозор иқтисодиёти олдинги тизимдан нафақат нуқтаи назар жиҳатидан фарқ қилувчи хўжалик модели, балки ўз ахлоқ талабларига эга бўлган бошқа бир фалсафа ҳамдир.

«Макроиқтисодиёт» фан сифатида бошқа иқтисодий фанлар назариясига, математик ечимларига таянсада, унинг ўз усулуслубияти ва объекти мавжуд. Мамлакат миқёсида макроиқтисодиётни самарали тартибга солиш билан унинг ривожланишига қулай иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий вазият яратилади. Саноатлашган, ривожланган мамлакатларда макроиқтисодиётни бошқариш макро-моделлари яратилган. Макромоделларни яратишда ҳар бир мамлакат ўз ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётини ривожлантиришга эришади. Кейинги йилларда Туркия модели, Швеция модели, Жанубий Корея модели ва шу каби бошқа моделлар билан бир вақтда, ҳақли равишда Ўзбек модели ҳам кўп бор тилга олинмоқда. Мазкур модел иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешта муҳим ва машҳур тамойили асосида олиб борилмоқда.

Ушбу тамойилларнинг мазмуни биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устун тармоғи, иккинчидан, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлмоғи, учинчидан, бутун янгиланиш ва тараққиёт

жараёни қонунларга асосланмоғи, тўртинчидан, ижтимоий муҳофаза соҳасида турли чора-тадбирларни амалга ошириш ва ниҳоят, бешинчидан, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширишдан иборат.

Макроиқтисодиётнинг умумий назариясини билмай туриб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш анча қийин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни тартибга солиш, истиқболни аниқлаш, миллий иқтисодий манфаатларни халқаро кўламда ҳимоя қилиш учун янги бозор иқтисодиёти «институт»лари яратилмоқда. Уларда ишлаёттан мутахассислар баҳо муаммоларини, макрокўламда ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва мувозанатни таъминлаш, ишчи кучини тартибга солиш, ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари керак. Қисқаси, улар мамлакат иқтисодиётини макроиқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, унинг таркибий қисмлари, ривожлантириш босқичлари ва иқтисодиёт билан боғлиқ бошқа масалаларни самарали натижа берадиган даражада ҳал эта олишлари зарур.

Миллий макроиқтисодий кўрсаткичларни (ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, соф миллий маҳсулот, миллий даромад, реал даромад, тўлов баланси, *инфляция*, *ишсизлик ва бошқаларни*) халқаро меъёрларга мослаштириш, уй хўжаликлари, молиявий муассасалар, халқаро иқтисодий алоқаларда экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиш ва бу жараёнлардаги муаммоларни бартараф этиш макроиқтисодиёт билан боғлиқ. Бундай вазифаларни ҳал қилишда макроиқтисодиёт кўпгина иқтисодий фанлар назариясига, айниқса, «Микроиқтисодиёт», «Иқтисодий назария», «Миллий иқтисодиёт», «Иқтисодий математика», «Иқтисодий кибернетика» каби фанларга бевосита таянади. Чунки, ушбу фанларнинг барчаси учун иқтисодиёт ягона тадқиқот объекти ҳисобланади.

## I боб

# «МАКРОИҚТИСОДИЁТ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ ВА АҲАМИЯТИ

## 1.1. Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт тушунчалари

Жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий фаолиятини ўрганиш ва юритишда фундаментал муаммога дуч келамиз. Бу муаммо, авволо, табиат бизга инъом этган ресурсларнинг чегараланганлигида намоён бўлади. Демак, инсоният улардан хоҳлаганича фойдаланиш имкониятига эга эмас. Шундай экан, фаолиятимиз учун моддий неъматлар яратиш жараёнларини ўрганиб чиқишимиз керак. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни ўрганиш, демакдир. Иқтисодиёт нафақат уй хўжалигини, балки ҳудудлар, мамлакатлар ва ҳаттоки жаҳон хўжалигини юритиш санъати билан ҳам шуғулланмоқда. Ишлаб чиқариш соҳаларида хўжалик юритишнинг корхоналар, корпорациялар, қўшма корхоналар, фирмалар каби кўплаб шакллари ташкил этилаётгани ва фаолият кўрсатаётганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Иқтисодиёт кенг ва чуқур маъноли муаммоларни ўрганади. Лекин, иқтисодчилар ўрганадиган муаммолар ва амалга оширадиган вазифаларга қуйидагича мухтасар таъриф бериш мумкин: биринчидан, инсон чегараланган имкониятлар доирасида яшайди. Унинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, вақт, маблағ ва бошқа барча ресурслари чегараланган. Вақтнинг чегараланганлиги у ёки бу ишлаб чиқариш маълум муддат давомида юритилишини тақозо қилади. Маблағларнинг чегараланганлиги эса, у ёки бу мақсаднинг амалга оширилишини молиявий жиҳатдан мушкуллаштиради.

Демак, шахс ва жамият фаровонлиги чегараланган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Шундай экан, ресурсларнинг чегараланганлигини иқтисодий ўрганиш умумий аҳамиятга эга. Бунинг маъноси шуки, барчанинг ҳамма эҳтиёжларини бир вақтнинг ўзида қондириб бўлмайди. Агар ресурслар чегараланмаганда эди, у ҳолда мақсадларга эришиш ва маҳсулотларни истеъмолчиларга самарали тақсимлаш билан шуғулланишга зарурат бўлмаган бўларди.

Бугунги кунда мавжуд бўлган инфляция, ишсизлик, ҳарбий харажатлар, бюджет камомади, қашшоқлик ва тенгсизлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва шу кабилар, туб моҳияти жиҳатидан чегараланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоси ҳал этилиши

зарур эканлигини англатади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, шахс, корхона, ҳудуд, мамлакат ва ҳатто халқаро миқёсларда ҳам иқтисодиёт билан шуғулланиш ҳаётий заруратдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни вақтида ва жойжойида ҳал этиш масалаларини тадқиқ қилиш билан кўпгина иқтисодий фанлар қатори микро ва макроиқтисодиёт фанлари ҳам бевосита шуғулланади. Масалан, бирор мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун ҳар хил қарор ва қонунлар қабул қилишда иқтисодчилар икки хил таҳлил - микро ва макро таҳлил натижаларига асосланадилар.

Микроиқтисодий ёндашув ёки микроиқтисод - бу, муайян иқтисодий бирликни тўлиқ таҳлил қилишдир. Соддароқ қилиб айтганда, «Микроиқтисод» бирорта ишлаб чиқариш корхонасини ўрганиш, яъни, корхонанинг ички (инсонлар, ишлаб чиқариш воситалари, капитал ва маълумотлар билан таъминланганлик даражаси) ва ташқи (маъмурий ва марказий бошқарув ташкилотлари, истеъмолчилар, ишлаб чиқариш компонентларини етказиб берувчилар ва аҳоли яшаш жойларига узоқ-яқинлиги) омиллар, ишлаб чиқарган маҳсулотларининг харажатлари, фойдаси, тушуми, тўланадиган солиқлар ва шунингдек, корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа жараёнларни тўлиқ ўрганишдан, янада лўндароқ изоҳлаганда ресурслар, товарлар ва даромадлар доиравий айланишини алоҳида олинган корхона, тармоқ, ҳудуд даражасида ўрганишдан иборат.

«Макроиқтисодиёт» эса кенг кўламдаги иқтисодиёт билан шуғулланади. Унинг объекти миллий иқтисодиёт кўламида ялпи ишлаб чиқариш, иш билан бандлик, баҳоларнинг умумий даражаси ва ташқи савдо, инфляция, яъни, ресурслар, товарлар ва даромадлар доиравий айланиши ҳисобланади. Жаҳон хўжалиги ривожи ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги даврида барча мамлакатлар иқтисодиёти бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Бу мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва мудофаа қобилияти эса кўп жиҳатдан улардаги макроиқтисодий вазият билан боғлиқ. Хуллас «Макроиқтисодиёт» мураккаб ва кўп қиррали масалаларни ўз ичига олади.

## 1.2. «Макроиқтисодиёт» фанининг предмети, объекти ва иқтисодий йўналишдаги бошқа фанлар билан алоқаси

«Макроиқтисодиёт» фани мамлакат иқтисодиёти ва ялпи ишлаб чиқаришининг ўсиши, пасайиши, турғунлик даврларини иқтисодий таҳлил қилади ва уни тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини яратади.

Мавжуд ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳамда иқтисодий ўсиш тақоза этадиган шарт-шароитларни муваффақият билан яратиш учун иқтисодчи макроиқтисодий жараёнлар таҳлилини, иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларни яхши билиши, иқтисодий жиҳатдан тўғри хулосалар чиқара олиши ҳамда уларнинг тўғри ва асосли эканини исботлаб бера олиши керак.

Нисбатан кенгроқ бўлган амалий иқтисод фани сифатида «Макроиқтисодиёт» курсининг аҳамияти шундаки, у иқтисодий йўналишдаги бошқа фанлар жамланмаси хизматини ўтайди.ҳамда уларни билишга таянади, шунингдек, корпорациялар, уй хўжаликлари ва ҳукуматнинг ўзаро манфаатларига тааллуқли кўпгина масалаларни ечишда тўғри йўналишлар беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ўрганиш «Макроиқтисодиёт» фанининг предмети ҳисобланади.

«Макроиқтисодиёт» ўқув фани сифатида иқтисодий йўналишдаги бошқа фанлар, айниқса, «Микроиқтисодиёт», «Иқтисодий математика», «Иқтисодий кибернетика», «Тармоқлараро баланс», «Лойиҳалар таҳлили», «Миллий иқтисодиёт» каби кўпгина фанлар билан чамбарчас боғланган. Чунки, уларнинг барчаси учун иқтисодиёт ягона тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодчилар, «Макроиқтисодиёт»нинг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқаларини ривожлантириш йўлларини тадқиқ қилишда инсонларнинг самарали ҳаракати гипотезасидан фойдаланишади.

Инсонларнинг самарали ҳаракати - бу, чегараланган имкониятлар шароитида уларнинг юқори самарага эришиш учун қиладиган хатти-ҳаракатидир. Унда:

- индивид **иш ҳақининг** юқори бўлиши орқали ўз эҳтиёжини тўлиқ қондиришга;
- корхона юқори фойда олишга;
- давлат эса **аҳолининг ижтимоий фаравонлигини** оширишга ҳаракат қилади.

Инсонларнинг самарали ҳаракати – табиий ҳаракатдир. Уларнинг объектив кучлари мажмуасидан илмий фойдаланиш улкан иқтисодий муаммолардан биридир. Инсонларнинг самарали ҳаракати уларнинг «мустақил хоҳишлари»дан келиб чиқади. Масалан, ҳар бир инсон ўз ҳаракатининг самарали бўлишини кўзлайди, яхши, моддий ва маънавий бой яшашни истайди ва бу мақсадга интилади. Барча хоҳиш-истакларни ўрганиш, ресурслар, вақт ва инсон ҳаракатининг чегараланганлиги доимо бир нечта масала ҳал қилинишини тақозо этади. Бу масалалар эса макро ва микроиқтисодиёт муаммоларидир. Демак, «Макроиқтисодиёт» иқтисодий йўналишдаги бошқа фанлар каби

мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўлларини, шунингдек, халқаро иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини ўрганади.

Ҳар қандай, мамлакат халқаро иқтисодий интеграцияда иштирок этиб бирор маҳсулотни экспорт шунингдек, импорт қилади. Яъни, ҳар бир мамлакат ўз ички эҳтиёжларини ва халқаро эҳтиёжларни қондириш учун милий иқтисодиёт миқёсида **нима, қандай, қанча ва ким учун** ишлаб чиқариш керак ҳамда мамлакат иқтисодий тизими бўлаётган ўзгаришларга тайёрми, деган саволлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши лозим.

Бунда иқтисодчилар турли макроиқтисодий моделлардан фойдаланишади. Макроиқтисодий моделлар у ёки бу иқтисодий жараённинг умумлашган, соддалашган кўринишини ифодалайди. Масалан, Ўзбекистоннинг барча табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришини график кўринишдаги иқтисодий моделда кўриб чиқайлик ($1_{(a)}$ чизма).

Чизмада ОХ горизантал ўқи истеъмол буюмларини, ОУ вертикал ўқи эса ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиши ёки камайишини; ABCD эгри чизиғи барча ресурслардан юқори даражада фойдаланилганда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг мумкин бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини билдиради.




$1_{(a)}$-чизма. Ишлаб чиқариш имкониятлари графиги

Ушбу чизмада бир-бири билан боғлиқ учта жиҳатни-ресурсларнинг чегараланганлигини; ҳар бир нуқта бўйича вариантларда ўзига хос ҳажмда ишлаб чиқариш мавжуд бўлишини ҳамда харажатлар ўзгаришини кўрамиз. Масалан, F нуқта маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларидан паст даражадаги ишлаб чи-

қаришни ифодалайди. Аксинча, Е нуқта бўйича юқори имкониятларда ҳам ишлаб чиқариш қуввати ҳамда ресурслар етишмайди. Ёки В ва С нуқталарни таққослаб курайлик: В нуқтани танласак, С нуқтага нисбатан истеъмол буюмларидан (Хв) камроқ ва ишлаб чиқариш воситаларидан (Ув) кўпроқ ишлаб чиқаришни танлаган бўламиз. Аниқроғи, В нуқтадан С нуқтага ўтишда қўшимча ΔХ=ОХс-ОХв истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни танлаймиз. Бироқ бу ҳолда ΔУ миқдорда ишлаб чиқариш воситаларини йўқотамиз (ΔУ=ОУв-ОУс). Яъни, ресурсларни истемол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўшимча сарфлаб, шунга мос равишда истеъмол маҳсулотлари оламиз. Худди шунча миқдордаги ресурслар ва имкониятларни ишлаб чиқариш воситалари яратиш имконидан маҳрум бўламиз.

(ABCD) эгри чизиқ максимал имкониятни кўрсатар экан, ишлаб чиқариш ҳажмлари чегарасидан ташқарига (масалан, Е нуқтага), юқори ва ўнгга чиқариш мумкинми?» - деган савол туғилади. Агар янги техника ва технологик жараёнлар халқ хўжалигининг барча тармоқларига баробар киритиладиган бўлса ($1_{(б)}$-чизма)




$1_{(б)}$-чизма. Ишлаб чиқариш имкониятлари графиги

АД эгри чизиғини ишлаб чиқариш имкониятларини характерловчи А1, Д1 эгри чизиғига кўчириш мумкин. У ҳолда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари баробар, бир текис кенгаяди ва Е нуқтадаги ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Агар янгиликлар ишлаб чиқариш воситаларига жорий қилинса, у ҳолда ишлаб чиқариш имкониятлари ишлаб чиқариш воситаларига қараб кенгаяди ва у қуйидагича кўринишда бўлади ($1_{(в)}$-чизма).




$1_{(в)}$-чизма. Ишлаб чиқариш имкониятлари графиги

## 1.3. Ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши

Ҳар қандай иқтисодий тизимда товарлар ва хизматларни такрор ишлаб чиқариш умумий жараёнини ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Асосан, хусусий мулкка таянган иқтисодий тизимларда бундай доиравий айланиш корхоналар ва уй хўжалиги ўртасида амалга оширилади ($2_{(а)}$-чизма).

$2_{(а)}$-чизмадан кўриниб турибдики, уй хўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни ресурслар бозорига етказиб берадилар, корхоналар эса бу ресурсларни сотиб олиб турли хил маҳсулотларга, хизматларга айлантирадилар, сўнгра эса уларни тайёр маҳсулотлар ва хизматлар бозорига етказиб берадилар. Айни пайтда ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳаракати билан ёнма-ён даромадларнинг ҳам доиравий айланиши амалга оширилади. Яъни, уй хўжаликлари ўзлари етказиб берган иқтисодий ресурслар эвазига даромад олади ҳамда уларни товарлар ва хизматлар истеъмол қилиш учун сарфлайдилар ёки аксинча корхоналар ресурслар учун сарф-харажатлар қиладилар ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш эвазига даромад оладилар. Бу ерда барча ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнлари фақат бозор орқали бошқарилади, бошқача айтганда, ресурслар, товарлар ва хизматлар бозоридаги шаклланган талаб ҳамда таклиф ёрдамида бошқарилади.




2$_{(а)}$-чизма. Соф бозор иқтисодиёти шароити ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши.




2$_{(б)}$-чизма. Ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг аралаш иқтисодий тизимдаги доиравий айланиши.

Бунда:

1. Ер, меҳнат, капитал.
2. Ресурслар.
3. Товар ва хизматлар.
4. Товар ва хизматлар.
5. Ресурслар.
6. Товар ва хизматлар.
7. Трансфертлар.
8. Пул даромадлар (иш ҳақи, рента, фоиз, фойда).
9. Истеъмол харажатлари.
10. Сотишдан тушган даромад.
11. Ресурс харажатлари.
12. Солиқлар.
13. Солиқлар.
14. Харажатлар.
15. Харажатлар.
16. Субсидиялар.

Иқтисодиётда фақат баҳо ёки фақат давлат режаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларининг бир текис кечишини таъминлашга қодир эмас. Бозор тизимида доимо такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлар ва режали тизимнинг емирилиши буни яққол намоён этди. Шу билан бирга тартибга солишнинг бозор ва режа механизмларидан биргаликда фойдаланишга асосланган *аралаш иқтисодий тизимнинг* ҳаётийлигини жаҳон амалиёти тасдиқлади.

$2_{(6)}$-чизмадан кўриниб турибдики ресурслар, товарлар ва даромадларнинг узлуксиз ҳаракати ҳам бозор орқали, ҳам давлат аралашуви билан таъминланади. Бунда ҳукумат ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳаракатини бевосита бошқармайди, балки ресурслар ва товарлар бозорларида қатнашиш орқали уларнинг иқтисодий фаолиятига қулай шароитлар яратади.

## 1.4. Ёпиқ ва очиқ иқтисодиёт тушунчаси

Ҳар бир мамлакат халқаро иқтисодий алоқаларга киришади. Бу жараёнда бошқа давлатлар билан товарлар, хизматлар, ахборотлар, капитал ва ишчи кучларини ўзаро айирбошлайди. Мамлакат иқтисодиётининг очиқлик даражаси бундай алоқаларнинг ривожланиш кўламига қараб аниқланади.

Очиқ иқтисодиёт бу шундай иқтисодиётки, унда мамлакатнинг барча фуқаролари халқаро товар ва капитал бозорида олди-бердиларни чекланмаган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Бироқ, шундай мамлакатлар ҳам борки, улар ўз қобиғига ўралиб қолган. Масалан, собиқ СССР иккинчи жаҳон урушига қадар шундай ҳолатда эди.

Халқаро савдода иштирок этмайдиган иқтисодиёт ёпиқ иқтисодиёт деб аталади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда бундай иқтисодиётга эга давлат мавжуд эмас. Аммо, макроиқти-

содий таҳлил ва истиқболни белгилашда фойдаланиладиган моделларда шартли тарзда бундай мавҳумликларга йўл қўйилади. Ёпиқ иқтисодиёт моделида товарлар, хизматлар ва капитал оқимлари миллий чегаралардан ташқарига чиқмайди ҳамда унда асосий макроиқтисодий айният қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$У=C + I + G$$

Бунда: У - миллий маҳсулот, даромад;

C - уй хўжаликларининг ўз мамлакатидаги маҳсулотларни харид қилишга сарфланган истеъмол харажатлари;

I - шу мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг ўз мамлакати инвестиция товарларига харажатлари;

G - давлат томонидан ўз мамлакати товар ва хизматларини харид қилиш.

Очиқ иқтисодиётда мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд ва у миллий иқтисодиётда товарлар ва даромад ҳаракатида намоён бўлади. Асосий иқтисодий тенгликка қўшимча кўрсаткич киритилса, у қуйидаги кўринишни олади.

$$У = C + I + G + X_n$$

Бунда: $X_n$ - хорижликларнинг шу мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарган товар ва хизматларга қилган харажатлари билан хорижда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга ички харажатлар ўртасидаги, лўндароқ айтганда экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ. Иқтисодий адабиётларда бу кўрсаткич соф экспорт деб юритилади.

## Қисқача хулосалар

«Макроиқтисодиёт» фани иқтисодиётни бир бутун ҳолда ўрганади ва ишсизлик, инфляция, иқтисодий ўсиш, тўлов баланси барқарорлиги, давлат бюджети, давлат қарзи каби ҳозирги замон иқтисодининг барча муҳим муаммоларини тадқиқ қилади. Макроиқтисодчилар нафақат ушбу ҳолатларни тушунтиришн, балки иқтисодиётни ривожлантириш учун иқтисодий сиёсат юритиш йўлларини ҳам кўрсатиб бера олишлари зарур.

«Микроиқтисодиёт» уй хўжалиги, фирмалар ҳудуд ва тармоқ даражасида иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш йўлларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Макроиқтисодий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ечиш йўлларини топиш учун микроиқтисодиёт ва иқтисодиёт соҳасига хос бошқа фанларнинг хулосаларига ҳам таянилади.

Иқтисодиётдаги барча муаммоларни ўрганиш имконини берадиган ягона модел мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам макроиқтисодий тадқиқотларда математик формула, график ва жадваллар шаклидаги кўпгина моделлардан фойдаланишади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Микроиқтисодиёт фани ўрганадиган муаммоларни изоҳлаб беринг?

2. «Макроиқтисодиёт» фанининг иқтисод йўналишидаги бошқа фанлар билан алоқасини изоҳлаб беринг?

3. Иқтисодчилар нима учун моделларни тузишади ва улардан фойдаланишади?

4. Ресурслар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши чизмасидаги қарама-қарши омилларга изоҳ беринг?

5. Қандай иқтисодиётларни биласиз? Очиқ иқтисодиётнинг ёпиқ иқтисодиётдан афзалликлари нимада?

## Асосий адабиётлар


1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: изд. М.: «Дело и сервис», 2001.

2. Борр Р. Политическая экономика в 2-х томах. 1-том. Москва: 1995.

3. Йўлдошев З., Қосимов М.С. Макроиқтисодиёт асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1994.

4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ - 2000.

5. Роберт С. Пиндайк, Дэниел Л. Рубинфельд. Микроэкономика. М.: «Дело и сервис», 2001.



468989

SamKI
KUTUBXONASI

# II боб

# АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

## 2.1. Макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар

Мамлакатни макроиқтисодий таҳлил қилиш, миллий иқтисодиёт ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқариш учун Миллий ҳисобчилик тизимида ҳисобланадиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичларнинг асосийларидан бири бўлиб ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ёки унинг модификацияси бўлган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади.

ЯММни ҳисоблаш усулларини ўрганишдан олдин макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиз. Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- ЯММ, ЯИМ, соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), шахсий даромад (ШД), ихтиёрдаги даромад (ИД);
- давлат бюджети тақчиллиги, дефлятор, истеъмол баҳолари индекси, инфляциянинг ўсиш суръатлари;
- ишсизлик даражаси ва ишсизлар сони, аҳолининг иш билан бандлик даражаси;
- аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, уларнинг жамғармалари, иш ҳақининг қуйи миқдори ва бошқалар киради.

Бу кўрсаткичлар иқтисодий тизимнинг умумий ҳолатини турли томондан ифодалаб, ижтимоий ишлаб чиқаришда барча қатнашувчилар (корхона, тармоқ, минтақа, давлат) ва уй хўжалиги фаолиятлари натижалари асосида аниқланади.

## 2.2. ЯММни ҳисоблашнинг асосий шартлари

**ЯММ** мамлакат резидентлари томонидан маълум муддат (бир чорак, бир йил) давомида ишлаб чиқарилган якуний товар ва хизматлар умумий ҳажмининг бозор баҳоси йиғиндиси орқали аниқланади.

ЯММни ҳисоблашда қуйидаги шартларга амал қилинади:

Биринчидан, ЯММ йил давомида ишлаб чиқарилган барча якуний товарлар ва хизматлар бозор қийматини, улар сотилган ва сотилмаганига қарамасдан ўз ичига олади. Биламизки, ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар ҳам сотилмай-

ди. Сотилмай қолган товарлар захираларни тўлдиради. Захираларни тўлдиришга кетган ҳар қандай маҳсулот ЯММни ҳисоблашда ҳисобга олиниши лозим.

Иккинчидан, ЯММ товарлар ва хизматларнинг бозор қиймати орқали ўлчанади ва қиймат (пул) кўрсаткичи ҳисобланади.

Иқтисодиётда яратилаётган минглаб хил товарлар ва хизматлар турли натурал ўлчов бирликларига эга (газ – $м^3$, нефть – тонна, газлама – $м^2$) бўлгани учун ҳам улар умумий ҳажмини фақат қиймат кўринишида жамлаш мумкин. Шунингдек, ЯММни ҳисоблашда омил баҳолари эмас, балки сотиш (бозор) баҳоси (омил баҳоси + билвосита солиқлар) асос бўлади.

Учинчидан, ЯММ якуний товарлар ва хизматларнинг бозор баҳосини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисоблаш учун жорий йилда ишлаб чиқарилган товар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми бир марта ҳисобга олиниш керак. Кўпгина маҳсулотлар бозорга боргунча бир нечта ишлаб чиқариш босқичини ўтайди. Шу сабабли ЯММда айрим маҳсулотларни икки ва ундан кўп марта ҳисобга олмаслик учун, фақат пировард маҳсулотнинг бозор қиймати ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар эса ҳисобга олинмайди.

**Пировард маҳсулот** якуний истеъмол учун сотиб олинадиган тугал маҳсулот (товар ва хизмат)лардир.

**Оралиқ маҳсулот** деганда эса қайта ишлаш ёки сотиш учун сотиб олинган товар ва хизматлар тушунилади. ЯММда маҳсулотларнинг охирги сотиш қиймати ҳисобга олинади, оралиқ қиймат эса ҳисобга олинмайди. Чунки, оралиқ қиймат ЯММ таркибига киритилса, айрим маҳсулотлар қиймати кўп марта ҳисобга олинган бўлар эди. ЯММни ҳисоблашда икки бор ҳисобга олмаслик учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ва фақат, ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида яратилган қўшилган қийматни ҳисобга олиш зарур. **Қўшилган қиймат** товар ва хизматларнинг сотиш баҳосидан уларни ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хом ашё ва материаллар қиймати айириб ташланиб топилади. ЯММни қўшилган қийматлар кўринишида аниқлаш усулига **ишлаб чиқариш усули** дейилади. Буни 1-жадвал ёрдамида кўрамиз.

Тўртинчидан, ЯММга ноишлаб чиқариш битимлари бўйича тушумлар қўшилмайди. Ноишлаб чиқариш битимларига соф молиявий битимлар ва ишлатилган товарларни сотиш киради.

Молиявий битимлар, ўз навбатида, учта асосий турга бўлинади: давлат бюджетидан трансферт тўловлари, хусусий трансферт тўловлар ва қимматли қоғозларни сотиш бўйича битимлар.

Давлат бюджетидан трансферт тўловларига ижтимоий суғурта бўйича тўловлар, ишсизларга ва нафақахўрларга, ногирон-

ларга ва кам даромадли оилаларга бериладиган нафақалар, талабаларга бериладиган стендиялар киради. Давлат трансферт тўловларининг асосий хусусияти шундаки, трансферт эвазига уни олувчилар давлатга ҳеч нарса бермайди.

*1-жадвал*

**Беш босқичли ишлаб чиқариш жараёнида қўшилган қиймат кўринишида ЯММни ҳисоблаш усули**

| Ишлаб чиқариш босқичи | Маҳсулот тури | Маҳсулотларнинг сотиш баҳоси, сўм | Қўшилган қиймат, сўм |
|---|---|---|---|
| Фирма А. Қўйчилик фермаси | Жун | 60 | 60(60-0) |
| Фирма Б. Жунни қайта ишлаш корхонаси | жун (мато) | 100 | 40(100-60) |
| Фирма В. Костюм ишлаб чиқариш фирмаси | костюм | 125 | 25(125-100) |
| Фирма Г. Буюмларни улгуржи сотувчи корхона | костюм | 175 | 50(175-125) |
| Фирма Д. Буюмларни чакана сотувчи корхона | костюм | 250 | 75(250-175) |
| Умумий сотув ҳажми | | 710 | - |
| Қўшилган қиймат | | | 250 |

Хусусий трансферт тўловларига талабаларга ота-онаси берадиган пул ва бой қариндош-уруғлари берадиган бир марталик тўловлар мисол бўлади.

Қимматли қоғозлар (акция ва облигациялар) сотилганда иқтисодиётда товарлар ва хизматлар ҳажми кўпаймайди ва аксинча мулк эгаси ўзгаради. Ишлатилган товарларни сотиш ҳам ЯММ таркибига киритилмайди, чунки, бундай товарлар ва умуман илгари мавжуд бўлган товарлар ишлаб чиқарилган вақтда бир марта ҳисобга олиб бўлинган.

## 2.3. ЯММни харажатлар ва даромадлар бўйича ҳисоблаш

ЯММни ҳисоблашда икки томонлама ёндашилади. Биринчи ёндашувда ЯММ истеъмолчиларнинг янгидан яратилган якуний маҳсулотларни сотиб олишга кетган барча харажатлари миқдори бўйича аниқланади. Бу усул **ЯММни ҳисоблашнинг харажатлар усули** дейилади. Иккинчи ёндашувда эса ЯММ товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида яратилган даромадларнинг йиғиндиси миқдори асосида аниқланади. Бу усул **ЯММни даромадлар ёрдамида аниқлаш усули** дейилади.

ЯММни ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ҳисоблашда асосан пировард маҳсулот ва хизматларни яратишга кетган барча харажатлар ҳисобга олинади. Буларга:

**Уй хўжалигининг истеъмоли харажатлари (C):**

а) узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;

б) кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;

в) истеъмол хизматлари тўловига кетадиган харажатлар.

**Ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари (I):**

а) асбоб-ускуналар, машиналарни якуний сотиб олиш харажатлари;

б) корхоналар, иншоотлар, тураржой биноларини қуришга сарфланган харажатлар;

в) товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгаришларидан иборат бўлади.

**Товар ва хизматларнинг давлат хариди (G)** бўйича харажатларга маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлари ва ресурслари хариди (автомобиль йўллари ва почта муассасалари қурилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳақи) харажатлари киритилади. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

**Соф экспорт (Хп):** мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

Шундай қилиб, ЯММни харажатлар орқали ҳисоблашда асосан юқорида кўрсатиб ўтилган 4 гуруҳ харажатларига асосланади. Буни формула кўринишида қуйидагича тасвирлаш мумкин:

**ЯММ = C + I + G + Хп**

ЯММни ишлаб чиқарувчиларнинг барча даромадлари йиғиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- биринчидан, **истеъмол қилинган капитал ҳажми (ССА) ёки амортизация (А)**, яъни, жорий йилдаги ЯММни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган инвестиция товарларини сотиб олишга мўлжалланган ажратмалар.

- иккинчидан, **бизнесга эгри солиқлар (Т)** - маҳсулот баҳосини оширувчи, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланади. Жумладан, қўшимча қиймат солиғи, акцизлар, лицензия тўловлари ва божхона божлари.

- учинчидан, **ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W)**, яъни хусусий ва давлат компанияларининг иш ҳақи тўлашга сарфлаган умумий харажатлари (иш ҳақи ва ижтимоий суғурта ажратмалари — нафақа, бандлик ва бошқа ижтимоий фондларга).

*2-жадвал*

**Икки хил ёндашув асосида ҳисобланадиган ЯММ (рақамлар шартли)**

| № | Якуний товар ва хизматларни сотиб олишга қилинган барча харажатлар бўйича ҳисобланган ЯММ | Шартли белгилар | Миқдор |
|---|---|---|---|
| 1. | Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари | C | 63,0 |
| 2. | Ялпи хусусий ички инвестициялар | I | 18,0 |
| 3. | Товар ва хизматларнинг давлат харидиг | G | 21,0 |
| 4. | Соф экспорт | Xn | -2,0 |
| | Жами: ЯММ = C + I + G + Xn | Y | 100,0 |
| | **Якуний товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар кўринишида** | | |
| 1. | Истеъмол қилинган капитал ҳажми | A | 9,0 |
| 2. | Бизнесга эгри солиқлар | T | 7,0 |
| 3. | Ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари ва ижтимоий суғурта ажратмалари | W | 61,0 |
| 4. | Ижара ҳақи | R1 | 1,0 |
| 5. | Фоиз даромадлари | R2 | 7,0 |
| 6. | Индивидуал мулкдан олинадиган даромадлар | P1 | 6,0 |
| 7. | Корпорациялар фойдасига солиқлар | P2.1 | 5,0 |
| 8. | Дивидендлар | P2.2 | 2,0 |
| 9. | Тақсимланмаган фойда | P2.3 | 2,0 |
| | Жами: ЯММ=A+T+W+R1+R2+P1+ P2.1 + P2.2 + P2.3 | Y | 100,0 |

- тўртинчидан, **ижара ҳақи (R1)**, хусусан, бу иқтисодиётни мулк ресурслари билан таъминловчи уй хўжаликларининг даромадлари (масалан, ижарага берилган туржойлар, бинолар, асбоб-ускуналар, ер ва бошқалардан олинадиган даромадлар).

- бешинчидан, **фоиз ставкалари** ёки **фоизли даромадлар** (R) - пул капиталини етказиб берувчиларга хусусий бизнес даромадидан пул тўловлари.

- олтинчидан, индивидуал **мулкдан келадиган даромад** ($P_1$).

- еттинчидан, **корпорация фойдаси** ($P_2$).

Корпорацияларнинг фойдаси қуйидагиларга бўлинади:

а) корпорацияси фойдага солиқ ёки фойда солиғи;

б) ҳиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивидендлар;

в) тақсимланмаган фойда.

## 2.4. Миллий ҳисобчилик тизимидаги бошқа кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги нисбат

Мамлакат миллий ҳисобчилик тизимида, ЯММ кўрсаткичидан ташқари, бир-бири билан алоқада бўлган бир нечта кўр-

саткичлар мавжуд. Миллий ҳисобчилик тизими тўғрисидаги тушунчаларимизни кенгайтириш учун айнан шу кўрсаткичларнинг ташкил топиш манбаларини билишимиз керак. Бу кўрсаткичлар сирасига **ЯИМ, СММ, МД, ихтиёрдаги даромад ва солиқлар тўлангандан кейинги даромадларни** ифодаловчи кўрсаткичларни киритишмиз мумкин.

ЯИМ ҳам ЯММ каби моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар натижасида ташкил топади.

**ЯИМ бирор мамлакат ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотда маълум муддат давомида ишлаб чиқарилган пировард товар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йиғиндисидан иборат**. ЯИМ ЯММдан муайян мамлакат юридик ва жисмоний шахсларининг хориждан оладиган фойда ва даромадлари ҳамда хорижий инвесторлар шу мамлакатда олган фойда ва даромад ўртасидаги фарқлар бўйича ажралиб туради. Яъни:

ЯММ = ЯИМ + (Муайян мамлакат юридик ва жисмоний шахсларининг хориждан оладиган фойда ва даромадлари) - (Хорижий инвесторлар ва иштчиларнинг шу мамлакатда олган фойда ва даромадлари)

ЯММни ҳисоблашда айрим камчиликларга йўл қўйилиши табиий. Чунки ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдорига шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати қўшилади. Шунинг учун ҳам миллий ҳисобчилик тизимида СММ кўрсаткичи ҳисобланади. СММнинг ЯММдан фарқи, юқорида айтганимиздек, амортизация ажратмалари миқдорига тенг.

| | |
|---|---|
| Ялпи миллий маҳсулот | 4862 |
| Истеъмол қилинган капиталга ажратма | - 505 |
| Соф миллий маҳсулот | 4357 |

МД – бу, миллий ишлаб чиқаришдан олинган даромад ёки ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча даромад турларининг йиғиндисидир. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат ўзи оладиган бизнесга эгри солиқлар ўрнига ишлаб чиқаришга ҳеч нарса қўймайди. Демак, жорий йилда яратилган ЯММ таркибидан иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва олинган фойдаларнинг умумий миқдорини аниқлашда СММ таркибидан бизнесга эгри солиқлар миқдорини олиб ташлашимиз лозим. Шундай усулда олинган кўрсаткич миллий даромад (МД) ҳисобланади. Ресурслар билан таъминловчилар нуқтаи назарида МД жорий ишлаб чиқаришда қатнашиш натижасида олган даромадлар миқдорини билдирса,

компаниялар нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш омиллари ёки ресурслар баҳосини билдиради. МД жорий ишлаб чиқаришга кетган иқтисодий ресурсларнинг бозор баҳосини англатади.

| | |
|---|---|
| СММ | 4357 |
| Бизнесга билвосита солиқлар | - 393 |
| Миллий даромад | 3964 |

Ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш эвазига олинган даромадларнинг бир қисми (ижтимоий суғурта тўловлари, корпорация фойдасига солиқ ва корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси) амалда бевосита уй хўжалиги ихтиёрига тушмайди. Аксинча, яъни уй хўжалиги ҳисобига тўғри келадиган даромадларнинг бир қисми, (масалан, трансферт тўловлари) меҳнат натижаларини билдирмайди.

Миллий даромад кўрсаткичидан фойдаланиб шахсий даромадлар кўрсаткичини ҳисоблаш учун аҳоли томонидан ҳақиқатда ишланган, аммо олинмаган даромадларни олиб ташлаймиз, шунингдек аҳоли тамонидан олинган, аммо жорий меҳнат фаолияти натижаларини билдирмайдиган даромадларни қўшамиз.м

| | |
|---|---|
| Миллий даромад | 3964 |
| Ижтимоий суғурта ажратмалари | - 445 |
| Корпорация фойдасига солиқ | - 145 |
| Корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси | - 79 |
| Трансферт тўловлари | + 768 |
| Шахсий даромадлар | 4063 |

*3-жадвал*

**Миллий ҳисобчилик тизимида ҳисобланадиган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзора нисбатлари (рақамлар шартли)**

| Кўрсаткичлар | Шартли белгилар | Миқдор |
|---|---|---|
| 1.Ялпи миллий маҳсулот<br>«Минус», амортизация | ЯММ<br>А | 100<br>8 |
| 2. Соф миллий маҳсулот<br>«Минус», бизнесга эгри солиқлар | СИМ | 92<br>12 |
| 3. Миллий даромад<br>«Минус»- ижтимоий суғурта тўловлари<br>корпорация фойдасига солиқ<br>корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси<br>«Плюс» + трансферт тўловлари | МД | 80<br>-14<br>-10<br>-12<br>+ 10 |
| 4. Шахсий даромад<br>«Минус»- индивидуал солиқлар | МД | 54<br>-8 |
| 6. Солиқ тўлангандан кейинги даромад, яъни ихтиёрдаги даромад | ИД | 46 |

**Ихтиёрдаги даромад** ҳисобланган шахсий даромаднинг индивидуал солиқлар тўлангандан кейинги қисмидир. Индивидуал солиқлар - даромад солиғи, хусусий мол-мулкларга ва мерос қолган мулкларга солиқлардан иборат.

| | |
|---|---|
| Шахсий даромад (солиқларни тўлашдан олдинги даромад) | 4063 |
| Индивидуал солиқлар | - 590 |
| Солиқларни тўлагандан кейинги даромад (ихтиёрдаги даромад) | 3437 |

МҲТдаги кўрсатиб ўтилган барча кўрсаткичлар ягона услубий базага асосланиб ҳисобланади ва уларни ўзаро таққослаш имконияти мавжуд.

## 2.5. Номинал ва реал ЯММ

Иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция жараёнлари ЯММни ҳисоблашни қийинлаштиради. Бу кўрсаткич бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдор ва баҳо даражаларининг ўзгаришини ифодалайди. Бу шуни билдирадики, ЯММ миқдорига бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг физик ҳажми ва баҳо даражаси ўзгариши таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётда доимий инфляция жараёнининг мавжудлиги макроиқтисодий кўрсаткичларни таққослама баҳоларда ҳисоблашни зарур этиб қўяди. Чунки, инфляция иқтисодиётнинг реал аҳволини бузиб кўрсатади. Иқтисодиётни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишни қийинлаштиради. Бу вазифани бажариш учун жорий баҳоларда ҳисобланган номинал кўрсаткичлардан эмас, балки таққослама (базис) баҳоларда ҳисобланган реал кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур. Айрим ягона фирмадан фарқли ўлароқ *миллий иқтисодиётда* жуда кўп сонли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши сабабли уларнинг барчасини бир варакайига таққослама баҳоларда ҳисоблаш қийин. Шу туфайли ЯММ таркибида катта улушни ташкил этган энг муҳим товарлар ва хизматлар баҳосининг ўзгариши коэффициенти ҳисоблаб топилиб олинган натижа бутун миллий иқтисодиёт учун тадбиқ этилади.

Баҳо индексини ёки инфляция даражасини ҳисоблаш учун:

- дефлятор;
- истеъмол нархлари индекси;
- саноат ишлаб чиқариш баҳолари индекслари ҳисобланиши лозим.

Дефлятор кўрсаткичини формула билан ҳисоблаганда:

$$Деф = \frac{\sum_{i=1}^{n} Q_1^i P_1^i}{\sum_{i=1}^{n} Q_1^i P_0^i} 100$$

Бу ерда: i – дефляторни ҳисоблаш учун бозор саватига киритилган товарлар сони;

$Q_1^i$ – жорий йилда бозор саватига киритилган i – товар ёки хизматлар ҳажми миқдори (Масалан 2 кг шакар, 2 дона кўйлак ва ҳ.к);

$P_1^i$ – жорий йилда бозор саватига киритилган i — маҳсулотнинг шу йилга баҳоси;

$P_0^i$ – жорий йилда бозор саватига киритилган i – маҳсулотнинг базис йилдаги баҳоси.

Дефляторни ҳисоблаш шартлари:

- одатда ўтган йилга нисбатан ҳисобланади;
- бозор савати жорий йилда аниқланиб кейинги йилларда ўзгартирилиши мумкин;
- бозор саватига ҳам истеъмол ишлаб чиқариш характеридаги товарлар ва хизматлар киритилади;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматлар турларининг умумий ЯММ даги улуши катта қисмини ташкил қилиши керак;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматлар ҳажмлари ўртасидаги нисбат уларнинг ЯММ даги улушлари ўртасидаги нисбатга мос келиши керак.

$$Реал\ ЯММ = \frac{Номинал\ ЯММ}{Дефлятор} 100$$

Истеъмол нархлари индекси қуйидагича аниқланади:

$$ИНИ = \frac{\sum_{i=1}^{n} Q_0^i P_1^i}{\sum_{i=1}^{n} Q_0^i P_0^i} 100$$

Бу ерда:

$Q_0^i$ – базис йилда бозор саватига киритилган i – товар ва хизматлар ҳажми;

$P^i_1$ — i — товарнинг жорий йилдаги баҳоси;
$P^i_0$ — i — товарнинг базис йилдаги ҳажми.

Истеъмол нархлари индекси ҳисоблашнинг шартлари;

- бозор савати базис йил учун аниқланади ва бир неча йил давомида ўзгармайди;
- бозор саватига фақат истеъмол характеридаги товарлар ва хизматлар киритилади;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматларнинг ҳажми истеъмол харажатларининг катта қисмини ташкил этиши керак.

Одатда истеъмол нархлар индекси инфляция даражасини бироз ошириб истеъмол нархлари индекси эса бироз пасайтириб кўрсатади. Шу сабабли бу икки индекснинг ўртача даражасини характерловчи Фишер индекси ҳисобланади:

$$Iф = \sqrt{I_{деф} \times I_{ини}}$$

Саноат ишлаб чиқарувчилар баҳо индекси истеъмол нархлари индекси сингари ҳисобланади. Лекин бозор саватига саноат маҳсулотларигина киритилиб улар улгуржи баҳоларда ҳисобланади.

## Қисқача хулосалар

ЯММ маълум давр мобайнида мамлакат резидентлари томонидан яратилган якуний товар ва хизматларнинг бозор баҳолари йиғиндисидан иборат.

ЯММ ни ҳисоблашда қайта ҳисоблашга йўл қўймаслик учун уни қўшилган қийматлар кўринишида ҳисобланади.

ЯММ харажатлар кўринишида тўрт гуруҳдаги харажатлар - истеъмол, инвестиция, давлат хариди ва соф экспорт харажатлари йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Миллий ҳисобчилик тизимининг барча кўрсаткичларини ҳисоблашнинг услубий базаси битта бўлгани учун уларни ўзаро таққослаш имкони мавжуд.

Номинал ЯММ товар ва хизматлар ҳажмини жорий нархларда, реал ЯММ эса доимий нархларда баҳолайди. Шундай қилиб, реал ЯММ ҳажми фақатгина ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан ошади, номинал ЯММ эса товар ва хизматлар баҳо даражасининг ўсиши натижасида ҳам ошиши мумкин.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. ЯММ ни ҳисоблашнинг асосий шартлари нималардан иборат? Нима учун қайта ҳисоблашдан эҳтиёт бўлиш зарур?

2. ЯММни харажатлар ва даромадлар бўйича ҳисоблашнинг зарурияти нимада? Уларнинг фарқлари нимада?

3. Миллий ҳисобчилик тизимидаги бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга қайсилари киради ва улар қандай ҳисобланади?

4. Баҳо индекслари ва реал ЯММ ни ҳисоблаш усулларини тушунтириб беринг?

5. Дефлятор, истеъмол нархлари индекси ва саноат ишлаб чиқариш баҳолари индексларининг фарқларини изоҳланг.

## Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.

2. Бункина М.К., Семянов В.А. Макроэкономика. – М.: 1997.

3. Жеффри Д., Сакс Д., и др. Макроэкономика. Глобальный подход. – М.: Дело. 1996.

4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ - 2000.

5. Менкью Н.Г. Микроэкономика. – М.: МГУ, 1994.

## III боб

# МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК

## 3.1. Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш тарихини ўрганиш, улардан ҳеч бири узоқ муддатда бир текис ривожланмаганлиги, аксинча, барча малакатлар учун даврий ривожланиш хос эканлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш, бандлилик ва инфляция даражасининг даврий тебранишга иқтисодий давр (цикл)лар дейилади. Айрим иқтисодий даврлар бошқаларидан ўтиш даврининг давомийлиги ва фаоллиги билан фарқ қилади. Шунга қарамасдан уларнинг барчаси бир хил босқичлардан ташкил топади.




3-чизма. Иқтисодиётнинг даврий ривожланиши

Иқтисодий даврлар тўртта босқични ўз ичига олади. Биринчи босқич иқтисодий ривожланишнинг энг юқори даражасига эришилган босқич бўлиб, у «чўққи» деб юритилади. Бу иқтисодиётда иш билан тўлиқ бандлик, ишлаб чиқариш тўла қувватда ишлаётганлиги, шунингдек, маҳсулотларнинг баҳо даражасининг ўсиш ҳолати кузатилади. Кейинги босқич ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишини характерловчи босқичдир. Бунда бандлик даражаси камаяди, аммо баҳонинг ўсиш даражаси пасаймайди. Ишлаб чиқаришдаги камайиш босқич фаол ва узоқ давом этсагина баҳонинг ўсиш даражаси пасайиши мумкин. Пасайишнинг қуйи нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлик энг қуйи даражага тушади. Жонланиш босқичида ишлаб чиқариш ва бандлик дара-

жаси аста-секин ошиб, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва тўлиқ бандлик даражасига эришилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, иқтисодий даврлар бир хил босқичларга эга бўлсада, аммо улар давомийлиги ва фаоллигига кўра ўзаро фарқ қилиб туради. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар, бу жараёнларни иқтисодий даврлар деб эмас, балки иқтисодий тебранишлар деб аташ тўғри бўлади деб ҳисоблашади. Иқтисодий тебранишларнинг асосий сабаби сифатида иқтисодичилар уч омилни кўрсатади.

Биринчи гуруҳ олимлар иқтисодий тебранишларнинг асосий сабаби техника ва технологияларда рўй берадиган ўзгаришлар деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини қўллаш турли йиллар давомида иқтисодиётдаги тебранишларга сабаб бўлади.

Олимларнинг яна бир гуруҳи иқтисодий босқичларни сиёсий ва тасодифий вазиятларга боғлашади. Бу жараённи монитар сиёсатга боғлайдиган олимлар ҳам мавжуд. Яъни, давлат қанчалик кўп пул босиб чиқарса, унинг қадри шунчалик камайиб боради, ва аксинча, пул миқдори қанчалик кам бўлса, ишлаб чиқариш кўламининг пасайиши ва ишсизлар сонининг ортиши шунчалик тезлашади. Хуллас, иқтисодий босқичларни баҳолашга турли хил ёндашувлар мавжуд. Аммо барча иқтисодчилар, ишлаб чиқариш ва бандлилик даражаларини умумий талаб ва бошқача айтганда умумий харажатлар миқдорига боғлиқ, деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Чунки, корхоналар ўз товар ва хизматларини уларга талаб бўлсагина ишлаб чиқаради. Бошқача айтганда, талаб катта бўлмаса, корхоналарда товар ва хизматларни катта миқдорда ишлаб чиқариш фойдали эмас. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришда бандлилик ва даромадлар даражаси ҳам, айнан шу сабабли, паст бўлади. Умумий харажатлар миқдори қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши катта фойда олиб келади. Шунинг учун ишлаб чиқариш, бандлилик ва даромадлар даражаси ортиб боради.

## 3.2. Меҳнат бозори, ишсизлик тушунчаси, ишсизликнинг турлари, ўлчаниши ва тўла бандлик

Мамлакат иқтисодиётида ЯММ ёки ЯИМни яратишда қатнашадиган иқтисодий ресурсларнинг энг асосийларидан бири меҳнат ресурслари ҳисобланади. Инсон ресурслари аввало ёлланма ходимлар меҳнати ва инсонларнинг тадбиркорлик қобилиятларидан иборат. Меҳнат ёки инсон ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини «Статистика», «Этнография», «Меҳнат иқтисо-

ди», «Ижтимоий-маданий комплексни прогнозлаштириш» фанлари қатори «Макроиқтисодиёт» фани ҳам ўрганади.

«Макроиқтисодиёт» инсон ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий йўналишларини тадқиқ этиш орқали уларни самарали бошқаришни мақсад қилиб олади. Чунки, меҳнат ресурслари ва уларнинг фаол қисми бўлган ишчи кучи ишлаб чиқариш кучларининг энг асосий қисмидир. Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлаётган ва ишсиз юрган аҳолининг умумий сони тушунилади.

Меҳнат ресурсларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мамлакатда меҳнат бозорини, меҳнатни бошқариш институтларини ва унинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмларини яратиш энг асосий вазифалардан биридир.

Демак, меҳнат бозори ва унинг маромида фаолият кўрсатиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- аҳоли сони, ёши ва жинси таркибининг ўзгаришларга;
- иш билан бандлиликдаги ҳудуд ва тармоқ ўзгаришларига;
- қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш механизмига;
- ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш таркибига;
- меҳнат ресурсларини бошқариш усули ва бошқаларга.

Ҳозирги шароитда меҳнат бозорида талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Чунки, ишчи кучи ҳам бошқа меҳнат ресурслари қатори, товар шаклига эга бўлиб, товар-пул муносабатларига фаол жалб қилинади. Унинг бу хусусияти меҳнат кўрсаткичлари тизимида ўз аксини топади. Улар орасида иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. Яъни, ишбилармонлар ишчи кучидан шундай миқдорларда фойдаланадиларки, бунда меҳнатнинг юқори маҳсули реал иш ҳақи билан ёки иш ҳақи ҳажмининг пулдаги ифодаси меҳнатнинг юқори маҳсули қийматига тенг бўлиши керак. Агарда, реал иш ҳақи ҳажми ошса, ишбилармон ишчи кучига бўлган талабни қисқартиради, агар реал иш ҳақи ҳажми камайса, ишчи кучига бўлган талаб ортади, ишчи кучининг таклифи эса ошади (4-чизма).

4-чизмадан кўриниб турибдики, реал иш ҳақини қисқартиши натижасида меҳнатга бўлган талаб ошмоқда ва аксинча, реал иш ҳақи ошса, меҳнатга бўлган талаб камаяди.

Меҳнатнинг таклиф функциясида индивид ўз хизматини иш ҳақининг пулдаги ифодасидан келиб чиқиб эмас, балки иш ҳақининг ўлчовларидан келиб чиқиб таклиф қилади. Буни биз 5-чизмада кўришимиз мумкин.




4-чизма. Меҳнатга бўлган талаб эгри чизиғи

Бу ерда: L - талаб қилинадиган меҳнатнинг миқдори;
W/R - реал иш ҳақи миқдори;
Ld- меҳнатга бўлган талаб эгри чизиғи.




5-чизма. Меҳнат таклифи эгри чизиғи

Бу ерда: $L_S$ - меҳнат таклифининг эгри чизиғи;
W/ R - реал иш ҳақи;
L - таклиф қилинаётган меҳнатнинг миқдори.

Реал иш ҳақи миқдори катта бўлса, унга мос равишда меҳнатнинг таклифи ҳам юқори, агар кичик бўлса, пастроқ бўлади.

Талаб ва таклиф эгри чизиғини умумлаштириб 6-чизмада ифодалаймиз.

6-чизмадан кўриниб турибдики, $(W/R)_e$ га тенг бўлган иш ҳақи даражасида, меҳнат бозорида мувозанат вужудга келади.

Бунинг маъноси шуки, агар иш ҳақининг шу даражада ким иш излаётган бўлса, у иш билан таъминланади, иккинчи томондан, ишбилармонлар ўзларига керак бўлган ишчи кучи миқдорини топиш имкониятига эга бўладилар. Е ҳарфи билан белгиланган нуқта меҳнат бозорида мувозанат ҳолатини билдиради.




6-чизма. Меҳнатга бўлган талаб ва таклиф эгри чизиғидаги мувозанат

Реал иш ҳақининг бошқача қийматида меҳнат бозорида мувозанатни ўрнатиб бўлмайди:

1. Агар иш ҳақи мувозанат нуқтадан юқори бўлса, (W/R)* нуқтада меҳнатнинг таклифи талабдан ошиб кетади, яъни, L1>L2.

2. Агар иш ҳақи мувозанат нуқтадан паст бўлса, (W/R)** нуқтада меҳнатга бўлган талаб таклифдан ошиб кетади: L1**>L2**.

Биринчи ҳолатда ишсизлик вужудга келади, иккинчи ҳолатда эса иш жойлари бўшаб қолади.

Амалиётда аҳолининг «тўла иш билан бандлиги» деган тушунча бор. Лекин бундай натижага ўз-ўзидан эришиш қийин. Чунки аҳолининг ишламоқчи бўлган қисмини иш билан диярли тўлиқ банд қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам аҳолининг маълум миқдорда ишсиз бўлиши иқтисодий жиҳатдан меъёрий ҳол ва асослидир.

**Ишсизлар** – бу, ишчи кучининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳловчи ва фаол иш қидираётган аҳолидир.

Ишсизликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

**Фрикцион ишсизлик.** Унга иш қидираётган ёки яқин вақ-

тлар ичида иш билан таъминланишни кутаётган ишчи кучи киради. Ишсизликнинг бу тури асосан иш ёки турар жойларни ўзгартириш, ўқув юртларини тугатиш ва шунингдек, бошқа сабаблардан келиб чиқади. У доимо мавжуд бўлиб, маълум бир даражада керакли ҳисобланади.

**Таркибий ишсизлик.** Таркибий ишсизлар гуруҳига ишлаб чиқариш структурасининг ўзгариши натижасида ишчи кучига талаб таркибининг ўзгариши натижасида ишсиз қолганлар киради. Унга асосан малакаларини ўзгартириши ва ошириши, маълумот олиши, янги касб эгаллаши лозим бўлган ишсизлар гуруҳлари киради. Фрикцион ишсизлик билан таркибий ишсизликнинг асосий фарқи шундаки, биринчисида, маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб, иш жойларини тезроқ топиб олишади, иккинчисида эса, ишчи кучи дарҳол ва тезроқ иш жойларини топа олмайди.

**Даврий ишсизлик** асосан ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайишидан пайдо бўлади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи талабнинг камайишини, шунга мувофиқ, ялпи таталабнинг камайишини, ва оқибатда аҳолининг иш билан бандлиги қисқариши ва ишсизликнинг ўсишини билдиради.

**Тўла иш билан бандлик** ишчи кучининг 100 фоиз иш билан таъминланганлигини билдирмайди. Аксинча, фрикцион ва структурали ишсизлик иложсиз ҳол бўлганлигини ҳисобга олсак, биз мутлақ тўла иш билан бандлиликка эришиб бўлмаслигини тушунамиз.

Агарда даврий ишсизлик бўлмаса, у ҳолда тўла иш билан бандлиликка эришилади. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик, **ишсизликнинг табиий даражаси** дейилади. Бунга иш қидирувчилар сони бўш иш жойлари сонига мувофиқ келсагина эришиш мумкин. Ишсизликнинг табиий даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлик йиғиндисига тенг бўлади.

Ишсизликнинг табиий даражаси доимий эмас, чунки у иқтисодий вазият, қонун ва миллий анъаналар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Умумий ҳолда ишчи кучи иш билан банд ва фаол иш қидириб юрган ишсизларга бўлинади. **Ишсизлик даражаси** деб ишсизларни ишчи кучи сонига нисбатига (% ҳисобида) айтилади ва уни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

Ишсизлик даражаси = (ишсизлар сони / ишчи кучи сони)x100

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилиши мум-

кин бўлган маҳсулот ҳажмини иқтисодиётнинг **ишлаб чиқариш потенциали** деб аталади.

Потенциал ЯММ*ни ҳисоблашда мамлакатда ишсизлик мутлақо йўқ деб эмас, балки мавжуд, бироқ у табиий даражада, деб ҳисобланади.

Маҳсулотларнинг потенциал ва ҳақиқий ишлаб чиқарилиши ўртасидаги фарқ ЯММ ҳажмининг **узилиши ёки орқада қолиши** деб аталади. У потенциал ишлаб чиқаришга нисбатан фоизда акс эттирилади.

$$ЯММ_{узилиш} = \frac{ЯММ_{потенциал} - ЯММ_{ҳақиқий}}{ЯММ_{потенциал}} \times 100$$

## 3.3. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. А. Оукен қонуни

Ишсизлик даражасининг ошиши натижасида иқтисодиёт потенциал ЯММ ҳажмини ололмайди. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишсизликни унинг табиий даражасида сақлаш ва тартибга солиш иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯММ узилиши шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам потенциал ҳажмдаги ЯММ* ҳақиқий ЯММ дан катта бўлади.

Ишсизлик даражаси ва ЯММ узилиши ўртасидаги миқдорий нисбатни инглиз иқтисодчиси Артур Оукен математик ҳолда исботлаб берган. Шунинг учун бу қонун, ОУКЕН қонуни дейилади. Қонуннинг моҳияти шундан иборатки, агар ҳақиқий ишсизлик ишсизликнинг табиий даражасидан бир фоизга ошиб кетса, миллий иқтисодиёт ЯММни икки ярим фоизга кам яратади. Ушбу нисбат ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишлари ҳажмини аниқлаш имконини беради. Ҳозирги кунда β коэффициенти деб аталган бу коэффициент миқдори 2,5 фоиздан 3,5 фоиз оралиғида деб ҳисобланади.

Оукен қонунини формулада қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$ЯММ_{узилиш} = -2{,}5[ИТД - ИҲД]$$

Бу ерда: ИТД — ишсизликнинг табиий даражаси;

ИҲД — ишсизликнинг ҳақиқий даражаси.

Демак, мос равишда уларнинг нисбати 1:2,5 ёки 2:5 га тенг. Бу формула ёрдамида йўқотилган ЯММнинг мутлақ қийматини

ҳисоблаш мумкин. Мисол учун, 1992 йили ишлаб чиқариш пасайган даврда ишсизлик 9,5 фоизга тенг бўлган, деб олайлик. Ишсизликнинг табиий даражаси эса 6 фоизга тенг бўлиши керак ёки ишсизлик унинг табиий даражасидан 3,5 фоиз кўп: 3,5 фоизни $\beta$ коэффициентига (2,5) кўпайтириб, 1992 йилда ЯММнинг потенциал ЯММ*дан 8,75 фоизга кам олинганлигини аниқлаймиз. ЯММнинг пастроқ даражаси ўз навбатида, ишлаб чиқаришда қатнашувчилар даромадларининг нисбатан камроқ бўлишини ва иқтисодиётнинг келгуси тараққиётини инвестициялаш имкониятлари қисқаришини билдиради.

ЯММ узилишини ифодалайдиган формула билан Оукен формуласини умумлаштириб қуйидаги формулани оламиз:

$$\frac{ЯММ_{потенциал} - ЯММ_{ҳақиқий}}{ЯММ_{потенциал}} \times 100 = -\beta\,[ИТД\text{-}ИХД]$$

## 3.4. Инфляциянинг моҳияти, турлари ва ҳисобланиш усуллари

**Инфляция** - бу, ялпи товар ва хизматлар баҳосининг кўпайиши ва у билан боғлиқ пул бирлиги харид қувватининг тушиб кетишидир. Инфляция макроиқтисодий беқарорликни акс эттиради. Барча мамлакатлар учун инфляцияни жиловлаш йирик иқтисодий муаммо ҳисобланади. Айниқса бир иқтисодий тизимдан иккинчи бир иқтисодий тизимга ўтаётган мамлакатларда инфляциянинг иқтисодиётга таъсири анча хавфли. Чунки, бу давр нархларнинг эркинлашуви ва шунга мувофиқ уларнинг умумий даражаси кескин ошиб кетиши билан боғлиқ. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, инфляция даврида барча товарларнинг баҳолари ҳам ошавермайди: айримлариники барқарор бўлиб турса, баъзилариники эса тушиши мумкин.

Инфляция иқтисодиёт ривожланишининг ҳақиқий ҳолатини бузиб кўрсатиб, бошқарув жараёнини ниҳоятда қийинлаштиради. Инфляция баҳо индекслари - дефлятор ва истеъмол нархлар индекси ёрдамида аниқланади. Йиллик инфляция даражаси эса жорий баҳо индексини базис баҳо индексига нисбати билан аниқланади:

$$I_{йил} = ((I - Io) / Io) \times 100\ \%$$

Бунда: $I_{йил}$ — йиллик инфляция суръати;

I - жорий йилнинг нархлар индекси;

Io - ўтган йилнинг нархлар индекси.

Мисол учун, 1996 йилга нисбатан 1997 йили товарлар баҳоси 150% га 1998 йили эса 180% га тенг бўлди, дейлик. 1998 йилнинг инфляция суръати қуйидагича бўлган:

$$I_{йил} = ((180\text{-}150)/150)x100 = 20{,}0\%$$

Инфляцияни миқдоран ўлчаш учун макроиқтисодиётда «70-миқдор қоидаси» деб аталган усулдан ҳам фойдаланилади. Бу усул нархларнинг барқарор ўсиши шароитида инфляция даражаси неча йилда икки бараварга ошишини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун 70 ни йиллик инфляция даражасига бўлиш кифоя:

$$\frac{\text{Инфляция суръати икки бараварга}}{\text{кўпайиши учун зарур бўлган йил}} = \frac{70}{\text{нархларнинг йиллик ўсиш даражаси (\%)}}$$

Мисол учун, йиллик инфляция даражаси 9,5% га тенг бўлса, тахминан етти йилу 3,5 ойдан кейин баҳо икки мартага кўпаяди, яъни, (70:9,5 = 7,3).

Реал ЯММ ва жамғарманинг неча йилдан сўнг икки марта ошишини ҳисоблаш зарур бўлган ҳолларда ҳам «70-миқдор қоидасидан» фойдаланилади.

Умуман, мамлакат иқтисодиётида инфляциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Инфляциянинг икки хил кўриниши мавжуд:

- талаб инфляцияси;
- жами таклифнинг камайишидан келиб чиқадиган инфляция, яъни, таклиф инфляцияси.

**Талаб инфляцияси** бу, иқтисодиётда талаб кескин ошиб кетиши ва уни ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондириш мумкин бўлмай қолган шароитларда келиб чиқади. Яъни, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари жами ўсиб бораётган талабни қондиролмайди. Ортиқча талаб эса реал товарлар баҳосининг кўпайишига иқтисодий босим беради ва талаб инфляцияси келиб чиқади. Ёки, оддий сўзлар билан айтганда, «ҳаддан зиёд пуллар ҳаддан кам товарларни овлайди». Талаб инфляциясини келтириб чиқарувчи асосий сабаблар аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ва иш ҳақининг ошиб бориши ҳисобланади. Демак, инфляция талаб, таклиф, иш билан бандлик, баҳо, ишлаб чиқариш суръатлари каби кўпгина омилларга боғлиқ.

Иқтисод пасайиш ҳолатида бўлганда мамлакатда жами та-

лаб ошса, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, ишсизлик камаяди, баҳо даражаси эса деярли ўзгармайди ёки кам миқдорда ўзгаради. Баҳо ўзгармаслигининг сабаби шундаки катта ҳажмдаги бўш турган меҳнат ва хом ашё ресурларини шу ўзгармас баҳода ишга тушириш мумкин бўлади. Чунки, ишсиз юрган киши иш ҳақини оширишни талаб қилмайди, унинг учун ишга ёлланишнинг ўзи кифоя ҳамда қўшимча станок сотиб олишга ҳожат йўқ.

Бундан ташқари, баҳо ишчи кучини тўла иш билан бандлигига эришишдан олдин ҳам ошиши мумкин. Яъни, баъзи саноат корхоналари олдинроқ бўш турган ресурс ва захираларни ишлаб чиқаришга тўлиқ жалб қилинади, натижада улар талабнинг ўсишига мос ишлаб чиқаришга, таклифга эриша олмайди. Талаб, таклифдан кўпайиб кетади, натижада баҳо яна оша бошлайди.

**Таклиф инфляцияси** бу, мамлакат иқтисодиётида товар ва хизматлар таклифининг камайиши натижасида товар ва хизматлар баҳоларининг ошишидан пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ортиқча талаб бўлмаса ҳам товарларнинг баҳолари ошиб боради. Ҳатто иш билан бандлик ва ЯММ ишлаб чиқариш камайган йиллари товарларнинг баҳоси ошади. Жами таклиф қисқаришининг асосий сабаби маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларнинг ўсиши ҳисобланади. Бунда номинал иш ҳақи, хом ашё ва ёқилғи нархларининг ошиши натижасида ишлаб чиқариш таннархи ҳам ошади.

Таклиф инфляциясининг келиб чиқишига, шунингдек, таклиф механизмининг бузилиши ҳам таъсир қилади. Таклиф механизми эса тасодифий ҳолда асосий ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг кескин кўпайишидан келиб чиқади. Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, таклиф инфляцияси ўз-ўзини чеклайди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши харажатларнинг қўшимча ўсишини чеклайди, чунки ишсизликнинг ўсиши номинал иш ҳақининг аста-секин пасайишига олиб келади. Талаб инфляциясини чеклаш учун эса махсус чора-тадбирлар кўриш зарур бўлади. Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми қисқариши билан бир вақтда номинал ҳажмининг ортиб бориши каби вазият содир бўлади. Даромадларни ишлаб чиқариш томонидан таъминланмаган ўсиши аҳоли қўлидаги пулнинг таклиф қилинаётган товар ва хизматлардан ошиқчалигига олиб келади. Бундай ҳол пул бирлигининг харид қувватини пасайтиради, бир миқдордаги пулга жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан аҳоли камроқ маҳсулот сотиб олади, яъни, унинг реал даромади камаяди. Мисол учун, жорий йилда аҳолининг номинал даромадлари 30% га кўпайган, нархлар даражаси 50% га ошган бўлса, унда аҳолининг реал даромадлари 20% га

камайган бўлади. Чунки, нархларнинг ўсиши аҳоли пул даромадларининг ўсишидан юқори бўлган (30% - 50%=- 20%).

Инфляцияни реал даромадлар даражасига таъсири у кутилаётган ёки кутилмаётганига ҳам боғлиқ. Кутилаётган инфляция шароитида даромад олувчи инфляциянинг у олаётган даромадга таъсирини камайтириш чорасини кўради.

Кутилаётган инфляция даромадларни дебиторлар ва кредиторлар ўртасида кредиторлар фойдасига қайта тақсимлайди. Шунингдек кутилмаган инфляция даромадларни қайд қилинган даромад олувчилар ва қайд қилинмаган даромад олувчилар ўртасида кейингилари фойдасига қайта тақсимлайди. Талаб ва таклиф инфляциясини қатъий чегаралаш қийин. Баъзида бу икки турдаги инфляция бир-бири билан қўшилиб кетади. Масалан, талаб инфляцияси шароитида ёлланма ишчилар кутилаётган инфляция даражасини эътиборга олиб иш ҳақлари оширилишини меҳнат шартномаларига киритадилар. Бу эса маҳсулот таннархини ошириб таклиф инфляциясини келтириб чиқаради. Товарлар таклифнинг камайишини кузатаётган иқтисодий агентлар пул маблағларини товарларга айлантиришга шошадилар. Бу ҳолат талаб инфляцияси кўринишини келтириб чиқаради. Бундай кетма-кетлик охир-оқибат гиперинфляцияни келтириб чиқариши мумкин. Гиперинфляция бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёни бўлиб, ишлаб чиқариш ва бандлик даражаларига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Гиперинфляция шароитида пул ўзининг қиймат ўлчови ва алмашинув воситаси сингари функцияларини бажаролмай қолади. Нормал иқтисодий муносабатлар бузилади. Маблағлар ишлаб чиқаришга эмас, балки товар-моддий бойликлари жамғаришга йўналтирилади.

## 3.5. Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик. Филлипс эгри чизиғи

Иқтисодиёт ўз ривожланишида потенциал даражага яқинлашган шароитда ёки бандлилик даражасини ошириш ёхуд инфляция даражасини пасайтириш каби муқобил вариантлардан бирини танлашга мажбур бўлинади. Чунки қисқа муддатли даврда ишсизлик ва инфляция даражалари ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Ишсизликни пасайтириш иш жойларини яратиш учун қўшимча маблағлар ажратилишини англатади. Айни пайтда бу иш ҳақи миқдорининг ошишига ҳам олиб келади. Ҳар иккала ҳолат ҳам баҳолар даражасинининг кўтарилишига олиб келади.

Ишсизлик ва инфляция кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро

боғлиқлик инглиз иқтисодчиси А.В.Филлипс томонидан аниқланган ва **Филлипс эгри чизиғи** (7-чизмада) деб аталади.

Ҳукумат Филлипс эгри чизиғига асосланиб қисқа давр учун ишсизлик ва инфляция даражаларининг исталган комбинациясини танлаш мумкин. Мамлакат иқтисодиётининг хусусиятига кўра, шунингдек, инфляциянинг қайси тури мавжудлигига қараб Филлипс эгри чизиғидаги инфляция ва ишсизлик даражаларининг комбинацияси фарқ қилиши мумкин.




7-чизма. Филлипс эгри чизиғи

## 3.6. Макроиқтисодий мувозанат ва унга эришиш йўллари

Бозор иқтисодиёти шароитида макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг роли ва аҳамияти бениҳоя катта. Макроиқтисодий мувозанат мамлакат иқтисодиётининг тўғри ёки нотўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатувчи индикаторлардан бири ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётда бўлаётган доимий ўзгаришлар ҳар қандай мамлакатни ҳам иқтисодий мувозанатдан чиқариб юбориши мумкин. Яъни, кечаётган бирор жараён мутаносибли, мувозанатли бўлса, уни бир маромда фаолият кўрсатаётган организм деб тушунамиз ва аксинча, ундаги ҳар қандай силжиш унинг мувозанатининг бузилиши деб қаралади.

Иқтисодий тизимлардаги бундай барқарорлик товарлар ва хизматлар тақчиллиги ёки ортиқча ишлаб чиқарилганлиги, инфляция, ишсизлик ва шунга ўхшаш бошқа салбий ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Улар иқтисодиёт самарадорлигининг па-

сайишига ва аҳоли турмуш тарзи тушиб кетишига олиб келади. Шу сабабли ҳам иқтисодий мувозанат муаммоларини тадқиқ қилиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодий мувозанат миллий иқтисодиётни шартли равишда барча истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи бирликларининг ўзаро боғлиқлиги сифатида кўз олдимизга келтирсак, унда мувозанат шундай ҳолатки, қачонки, улар ўртасида қарама-қаршиликлар бўлмайди ва ресурслар, товарлар ва даромадларнинг доиравий айланиши узлуксиз равишда амалга ошишини таъминланади. Миллий даражадаги ёки макроиқтисодий мувозанат пулда ифодаланган жами талаб ва таклифни, иқтисодиётни пулли ва моддий мутаносиблигининг мос келишини кўзда тутади. Бу миллий хўжаликнинг идеал ҳолати бўлади, уни доимий таъминлаб туриш қийин вазифа ҳисобланади.

Жаҳон амалиёти иқтисодий мувозанатга эришишнинг икки асосий усулини ишлаб чиққан:

1. Нархлар талаб ва таклифларни тартибга солиб турувчи бир-бирига боғлиқ бўлган бозорлар ёрдамида (товар ва хизматлар, капитал, ишчи кучи бозорлари) мувозанатлашади.

2. Моддий, меҳнат ва молиявий балансларни тузиш йўли билан келажакда талаб ва таклифнинг ҳажмларини, шунингдек, нархларнинг ўзини ҳам ўрнатувчи давлат режалари ёрдамида мувозанатлашади.

Аралаш иқтисодиёт мамлакатларида макроиқтисодиёт мувозанатга эришишда асосан бозор усулларига асосланилади. Шу билан бирга давлат ҳам сезиларли даражада рол ўйнайди. У маъмурий - ҳуқуқий ва иқтисодий аралашув чегараларидан фойдаланиб, жами талаб ва таклифнинг ўзгаришига ва шу орқали макроиқтисодий мувозанатга ҳам бевосита ёки билвосита таъсир этади. Буни аввалам бор мамлакатда иқтисодий барқарорликка эришмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун барча ривожланган мамлакатларда иқтисодий барқарорликка эришишга катта аҳамият берилади. Чунки, иқтисодий барқарорлаштириш ислоҳотларини амалга ошираётган барча мамлакатларда энг долзарб ва қийин ҳал қилинадиган вазифадир.

Назария ва жаҳон амалиётида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг икки асосий ёндашуви ишлаб чиқилган: монетар ва таркибий.

Монетар ёндашув тарафдорлари иқтисодиётда товар-пул мувозанати бузилишининг асосий сабаби бўлган инфляцияни асосан муомалада пул массасининг ортиқчалигидан келиб чиққан деб ҳисоблашади. Шунинг учун улар томонидан таклиф қилинаётган чора - тадбирлар пул таклифини чеклашга қаратилган.

Жумладан, давлат харажатларини, биринчи навбатда, ижтимоий дастурларни кескин қисқартириш, пул эмиссиясига ва давлат заёмларига қатъий чегара ўрнатиш, иш ҳақи ўсишини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ йўл очиб бериш.

Монстаристлардан фарқли равишда таркибий барқарорлаштириш тарафдорлари инфляцияни бутун инқирозий ҳолатларнинг бош сабабчиси деб ҳисобламайдилар. Шунинг учун уларнинг таклифлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш ёрдамида нархлар ўсишининг олдини олишга қаратилган. Бунда улар давлат томонидан тартибга солиш усулларига муҳим аҳамият беради.

## Қисқача хулосалар

Иқтисодий даврлар асосан тўртта босқичини ўз ичига олади ва уларни иқтисодий тебранишлар деб юритиш мақсадга мувофиқ.

Ишсизлик даражаси деб ишсизлар сонининнинг ишчи кучи сонига нисбатига айтилади. Ишчи кучи ҳам бошқа товар маҳсулотлари каби бозорда сотилади ва сотиб олинади. Тўла иш билан бандлик 100% иш билан таъминланганлик даражасини англатмайди.

Ишсизликнинг табиий даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлик даражалари йиғиндисига тенг. Ишсизлар сонининг ошиши, яъни ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан юқори бўлиши потенциал ҳажмдаги ЯММ билан ҳақиқий ҳажмдаги ЯММ ўртасида узилишга олиб келади. Бундай боғлиқликнинг миқдорий даражасини инглиз иқтисодчиси Артур Оукэн ҳисоблаб чиққан.

Инфляция товар ва хизматлар баҳосининг кўпайиши натижасида пул харид қувватининг тушиб кетишини англатади. Иқтисодиётда инфляциянинг бир нечта турлари аниқланган. Шунинг учун ҳам барча мамлакатларда инфляцияни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Ишсизлик ва инфляция суръатлари ўртасидаги тескари боғлиқлик Филлипс эгри чизиғида акс этади.

### Назарот ва муҳокама учун саволлар

1. Нима учун иқтисодий тебранишлар такрорланиб туради?
2. Ишсизликнинг қандай турлари мавжуд? Ишсизлик даражаси қандай аниқланади?
3. А. Оукен қонунинг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Талаб ва таклиф инфляцияларига изоҳ беринг?
5. Ишсизлик билан инфляция ўртасида қандай ўзаро боғлиқлик мавжуд? Филлипс эгри чизиғи нимани кўрсатади?

### Асосий адабиётлар


1. Бурдо М., Виплаш Ч. Макроэкономика (Европейский текст). – С. Петербург: Судостроение. 1998.
2. Жеффри Д., Сакс Д., и др. Макроэкономика. Глобальный подход. – М.: Дело. 1996.
3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ - 2000.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. Максимова В.Ф., Ишпов А.А. и др., Рыночная экономика: учебник в трёх томах. 2 -том. – М.: Семинтек. 1992.

# IV боб

# ИСТЕЪМОЛ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ФУНКЦИЯЛАРИ

## 4.1. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (бундан буён истеъмол деб юритилади) ЯММ таркибида энг катта улушга эга бўлган компонентдир. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда истеъмол харажатлари ихтиёридаги даромаднинг 90 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади. Шу туфайли ҳам истеъмол харажатларига таъсир этувчи омилларни, унинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Уй хўжаликлари ихтиёридаги даромаднинг истеъмол қилинмасдан қолган қисми уларнинг жамғармаларини ташкил этади. Истеъмол ва жамғармалар ҳажмини ва динамикасини белгиловчи асосий омил уй хўжаликларининг ихтиёридаги даромадларидир (DI – disposable income). Макроиқтисодий назарияда истеъмол ва жамғармалар, миллий даромад ёки шахсий даромадларнинг функцияси сифатида ҳам тадқиқ қилинади.

Маълумки, уй хўжалиги ихтиёридаги даромад истеъмол ва жамғариш учун ишлатилади. Яъни, қанча кўп истеъмол қилинса, шунча кам жамғарилади ва аксинча. Истеъмол ва жамғариш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳар хил даромадга эга бўлган шахсларда бир хил эмас: кам даромадга эга бўлганлар, одатда, унинг кўпроқ қисмини истеъмол қилиб, камроқ қисмини жамғаради, лекин даромадлари ошиб бориши билан бу нисбат жамғариш фойдасига ўсади. Бу боғлиқликни қуйидаги гипотетик маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

*4-жадвал*

**Даромад, истеъмол ва жамғариш кўрсаткичлари**

| Йиллар | Даромад (У) | Истеъмол (С) | Жамғариш (S) |
|---|---|---|---|
| 1 | 370 | 375 | -5 |
| 2 | 390 | 390 | 0 |
| 3 | 410 | 405 | 5 |
| 4 | 430 | 420 | 20 |
| 5 | 450 | 435 | 15 |
| 6 | 470 | 450 | 20 |
| 7 | 490 | 465 | 25 |

4-жадвалда келтирилган маълумотларга ихтиёрдаги даромад ҳажми 370 шартли бирликка (ш.к.) тенг бўлганда уй хўжаликлари истеъмоли 375 ш.б.ка тенг, яъни ихтиёрдаги даромаддан

5 ш.б.ка кўп бўлади. Яъни уй хўжаликлари 5 ш.б.ка тенг миқдорда қарз ҳисобига ёки ўтган йилларда тўпланган жамғармалар ҳисобига истеъмол харажатлари қиладилар. Ихтиёрдаги даромадлар 390 ш.б.ка тенг бўлганда, унинг миқдори истеъмол миқдори билан тенглашади. Бу миқдор бўсағавий даромад деб юритилади. 4-жадвал маълумотлари асосида истеъмол графигини чизамиз.




8-чизма. Истеъмол графиги

Истеъмол графиги икки тўғри чизиқ кўринишида берилган. Биссектриса кўринишидаги DI=C тўғри чизиғининг ҳар бир нуқтасида истеъмол ва ихтиёридаги даромад ҳажмлари тенг бўлади. Ҳақиқий истеъмол (C) графиги ҳақиқий истеъмол ва даромад тенг бўлган нуқтада (α) биссектриса билан кесишади. Бўсағавий нуқтадан қуйида ҳақиқий истеъмол даромаддан ошиқ. Бу вазият инсонларнинг қарз ҳисобига ҳаёт кечиришини билдиради. α – нуқтада юқорида ҳақиқий истеъмол даромаддан кам ҳамда улар ўртасидаги фарқ жамғаришни ташкил этади. Ҳақиқий истеъмол тўғри чизиғи истеъмол ҳажмини белгиловчи вертикал ўқни *a* нуқтада кесиб ўтади. Бу ҳол уй хўжаликлари умуман даромад олмаганларида ҳам маълум миқдорда истеъмол қилишларини англатади. *A* – нуқта эса автоном истеъмол ҳажмини

билдиради. 8-чизмага асосланиб истеъмол функциясини ёзамиз:

$$C = a + bDI$$

Бу ерда: a – автоном харажатлар;

DI – ихтиёрдаги даромад (DI=Y-T):

Бу ерда: T – солиқлар;

b – истеъмол ҳажмининг ихтиёрдаги даромадга боғлиқлигини ифодаловчи коэффициент ($b = \frac{\Delta C}{\Delta DI} = \frac{C_t - C_{t-1}}{DI_t - DI_{t-1}}$).

Демак, истеъмол ҳажми автоном истеъмолга, ихтиёрдаги даромад ҳажмига ва истеъмол ҳажмининг ихтиёрдаги даромад ўзгаришига таъсирчанлигига боғлиқ.

Келтирилган маълумотлар асосида жамғариш графигини ҳам кўриб чиқамиз (9-чизма).

Жамғариш графиги даромад билан жамғариш ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Вертикал ўқдаги ҳар бир нуқта жамғарма миқдорини билдиради ва даромад билан унга мувофиқ келадиган истеъмол ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (S= DI -C). Бошланғич даромад даражасида жамғариш нолга (0) тенг бўлган ҳолда ихтиёрдаги даромад ҳажми ўсиб бориши билан унинг миқдори ҳам ошиб боради. Жамғариш графигини ҳам истеъмол графигига ўхшаб алгебраик ифодалаш мумкин, яъни жамғариш функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$S = -a + (1 - b)DI$$

Автоном истеъмол ҳажмини 97,5 шартли бирликка тенг деб олиб келтирилган маълумотлар асосида DI=450 бўлганда, истеъмол ва жамғариш ҳажмларини аниқлаймиз:

$$C = 97{,}5 + (15/20) \cdot 450 = 435 \text{ ш.б.}$$

$$S = -97{,}5 + (1 - 15/20) \cdot 450 = 15 \text{ ш.б.}$$

Истеъмол ва жамғариш ҳажмига ихтиёрдаги даромад динамикасидан ташқари қуйидаги омиллар тўғрироғи бу омиллардаги ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатади:

1. Уй хўжаликлари даромадлари.
2. Уй хўжаликларида тўпланган бойлик ҳажми.
3. Баҳолар даражаси.
4. Иқтисодий кутиш.
5. Истеъмолчилар қарзлари ҳажми.
6. Солиққа тортиш ҳажми.




9-чизма. Жамғариш графиги

Дастлабки беш омил таъсирида истеъмол ва жамғариш графиклари ўзаро тескари томонга силжигани ҳолда солиққа тортиш даражасининг ўзгариши ихтиёрдаги даромад ҳажмини ўзгартиргани туфайли истеъмол ва жамғариш ҳажмлари бир томонга қараб ўзгаради. Бу беш омил таъсирида жорий ихтиёрдаги даромад таркибида истеъмол ва жамғариш улуши нисбатлари ўзгаради.

## 4.2. Истеъмол ва жамғаришга ўртача ва чегаравий мойиллик

Макроиқтисодий таҳлил жараёнида истеъмол ва жамғариш функцияларини янада тўлароқ билиш учун истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик ва чегараланган мойиллик тушунчаларини билишимиз лозим.

Истеъмолга ўртача мойиллик деганда ихтиёридаги даромаддаги истеъмол харажатларининг улуши тушунилади, яъни:

$$APC = \frac{C}{DI} \cdot 100$$

Бунда: APC — (average propensity to consume) истеъмолга ўртача мойиллик.

Ихтиёрдаги даромаддаги жамғариш улушини жамғаришга ўртача мойиллик деб аталади, яъни:

$$APC = \frac{S}{DI} \cdot 100\%$$

Бунда: APS (average propensity to saving) – жамғармага ўртача мойиллик.

Мисол учун, даромад даражаси 410, 430 ва 530 шартли бирликка ва истеъмол даражалари 405, 420 ва 495 шартли бирликка тенг бўлган ҳолатлар учун истеъмолга ўртача мойилликни ҳисоблаймиз, яъни:

APC = (405 / 410) х 100 = 98, 78% ёки 0,98;
APC = (420 / 430) х 100 = 97,67% ёки 0,97;
APC = (495 / 530) х 100 = 93,39% ёки 0,93 га тенг.

Демак, бу мисоллардан кўриниб турибдики, ихтиёрдаги даромадлар миқдори кўпайиб бориши билан унинг таркибидаги истеъмол улуши камайиб ва аксинча жамғарма улуши кўпайиб боради. Солиқлар тўлангандан кейин қолган даромаднинг бир қисми истеъмол қилинади, иккинчи қисми эса жамғарилади, шу туфайли ҳам истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойиллик йиғиндиси 100% га ёки коэффициент кўринишда 1 га тенг.

$$APC + APS = 100\% \text{ ёки } 1.$$

Уй хўжаликлари ихтиёридаги барча даромадларининг ўсган қисмини ё истеъмол қилади, ёки жамғаради.

Истеъмолдаги ўзгаришларнинг шу ўзгаришни келтириб чиқарган ихтиёрдаги даромад ўзгаришдаги улуши истеъмолга чегараланган мойиллик дейилади.

$$MPC = \frac{\Delta C}{\Delta DI} = \frac{C_t - C_{t-1}}{DI_t - DI_{t-1}} \cdot 100$$

Бу ерда: MPC (marginal propensity to consume) – истеъмолга чегараланган мойиллик.

Юқорида келтирилган 4-жадвал маълумотларига кўра ихтиёрдаги даромад 410 ш.б.дан 430 ш.б.кача ошган ҳолатда MPCни ҳисоблаймиз.

ΔC = 420 - 405 = 15;
ΔDI = 430 - 410 = 20;

MPC = 15/20 · 100= 75%;

Бу шуни билдирадики, даромад 100 % га (ёки бир бирликка) ўзгарганда истеъмол 75 % (ёки 0,75)га ўзгаради.

Жамғаришдаги ўзгаришнинг ихтиёрдаги даромад ўзгаришдаги улуши жамғаришга чегараланган мойиллик дейилади.

Яъни:

$$MPS = \frac{\Delta S}{\Delta DI} = \frac{S_t - S_{t-1}}{DI_t - DI_{t-1}} \cdot 100$$

Бу ерда: MPS (marginal propensity to saving) — жамғаришга ўртача мойиллик.

Юқорида келтирилган мисолда:

ΔDI = 430 - 410 = 20
ΔS = 10 - 5 = 5
MPS = 5/20 ·100= 25%;

Шундай қилиб, истеъмолга чегараланган мойиллик 0,75 ни ташкил этган бўлса, жамғармага чегараланган мойиллик 0,25 ни ташкил этади. Даромаднинг ўсган қисми ёки истеъмолга, ёки жамғармага сарфланади. Шу сабабга кўра истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик кўрсаткичлари йиғиндиси 100%га ёки коэффициент кўринишида 1га тенг бўлади.

MPC + MPS = 100% ёки 1.

MPC ва MPS анча барқарор кўрсаткичлар бўлиб, жуда секин ўзгаришга учрайдилар.

### 4.3. Инвестиция ва унинг динамикасини белгиловчи омиллар

ЯММнинг иккинчи компоненти бўлган инвестицияларга тўхталиб ўтамиз.

Инвестициялар ёки капитал қўйилмалар — бу, ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий моҳиятига кўра инвестициялар янги корхоналар қуриш,

узоқ муддат хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб-ускуналарни якуний сотиб олишга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир. Шунингдек инвестицилар таркибига уй-жой қурилишига кетган харажатлар ҳам киритилади.

Инвестицияларнинг турли гуруҳлаш мумкин. Макроиқтисодий таҳлилда энг кўп дуч келинадиган гуруҳлашда инвестициялар инвестициялаш объектига кўра уч турга бўлинади.

1. Ишлаб чиқариш инвестициялари;
2. Товар-моддий захираларига инвестиция;
3. Уй-жой қурилишига инвестиция.

Макроиқтисодий таҳлилда инвестициялар динамикасини белгиловчи омил сифатида реал фоиз ставкаси қаралади. Реал фоиз ставкаси ортиши билан инвестициялар ҳажми камайишини кузатишимиз мумкин. Чунки инвесторлар учун қарз баҳоси ортиб, улар кўрсатадиган фойда нормасини пасайтириб қўяди.

Автоном инвестицияларнинг графиги қуйидагича:




10-чизма. Автоном инвестициялар графиги

Автоном инвестиция функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$I = e - dR$$

Бу ерда: I – автоном инвестиция харажатлари;

е – фоиз ставкаси 0га тенг тўлгандаги инвестиция харажатларининг максимал ҳажми. У ташқи иқтисодий омиллар – ер, фойдали қазилма бойликлари ва бошқалар билан белгиланади;

R – реал фоиз ставкаси;

d – инвестицияларнинг реал фоиз ставкаси динамикаси ўз-

гарингга таъсирчанлигини миқдорий белгиловчи эмпирик коэффициент.

Графикдан с ниқтаси шуни билдирадики, банклар нолга тенг фоиз ставкаси билан кредит берганларида ҳам мамлакатдаги бошқа ресурслари миқдорининг чекланганлиги туфайли инвестиция харажатлари маълум миқдор билан чегараланади.

Инвестициялар динамикасини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб кутилаётган соф фойда нормаси ҳисобланади. Агар реал фоиз ставкаси билан инвестиция харажатлари миқдори ўртасида тескари боғлиқлик бўлса, кутилаётган соф фойда нормаси (КСФН) динамикаси билан инвестиция харажатлари ўртасида тўғри боғлиқлик бор.

Агарда кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда миқдоридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Мисол учун, заводга 100000 сўмлик янги станок сотиб олинди. Янги станокни қўллашдан завод 10.000 сўм соф фойда олган бўлсин. Соф фойда нормаси қуйидагича аниқланади:

$$СФн = 10000 / 100000 \times 100 = 10\%.$$

Инвестиция харажатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Реал фоиз ставка нархлар даражасининг ўзгаришини акс эттириб, номинал ставкадан инфляция даражаси айирмаси кўринишида аниқланади. Масалан, номинал фоиз ставкаси 16% га тенг бўлса, инфляция даражаси йилига 12% ни ташкил этса, унда реал фоиз ставкаси 4 фоизини (16%-12%) ташкил этади.

Инвестиция харажатлари динамикасига таъсир этувчи бошқа омиллар қуйидагилар киради:

1. Солиққа тортиш даражаси;
2. Ишлаб чиқариш технологияларидаги ўзгаришлар;
3. Мавжуд бўлган асосий капитал миқдори;
4. Инвесторларнинг кутиши;
5. Ялпи даромадларнинг ўзгариши.

Солиққа тортиш даражасининг пасайиши ҳамда янги технологияларнинг пайдо бўлиши кутилаётган соф фойда нормасининг (реал фоиз ставкаси ўзгармаган шароитда ҳам) кўпайишига олиб келади. Бу эса инвестиция харажатларининг ортишига олиб келади.

Инвестициялар ҳажмининг ЯММ ёки даромадлар даражасига боғлиқлигини акселератор модели акс эттиради:

I = f(Y), яъни инвестициялар (I) ЯММ (Y)нинг функцияси экан.

Акселератор моделининг тўлиқроқ кўриниши қуйидагича бўлади:

$$I = I_{режа} + \gamma Y$$

Бу ерда: $\gamma = \frac{\Delta I}{\Delta Y} = \frac{I_t - I_{t-1}}{Y_t - Y_{t-1}}$

$I_{режа}$ – режалаштирилган инвестициялар;

Y – ЯММ (даромад) ҳажми.

Акселетатор моделини ҳисобга олиб, инвестиция функциясини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$I = e - dR + \gamma Y$$

ЯММ ҳажми ошиши корхоналар фойдасининг кўпайишига олиб келади. Корхона фойдаси инвестицияларнинг манбаи эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолатда инвестиция харажатлари ошади. ЯММ ҳажми пасайиб кетганда эса, яъни иқтисодий фаоллик пасайиши шароитида бўш турган қувватлар мавжудлиги туфайли, инвестиция харажатлари пасайиб кетади. Аммо ЯММнинг даврий тебранишлари, инновацияларни доим ҳам бир текисда бўлмаслиги, ускуналарни узоқ муддат хизмат қилиши, иқтисодий кутишдаги хавфлар туфайли инвестициялар ҳажми барқарор бўлмайди.

## 4.4. Жамғариш-инвестиция айнияти

Инвестициялар миқдори мамлакатдаги жамғармалар миқдорига боғлиқ бўлади. Бу икки кўрсаткич ўртасидаги тенгликка эришиш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартидир.

Агарда, миллий иқтисодиёт ташқи дунё билан ҳеч қандай алоқага эга эмас (X=O) ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нолга тенг (G=O), деб фараз қилинса, унда ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи (ЯММ) орқали ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажми ихтиёридаги даромадга (ИД) тенг бўлади. Яъни:

$$ЯММ = ИД = C + S, \text{ айни пайтда } ЯММ = C + I$$

Бу ерда макроиқтисодий айният қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C + I = C + S \text{ ёки } I = S$$

Ушбу айниятдан кўриниб турибдики, уй хўжаликларининг жамғаришга бўлган истаклари тадбиркорликнинг қанча миқдорда инвестициялаш хоҳишларига мос тушса, унда даромадлар ҳажми (C+S) ва ялпи харажатлар (C+I) ҳажмига тенглигига ёки ишлаб чиқаришнинг мувозанат даражасига эришиш мумкин.

Айтайлик, мамлакат иқтисодиёти очиқ, яъни экспорт-импорт алоқалари йўлга қўйилган, солиқ солиш ва трансферт тўловлари кўринишида давлат аралашуви мавжуд бўлсин. Бундай ҳолатда жамғариш тушунчаси мураккаблашиб, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S = Sp + Sд + Sx$$

Бу ерда: Sp - хусусий жамғармалар;

Sд - давлат жамғармалари;

Sx - бошқа мамлакатлар жамғармалари.

Бунда хусусий жамғармалар даромадлар (У), трансферт тўловлари (TR), давлат заёмлари бўйича фоизлар йиғиндисидан (N) солиқлар (T) ва истеъмол (C) харажатлари йиғиндисини айириш натижасига тенг бўлади.

$$Sp = (У + TR + N - T) - C$$

Давлат жағмармалари қуйидаги миқдорга тенг бўлади:

$$Sд = (T - TR - N) - G$$

Агар давлат жамғармалари нолга тенг бўлса, давлат бюджети мувозанатлашган, жамғаришнинг манфий миқдори бюджет тақчиллигини (БТ) билдиради:

$$БТ = - Sg$$

Бу ерда: БТ — бюджет тақчиллиги миқдори.

Бошқа мамлакатларнинг жамғармалари ташқи дунёнинг бизнинг импортимиз ҳисобига олган даромадларидан уларнинг бизнинг экспортимизга сарфланган ҳаражатларини айириб топилади.

$$Sx = M - X \text{ ёки } Sx = -Xn$$

Агар мамлакат экспортига нисбатан кўпроқ импорт қилса, унда даромадларнинг бир қисми хорижда қолади ва кейинчалик ундан хорижий шериклар томонидан мамлакатимизда кўчмас мулк ва молиявий актив сотиб олишда фойдаланилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча турдаги жамғармаларнинг умумий йиғиндиси инвестицияларга тенг бўлади:

$$Sp + Sд + Sx = (У+TR+N-T)-C + (T-TR-N))-G+(-Xn)$$

ёки

$$Sp+Sd+Sx = У - C - G - Xn$$

$$S = C + I + G - Xn - C - G - Xn$$

$$S = I$$

Демак, иқтисодиётдаги инвестиция харажатлари нафақат ички жамғармалар ҳисобига, балки ташқи дунё жамғармалари ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Мамлакатда инвесторлар кафолатланган юқори фойда олиши учун яратилган шарт-шароитлар хорижий инвесторлар оқимининг ўсишига олиб келувчи муҳим шартлардан биридир.

Кейнсчилар фикрига кўра, S = I айниятга бозор механизмлари воситасида тасодифан эришилади, холос. Чунки инвесторлар ва жамғарувчиларнинг режалари ўзаро мос келавермайди. Шу туфайли давлат тўғри иқтисодий сиёсат юргизиб макроиқтисодий барқарорликни таъминлаши шарт.

## Қисқача хулосалар

Истеъмол харажатларини ЯММнинг энг йирик компоненти бўлиб, унинг ҳажмини аввало ихтиёрдаги даромад белгилайди. Аҳолининг даромадлари миқдори ошиб бориши билан ундаги жамғармалар улуши ҳам ошиб боради.

Истеъмол ва жамғариш ҳажми, шунингдек истеъмолчилар бойликлари даражасига, нарх ва солиқ ўзгаришларига, истеъмолчиларнинг қарзи даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик аҳоли даромадларининг қанча қисми истеъмолга ва қанча қисми жамғармага сарфланганлигини характерловчи кўрсаткичлардир.

Истеъмолга чегаравий мойиллик (MPC) истеъмолдаги ўзгаришларни ихтиёрдаги даромад даражасидаги ўзгаришга бўлиб топилади. MPC нинг катта ёки кичиклиги Фискал сиёсат самарадорлигини белгиловчи омиллардан биридир.

Инвестиция ёки капитал қўйилмалар ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган маблағ ҳисобланади. Инвестиция харажатлари динамикаси, кутилаётган соф фойда нормаси, фоиз ставкаси ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Инвестиция ҳажмининг ЯММ ҳажмига боғлиқлигини характерловчи модель - акселератор модели дейилади. Инвестициялар ва жамғармалар тенглиги макроиқтисодий мувозанатни таъминлашнинг муҳим шартидир.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Даромад, истеъмол ва жамғармалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириб беринг?

2. Қандай ҳолатда истеъмол даромадга тенг бўлади ва қандай ҳолатда жамғариш мавжуд бўлади?

3. Истеъмол ва жамғарма графикларини изоҳланг.

4. Истеъмол ва жамғармага ўртача ва чегаравий мойиллик кўрсаткичларини изоҳлаб беринг?

5. Қайси маблағларни инвестиция таркибига киритамиз?

6. Акселератор моделини тушунтириб беринг.

7. Кутилаётган соф фойда нормаси ўзгариши қайси сабабларга кўра рўй беради ва у инвестиция ҳажмига қандай таъсир кўрсатади.

## Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1995.

2. Гальпирин В.М., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. — С. Петербург. 1994.

3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). — Т.: ТДИУ - 2000.

4. Йўлдошев З., Қосимов М.С. Макроиқтисодиёт асослари. — Т.: «Ўқитувчи», 1994.

5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. — М.: МГУ. 1994.

6. Ҳакимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма). — Т.: «Меҳнат», 1997.

# V боб

# AD - AS МОДЕЛИ

## 5.1. Жами талаб ва уни белгиловчи омиллар

Ҳар қандай бозорда вазият талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга боғлиқ бўлиб, улар ҳажмларининг ўзгариши баҳоларнинг ўзгаришини келтириб чиқаради. Баҳоларнинг ўзгариши эса талаб ва таклиф ҳажмларига таъсир кўрсатади. Бундай ўзаро боғлиқлик умумлаштирилган ҳолда кўриб чиқиладиган миллий бозорга ҳам таълуқлидир.

Алоҳида товарлар ва хизматлар бозоридаги бундай боғлиқлик талаб ва таклиф модели ёрдамида тадқиқ қилинишини яхши биламиз. Аммо макрокўламда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бирга баҳолар умумий даражасининг ўзгариши ўртасида боғлиқликни тадқиқ қилиш, нима учун миллий ишлаб чиқариш ҳажми айрим даврларда барқарор ўсиши, баъзи даврларда эса пасайиб кетишни изоҳлаб бериш учун бу моделлардан фойдаланиб бўлмайди.

Бу вазифани бажариш учун жами талаб - жами таклиф (AD-AS aggregate demand- aggregate supply) моделидан фойдаланамиз.

Бу моделда жами/таклиф, баҳоларнинг умумий даражаси каби агрегат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Макроиқтисодиётда AD-AS модели ишлаб чиқариш ҳажмлари ва баҳолар даражаларининг тебранишларини ҳамда улар ўзгаришининг оқибатларини ўрганиш учун асосий модел бўлиб ҳисобланади ва бошқа бир қанча моделлар AD-AS моделининг хусусий ҳоли ҳисобланади. AD-AS модели ёрдамида давлат иқтисодий сиёсатининг турли вариантлари тасвирлаб берилиши мумкин.

Жами талаб – уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ва чет эллик харидорларнинг баҳоларнинг маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талабидир.

Ёки бошқача қилиб айтганда умумий талаб иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларни сотиб олишга қилинган умумий ҳаражатлар йиғиндисидир. Формула кўринишида умумий талабни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$АД=C+I+G+X_n.$$

Нархлар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизиқ жами талаб эгри чизиғи деб аталади. Буни чизма кўринишида тасвирлаш мумкин (11-чизма). 11-чизмадан кўриниб турибдики, талаб эгри чизиғи доимо пастга ва ўнгга сурилади. Нима учун?

Бундай сурилишнинг сабаби ҳар хил. Яъни, алоҳида олинган товарларда талаб эгри чизиғининг сурилишига асосан даромад самараси ва ўринбосар товарлар сабаб бўлар эди. Айрим товарларнинг баҳоси пасайганда, истеъмолчиларнинг пул даромадлари кўпроқ маҳсулот сотиб олиш имконини беради (**даромад самараси**). Шунингдек, баҳо пасайганда истеъмолчи ушбу товарни кўпроқ бошқа сотиб олади, чунки у бошқа товарларга нисбатан арзонроқ бўлади (ўрнини босадиган товарлар).




11-чизма. Жами талаб эгри чизиғи

Миллий бозорда AD-эгри чизиғининг траекториясини аввало пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси ёрдамида изоҳлаш мумкин.

$$M*V=Y*P$$

Бу ерда: M — муомаладаги пул миқдори;

V — пулнинг айланиш тезлиги;

P — иқтисодиётдаги баҳолар даражаси (баҳолар индекси);

Y — талаб қилинаётган реал ишлаб чиқариш ҳажми.

Бу тенгламадан $P=\frac{M*V}{Y}$; $Y=\frac{M*V}{P}$ тенгламаларни келтириб чиқарамиз. Бу тенгламалардан кўринадики, баҳолар даражаси қанча ошса, реал миллий маҳсалот ҳажмига талаб шунча паст бўлади, яъни пул массаси (M) ва унинг айланиш тезлиги

(V) ўзгармас бўлса баҳолар даражаси ва умумий талаб ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлади.

*Бундай боғлиқлик, шунингдек қуйидаги баҳо омиллари билан изоҳланади:*

1. Фоиз ставкаси самараси;
2. Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари самараси;
3. Импорт харидлар самараси.

**Фоиз ставкаси самараси** шуни билдирадики, жами талабнинг эгри чизиқ бўйича сурилиши нархлар даражаси ўзгаришининг фоиз ставкасига бўлган таъсирига боғлиқ.

Демак, товарларнинг баҳо даражалари ошса, истеъмолчиларга харид қилиш учун катта миқдорда нақд пул керак бўлади. Ишбилармонлар учун ҳам иш ҳақи ва бошқа харажатларни тўлашга катта миқдорда пул зарур бўлади. Қисқача айтганда, товарлар баҳоси даражаларининг юқорилиги пулга бўлган талабни оширади.

Пул таклифи ҳажми ўзгармаган ҳолатда талабнинг ошиши фоиз ставкасини кўрсатилишига олиб келади. Фоиз ставкалари юқори бўлган шароитда ишбилармонларнинг инвестиция товарларига бўлган талаби пасаяди.

Инвестиция ҳаражатлари умумий талабнинг бир қисми бўлганлиги туфайли бу умумий талаб ҳажмининг пасайишига олиб келади.

$$P\uparrow \rightarrow M_D\uparrow (M_S\ \mathrm{const}) \rightarrow R\uparrow \rightarrow I\downarrow \rightarrow AD\downarrow$$

**Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари самараси** шуни билдирадики, нархлар даржасининг ошиши, жамғарилган молиявий активлари (омонатлар, облигациялар) реал харид қобилиятини пасайтириб юборади. Бундай шароитда аҳоли жорий даромадидан истеъмол харажатлар миқдорини қисқартиради. Масалан, муайян шахс активида 10 млн. сўм бўлса, ундан ҳеч иккиланмасдан бирорта автомашина сотиб олиши, агарда инфляция таъсирида машина нархи 12 млн. сўмга кўтарилса, у машина сотиб ололмаслиги мумкин ва яна 2 млн. сўм жамғариш учун жорий даврда олган ихтиёридаги даромадидан кўпроқ қисмини жамғаради.

Истеъмол харажати умумий талабнинг бир қисми бўлганлиги туфайли унинг камайиши ADнинг пасайишига олиб келади.

{P↑ → Молиявий активларнинг реал қиймати ↓ (↗ C↓, ↘ S↑)} → AD↓

**Импорт харидлар самараси** шуни билдирадики, бирор мамлакатда товар ва хизматларнинг ички нархлари ташқи нархларга нисбатан ошиб борса, шу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга талаб камаяди ва ўз навбатида шу мамлакатда импорт маҳсулотларга бўлган талаб ошади. Ва, аксинча, ички нархларнинг пасайиши импортнинг камайишига ва экспортнинг ошишига ёки миллий маҳсулотга талаб ошишига олиб келади. Бу эса соф экспорт ҳажми орқали умумий талаб ҳажмига таъсир кўрсатади.

$$P\uparrow \begin{array}{l} \nearrow X\downarrow \\ \searrow M\uparrow \end{array} > X_n\downarrow \rightarrow AD\downarrow$$

Юқорида кўриб ўтилган омиллар жами талабнинг нарх омиллари деб аталади. Бундан ташқари жами талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган омиллари ҳам мавжуд. Бу омиллардаги ўзгаришлар жами талабнинг миқдорида ўз аксини топади ва унинг эгри чизиғини чапга ёки ўнгга силжитади. Жами талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган омилларига қуйидагиларни киритамиз:

1. Истеъмол харажатларидаги ўзгаришлар:

а) истеъмолчиларнинг реал моддий активлари миқдорининг ўзгариши;

б) истеъмолчилар кутиши;

в) истеъмолчиларнинг қарзлари миқдорининг ўзгариши;

г) истеъмолчилар даромадларидан олинадиган солиқлар миқдорининг ўзгариши.

2. Инвестиция харажатларидаги ўзгаришлар:

а) фоиз ставкасидаги ўзгаришлар;

б) инвестициялардан кутилаётган фойда нормасининг ўзгариши;

в) корхоналардан олинадиган солиқлар миқдорининг ўзгариши;

г) янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга жалб қилиниши;

д) захирадаги қувватлар ўзгариши.

3. Давлат харажатларининг ўзгариши. Масалан, ҳарбий харажатлар ва янги касалхона ва бошқа муассасалар қуришга қарор қилинганда.

4. Соф экспорт ҳажмидаги ўзгаришлар.

а) бошқа мамлакатлар миллий даромадларининг ўзгариши.

б) валюта курсларидаги ўзгаришлар.

Пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси юқоридагилардан

ташқари умумий талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган яна икки омилини беради. Булар: пул таклифи (M) ва пулнинг айланиш тезлиги (V) дир.

Умумий талабнинг баҳога боғлиқ бўлмаган омиллари таъсирида АД эгри чизиғи ўнгга ёки чапга силжийди. Натижада маълум баҳо даражасига мос келувчи талаб қилинаётган миллий маҳсулот ҳажми ўзгаради.




12,а-чизма. Умумий талаб эгри чизиғидаги силжишлар




12,б-чизма. Умумий таклиф эгри чизиғидаги силжишлар

Пул таклифининг, пулнинг айланиш тезлигининг ошиши, бошқа давлатлар миллий даромадининг ошиши, миллий валюта курсининг маълум миқдорда пасайиши (булар экспортнинг ортиши, импортнинг пасайишига олиб келиши туфайли) оқибатида соф экспортнинг пасайиши ва ялпи харажатлар турли компонентларининг ошиши AD эгри чизиғининг ўнгга силжишига олиб келади. Бунга аксинча бўлган ҳолатларда AD эгри чизиғи чапга силжийди.

## 5.2. Жами таклиф ва унга таъсир этувчи омиллар

Жами таклиф деганда муайян нархлар даражасида ишлаб чиқарилиши ва таклиф қилиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг реал ҳажми тушунилади. Умумий таклиф тушунчаси кўпинча ялпи ички маҳсулот синоними сифатида қўлланилади. Нархларнинг юқори даражаси ишлаб чиқарувчиларга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбат яратади ва аксинча паст нархлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришга олиб келади. Шунинг учун ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажми билан нархлар даражаси ўртасида тўғри алоқа мавжуд. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми нархлар ўсиб бориши билан ўсиб,

пасайиши билан тушиб боради. Жами таклиф (AS) эгри чизиғи алоҳида товар таклифи эгри чизиғидан фарқ қилиб уч қисмдан, горизонтал ёки кейнс кесмаси, кўтарилиб борувчи ёки оралиқ кесма ҳамда вертикал ёки классик кесмадан иборат. Бу умумий таклифни таҳлил қилишга классик ва кейнсчиларга хос ёндашув билан изоҳланади. Иқтисодий адабиётларда кўпинча оралиқ кесма ҳам кейнс кесмасига киритиб юборилади.

Жами таклиф эгри чизиғидаги бу кесмалар қандай иқтисодий вазиятларни акс эттиради?

1. Кейнс кесмасида миллий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми тўлиқ бандлик шароитидаги миллий ишлаб чиқариш ҳажмидан камдир. Демак, горизонтал кесма иқтисодиёт инқирозга учраган ва катта миқдордаги ресурслардан фойдаланилмаган шароитни кўрсатади. Фойдаланилмаётган ушбу ресурсларни нархлар даражасига таъсир кўрсатмаган ҳолда ишга тушириш мумкин. Бу кесмада миллий ишлаб чиқариш ҳажми ошиши нархлар даражаси ўзгармай қолган шароитда рўй беради.




13-чизма. Жами таклиф эгри чизиғи

Жами талабнинг Кейнс кесмасида иқтисодиётни нисбатан қисқа муддатда амал қилишини характерлайди. Умумий талабни таҳлил қилиш қуйидаги шартларга таянади:

– иқтисодиёт ишлаб чиқариш омиллари тўлиқ банд бўлмаган шароитда амал қилади;

– баҳолар, номинал иш ҳақи қайд этилган, бозор тебранишларидан жуда кам таъсирланади;

– реал миқдорлар (ишлаб чиқариш, бандлилик, реал иш) ҳақи ҳаракатчан ва бозор тебранишларидан тез таъсирланади.

2. Вертикал ёки классик кесма. Эгри чизиқ бўйича ўнгга сурилиши натижасида ишлаб чиқаришнинг мавжуд ҳажмида иқти-

содиёт тўлиқ бандлик шароитига ёки ишсизликнинг табиий даражаси шароитига эришган вазиятни кўрамиз. Иқтисодиёт эгри чизиқнинг бу кесмасида ўзининг ишлаб чиқариш потенциали даражасида бўлади. Бу шуни билдирадики, нархларнинг ҳар қандай ошиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келмайди. Чунки, иқтисодиёт тўлиқ қувватда фаолият кўрсатаяпти. Тўлиқ бандлик шароитида айрим фирмалар бошқа фирмаларга нисбатан ресурсларга юқорироқ нархларни таклиф этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳаракат қилади. Аммо, бундай ҳолатда айрим фирмаларнинг ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши, бошқалари учун йўқотишга олиб келади. Натижада бу маҳсулотлар нархи ошиши мумкин, лекин ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ўзгармай қолади.

Классик назарияда жами таклифни таҳлил қилиш қуйидаги шартларга таянади:

– ишлаб чиқариш ҳажми фақатгина ишлаб чиқариш омиллари ҳажмига ва технологияларга боғлиқ ва баҳолар даоажасига боғлиқ эмас;

– ишлаб чиқариш омиллари ва технологияларда ўзгариш секинлик билан рўй беради;

– иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитида амал қилади, яъни ишлаб чиқариш ҳажми потенциал даражага тенг;

– баҳолар ва номинал иш ҳақи ўзгарувчан, уларнинг ўзгариши бозорларда мувозанатни таъминлаб туради.

3. Оралиқ кесма – ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўсиши нархлар даражасининг ўсишига мос равишда ўсиб боради. Нима учун? Чунки, иқтисодиётнинг пасайиш ҳолатидан тўлиқ бандликка ўтиши нотекс ва турли вазиятларда рўй беради. Масалан, айрим тармоқларда ресурсларнинг етишмаслигига дуч келинса, бошқа тармоқларда ҳозирча ортиқча ресурслар мавжуд бўлади. Шунингдек, улар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун янги асосий воситалар сотиб олиш ва малакасиз мутахассислардан фойдаланишига тўғри келади. Бу эса маҳсулотлар бирлигига кетадиган харажатларнинг ошишига ва натижада нархлар даражасининг ўсишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши ёки камайиши нархга боғлиқ бўлмаган омиллар ҳисобига ҳам рўй бериши, бу омиллар эса жами таклиф эгри чизиғини ўнг ёки чап томонга силжитиши мумкин. Нархга боғлиқ бўлмаган омилларниг хусусияти шундаки, улар маҳсулот бирлигига кетган харажатларга бевосита таъсир қилади ва шу орқали жами таклиф эгри чизиғининг силжишига сабаб бўлади.

Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Ресурсларга бўлган талабнинг ўзгариши:

а) ички бозордаги ресурслар миқдорининг камайиши:

• ер ресурслари;
• меҳнат ресурслари;
• капитал;
• тадбиркорлик қобилиятлари;

б) импорт ресурслар нархларидаги ўзгаришлар:

в) бозордаги ҳукмронлик ва монополия.

2. Унумдорликдаги ўзгаришлар.

3. Ҳуқуқий меъёрдаги ўзгаришлар:

а) солиқ ва субсидияларнинг ўзгариши;

б) давлатнинг тартибга солиш жараёнидаги ўзгаришлар ва бошқалар.

## 5.3. AD-AS моделида нархлар ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг мувозанатли даражалари

Нархларнинг мувозанатли даражаси деганда шундай нарх даражаси тушуниладики, унда жами талаб ва таклиф бир-бирига мос келиши ёки тенг бўлиши керак. Авволо жами талаб эгри чизиғи ва жами таклиф эгри чизиғининг оралиқ кесмада мос келишини кўриб чиқамиз. Нархларнинг мувозанатли даражаси ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанатли даражалари мос равишда Ре ва Qe лар билан белгиланган. Нима учун Ре нархларнинг мувозанатли даражаси ва Qe миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасини билдиришини кўрсатишимиз учун нархларнинг мувозанатли даражаси Ре эмас, балки P1 деб ҳисоблаймиз. Нархлар даражаси P1 бўлган вазиятда корхоналар миллий ишлаб чиқариш ҳажмини Q1 миқдоридан оширмайди.

Истеъмолчилар баҳолар даражаси P1 бўлганда маҳсулотларни Q2 даражада сотиб олишга тайёр туради. AD>AS бўлганлиги туфайли истеъмолчилар ўртасидаги рақобат нархлар даражасини Ре гача суради. Нархлар даражасининг P1 дан Ре гача кўтарилиши ишлаб чиқариш ҳажмини Q1 дан Qe гача оширишга ва истеъмолчиларнинг талабини Q2 дан Qe гача камайтиришга олиб келади. Ва бу AD, AS тўғри чизиқлари е нуқтада кесишади. Демак, айнан Ре баҳо баҳоларнинг мувозанатли даражаси ва е мувозанат нуқтасидир.

14-чизмада жами талаб эгри чизиғи жами таклиф эгри чизиғини кейнс кесмасида кесиб ўтади. Бундай вазиятда нархлар даражаси ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Буни тушуниш учун аввало миллий ишлаб чиқаришнинг мувазанатли ҳажмини Qe ва мувозанатли нархлар даражасини Ре билан белгилаймиз.

Мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми айнан Qe эканлигини исботлаш учун бу ҳажмни $Q_1$ деб ҳисоблаймиз. У ҳолда AD<AS, оқибатида сотилмай қолган товарлар ва хизматлар ҳажмининг ортиши ишлаб чиқаришни Qe даражага пасайтирилишига олиб келади. Мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажмини $Q_2$ деб ҳисоблаcак, аксинча, AS<AD, оқибатда корхоналарда товар захиралари камайиб уларни ишлаб чиқаришни Qe даражага оширишга ундайди. Шундай қилиб айнан жами таклиф ва жами талабнинг кесишиш нуқтасигина AD-AS моделда мовозанат нуқтаси ва шу нуқтага мос келувчи ишлаб чиқариш ҳажми эса миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми дейилади.




14-чизма. Жами таклиф эгри чизиғининг оралиқ кесмадаги мувозанат

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жами таклиф эгри чизиғининг кейнс кесмасида жами талабнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ёки камайишига олиб келади, баҳолар даражаси эса ўзгармайди.

Жами талаб эгри чизиғини AS эгри чизиғининг вертикал кесмасида ўзгарса бу ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатмайди ва фақат баҳолар даражаси ўзгаради, холос. Яъни, бу кесмада талабнинг ошиши талаб инфляциясини келтириб чиқаради. Жами таклифнинг бу кесмасида талабнинг ҳар қандай ўзгариши фақат нархлар даражаси ўзгаришга олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса тўлиқ бандлик шароитида ўзгармай қолади.

Оралиқ ва вертикал кесмаларда нархлар ўсиб бориши билан кузатилган жами талабнинг кўпайиши талаб инфляцияси мавжудлигини кўрсатади.

Жами таклифнинг ўзгариши мувозанат нархлар даражаси-

га ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига қандай таъсир кўрсатишини кўриб чиқамиз.




15-чизма. Жами таклиф эгри чизиғининг кейнс кесмасидаги мувозанати

Жами таклиф ўзгаришининг баҳсларнинг ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасига таъсирини 16-чизма мисолида кўриб чиқамиз. Баҳодан бошқа омиллар таъсирида жами таклифнинг AS1дан AS2га силжиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми $Q_1$ дан $Q_2$ гача камаяди, баҳолар даражаси эса $P_1$ дан $P_2$ гача кўтарилади, яъни стагфляция рўй беради.




16-чизма. Жами таклиф ўзгаришининг таъсири

Бошқа бир вазиятда, масалан, нархларга боғлиқ бўлмаган омиллардан бирортаси ўзгариб, жами таклифнинг ўзгаришига олиб келсин. Яъни, ернинг баҳоси пасайса, корхоналардан олинадиган солиқлар камайса ва натижасида маҳсулот бирлигига кетган сарф-харажатлар қисқарса, унда жами таклиф эгри чизиғи $AS_1$дан $AS_3$ ҳолатга силжийди. Бунда нархлар мувозанат даражаси P1 дан P3 га қадар пасаяди ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Q1 дан Q3 қадар ошади, яъни, иқтисодий ўсиш ҳолати рўй беради.

## Қисқача хулосалар

AD-AS модели миллий бозорни қисқа ва узоқ муддатга таҳлил қилиш имконини беради. AD-AS модели иқтисодий тебранишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун асос яратади.

AD - ҳажми нархлар даражаси қанчалик паст бўлса, товар ва хизматларга бўлган жами талаб миқдорининг шунчалик кўп бўлишини кўрсатади.

AD эгри чизиғи траекториясини пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси билан изоҳлаш мумкин. Фоиз ставкаси, бойлик самараси ва импорт харидлари самараси AD нинг баҳо омилларидир.

AS эгри чизиғи кейнс, оралиқ ва классик кесмаларни ўз ичига олади. Узоқ муддатли даврларда AS эгри чизиғи вертикал, қисқа муддатга эса горизонтал бўлади. Шунинг учун AD даги ўзгаришлар ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражасига ҳамда нархлар даражасига бу кесмаларда турлича таъсир кўрсатади.

AD - AS модели бошқа барча макроиқтисодий моделларни *тузиш учун асос бўлиб ҳисобланади.*

## Назарот ва муҳокама учун саволлар

1. Жами талабнинг баҳо ва баҳодан бошқа омилларига изоҳ беринг.

2. Нима учун AD эгри чизиғи пастга томон оғган траекториясига эга?

3. Жами таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган омилларни санаб ўтинг.

4. AD-AS моделидаги мувозанат ҳолатини ва унинг шартларини тушунтиринг.

## Асосий адабиётлар


1. Бункина М.К., Семянов В.А. Макроэкономика. – М.: 1995.
2. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ, 2000.
3. Линвут – Т.: Гайгер А. Макроэкономическая теория и переходная экономика. – М., 1996.
4. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ, 1994.
5. Самуэльсон Н. Экономика вводный курс. – М.: Прогресс, 1996.
6. Пиндайк Р.С., Рубинфельд Д.Л. Микроэкономика. – М.: Дело, 2001.

# VI боб

# КЕЙНСНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ МОДЕЛИ

## 6.1. Классик иқтисодчилар ва кейнсчиларнинг иқтисодий мувозанат назарияси

Маълумки иқтисодий мувозанат ҳақидаги қарашлар вақт ўтиши билан ўзгариб турган. «Буюк депрессия» даврида кўпгина етук иқтисодчилар, яъни, ҳозирги кунда классиклар деб аталадиган иқтисодчилар, бозор иқтисодиёти доимо ресурслардан тўлиқ фойдаланиш имконини беради, деб ҳисоблашган. Аммо, улар иқтисодиётда айрим вақтларда - уруш, сиёсий бўҳронлар, табиий офат ва шунингдек, бошқа ҳолатлар таъсирида ўзгаришлар бўлиб туришини тан олишса ҳам, бозор тизимининг ўзига хос хусусиятлари бу иқтисодий қийинчиликларни ўз-ўзидан ҳал қилади, деб тушунтиришади.

Классиклар назарияси асосида иккита асосий тушунча мавжуд. Биринчидан, тўлиқ бандлик шароитида маҳсулотларни сотиб олиш учун харажатлар миқдорининг (У = C+I+G+Xn) етишмаслиги (яъни, AD≠AS бўлиши) мумкин эмас. Иккинчидан, умумий харажатлар миқдори етишмай қолган шароитда ҳам баҳо, иш ҳақи ва фоиз ставкаси каби дастаклар ишга тушади ва натижада харажатлар миқдорининг камайиши ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми, бандлик ва реал даромадлар миқдорининг камайишига олиб келмайди. Пул бозори инвестиция ва жамғармалар тенглигини ҳамда тўлиқ бандлик шароитини таъминлайди. Фақатгина, ишсизликнинг табиий даражасида «ихтиёрий» ишсизлик бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади. Бу шуни билдирадики, AD ва AS нинг мувозанат нуқтасида ишлаб чиқариш ҳажми (Y) унинг потенциал ҳажмига (Y*) тенг.

Классик иқтисодчилар жамғариш талабнинг етишмаслигига олиб келмайди, чунки ҳар бир жамғарилган сўм тадбиркорлар томонидан инвестицияланади, деб таъкидлашади. Агарда, тадбиркорлар уй хўжаликларининг жамғармалари миқдорида инвестиция қилишса, ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражалари доимий бўлиб қолади.

Классик иқтисодчилар таъкидлашларича, капитализмнинг ўзига хос пул бозори мавжуд ва бу бозор жамғарма ва инвестицияларнинг тенглигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам тўлиқ бандлик мавжуд бўлади.

Биламизки, иқтисодиётда тўлиқ бандлик шароитига ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бошқа бир иқтисодчилар классик назариянинг асосий жаҳатларини танқид қила бошладилар.

1936 йили инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнс капитализм иқтисодиётига янги, иш билан бандлик назариясини киритади. У ўзининг «Пул, фоиз ва иш билан бандликнинг умумий назарияси» асарида янгича иқтисодий мувозанат назариясини изоҳлаб берди.

Кейнс назариясининг энг қимматли жиҳати шуки, у бозор иқтисодиётида иш билан тўла бандликни таъминлайдиган ҳеч қандай механизм йўқлигини исботлади. Макрокўламда иқтисодиёт мувозанатга эришиш мумкинлиги, лекин шунда ҳам маълум миқдорда ишсизлик ва инфляция сақланиб қолинишини, тўла иш билан бандлик қонуний ҳолат эмаслигини, балки тасодиф эканлигини, капитализм ўз-ўзидан тартибга тушиб, ривожланиб кетавермаслигини исботлаб берди. Шунингдек, бу назарияда иқтисодиётдаги тебранишлар фақат уруш, табиий офат ва шу каби вазиятларгагина боғлиқ эмаслигини, балки у тинчлик йилларида ҳам ички омилларнинг салбий оқибатларидан келиб чиқиши мумкинлиги асослаган. Ишсизлик ва инфляциянинг келиб чиқиши инвестиция ва жамғармаларга бевосита боғлиқ. Нархларнинг ошиши ва иш ҳақининг пасайиши бошқа салбий омиллар билан бирга иқтисодиётнинг беқарорлигига олиб келади.




17-чизма. Жамғариш-инвестиция графиги

Бундай номутоносибликнинг асосий сабабларидан бири режалаштирилган инвестициялар ва жамғармаларнинг бир-бирига мос келмаслигидир.

Бунга сабаблардан бири шундаки, жамғариш ва инвестициялаш тўғрисидаги қонунларни ҳар хил гуруҳлардаги одамлар турли мақсадларда қабул қилишади.

Иккинчидан, жамғарувчилар ва инвесторларни жамғариш ва инвестициялашга турлича сабаблар ундайди. Кейнсчилар фикрича, жамғарма ва инвестициялар битта омилга боғлиқ бўлмаган ҳолда турли сабаблар асосида амалга оширилади. Масалан, кишилар қиймати ўзининг иш ҳақи миқдоридан ортиқ бўлган маҳсулотларни сотиб олиш учун, масалан автомобиль ёки телевизор харид қилиш учун жамғаришади. Жамғармалар бирор шахс ёки оиланинг келажакдаги истеъмолини қондириш мақсадида, яъни, уй хўжаликлари оила бошлиғининг нафақага чиққандан кейинги ҳаётини ёки болалари келажагини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Бундан ташқари жамғармалар тасодифий вазиятларда фойдаланиш мақсадида ҳам амалга оширилади.

Инвесторларни инвестиция қилишга ундовчи сабаблар эса фоиз ставкаси билан бирга кутилаётган соф фойда нормаси ҳамдир.

Классиклар назарияси бўйича жамғарма ва инвестициялар миқдорини аниқлайдиган асосий омил фоиз ставкаси ҳисобланади. Агарда, у ошса, уй хўжаликлари камроқ истеъмол қилиб, кўпроқ жамғаришга ҳаракат қилишади. Уй хўжаликларида жамғармаларнинг кўпайиши кредит нархларининг камайишига олиб келади. Бу эса ўз вақтида инвестициянинг ўсишини таъминлайди.

Кейнсчилар фикрича эса, фоиз ставкаси эмас, балки аҳолининг ихтиёридаги даромади истеъмол ва жамғариш динамикасини белгилаб беради.

## 6.2. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар. «Кейнс хочи». Ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига эришиш механизми

Ишлаб чиқаришнинг қамайиши натижасида мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олиш учун жами талабни тартибга солиб турадиган фаол давлат сиёсати зарур. Шунинг учун ҳам Кейнснинг иқтисодий назариясини кўп ҳолларда жами талаб назарияси деб юритилади. Жами талаб компонентлари, айниқса энг барқарор компонент бўлган инвестицияларнинг ўзгариши макроиқтисодий барқарорлик сабабларидан биридир.

**Ҳақиқий инвестициялар** режалаштирилган ва режалаштирилмаган инвестициялар миқдорини ўз ичига олади. Режалаштирилмаган инвестицияларга товар – моддий захираларига (ТМЗ)

инвестициялардаги кутилмаган ўзгаришлар киради. Ушбу режалаштирилмаган инвестициялар тенглаштирувчи механизм сифатида жамғарма ва инвестициялар миқдорининг ўзаро бир-бирига мос келишига олиб келади ва макроиқтисодий мувозанатни таъминлайди.

Режалаштирилган харажатларга уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунёнинг маҳсулот ва хизматларни сотиб олишга мўлжаллаган харажатлари киради. Фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдаги кутилмаган ўзгаришлар товар моддий захирасига режалаштирилмаган инвестициялар қилишга олиб келса, ҳақиқий харажатлар режалаштирилган харажатлардан фарқ қилади.

Режалаштирилган харажатлар функцияси (E=C+I+G+Xп) графиги, истеъмол функцияси (C = a + в(У-Т)) графиги кўринишидагидек бўлиб унга нисбатан I+G+Xп миқдорда юқорига сурилган бўлади.

Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат моделини кўриб чиқиш жараёнини соддалаштириш учун соф экспорт миқдори ялпи даромадлар (У) ўзгаришига боғлиқ эмас деб олинади. Шунинг учун соф экспорт тўлиғича автоном харажатлар миқдорига қўшилади, яъни автоном харажатлар.

$$(a+I+G+Xп)$$

Автоном харажатлар миқдори соф экспорт функциясини ҳисобга олган ҳолда қуйидагига тенг бўлади:

$$a+I+G+g$$

Соф экспорт функцияси эса қуйидаги кўринишга эга:

$$Xп = g - m'Y$$

Бу ерда: Xп — соф экспорт;
g — автоном соф экспорт;
m' - импортга чегаравий мойиллик;
Y — даромад.

$$m' = \Delta M / \Delta Y;$$

Бу ерда: ΔM - импортга харажатларнинг ўзгариши;
ΔY - даромадларнинг ўзгариши.

Ялпи даромадларнинг ошиши билан импорт ҳам ошади.

Чунки, бунда истеъмолчилар ва инвесторлар миллий ва импорт маҳсулотларга бўлган харажатлар миқдорини оширади.

Бунда мамлакатдан экспорт миқдори шу мамлакатдаги ялпи даромадлар (У) миқдорига боғлиқ бўлмайди, балки товар олиб чиқиб кетаётган мамлакатнинг ялпи даромадлари ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги ялпи даромадлар (У) ўзгариши билан соф экспорт (Хп) ўртасидаги боғлиқлик салбийдир ва соф экспорт функциясида минус ишораси билан белгиланади.

Режалаштирилган харажатлар чизиғи ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар бир-бирига тенг бўлган (У=Е) чизиқни қайсидир А нуқтада кесиб ўтади. Келтирилган ушбу 18-чизма "Кейнс хочи" номини олган. У=Е чизиқда ҳақиқий инвестициялар ва жамғармалар тенглиги сақланади. А нуқтада эса даромадлар режалаштирилган харажатларга тенг бўлади. Шунингдек, бу ерда режалаштирилган ҳамда ҳақиқий инвестицияларнинг ўзаро тенглигига эришилади. Яъни, макроиқтисодий мувозанат таъминланади.

Агарда, ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми (У1) унинг мувозанат даражасидан (У0) кўп бўлса, истеъмолчилар маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар таклиф қилганга нисбатан кам сотиб олади (AD<AS). Сотилмаган маҳсулотлар ТМЗ кўринишига эга бўлади. Захираларнинг ўсиши фирмаларда ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражаларини пасайтиришига олиб келади. Бу эса ЯММ ҳажмини камайтиради. Аста секин У1 У0 гача камаяди, яъни даромад ва режалаштирилган харажатлар тенглашади. Ўз навбатида ялпи талаб ва таклифнинг тенглашишига (AD=AS) эришилади. Аксинча, ҳақиқий ишлаб чиқариш (У2) унинг мувозанат даражасидан (У0) кам бўлган вазиятда эса, фирмалар истеъмолчилар талабига нисбатан кам ишлаб чиқараётганлигини (AD>AS) кўрамиз. Талабнинг ошиши эса фирмалар захирасининг камайиши ҳисобига қондирилади. Натижада, ЯММ аста секин У2 дан У1 га қараб ўсади ва яна AD=AS тенглигига эришилади. Бу эса айни пайтда E=Y ва I=S айниятларга эришилганлигини англатади.

Миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳолати (У0), ялпи харажатлар таркибининг ҳар қандай ўзгариши натижасида (истеъмол, инвестиция, давлат харажатлари ёки соф экспорт) тебраниши мумкин. Ушбу таркибдаги бирорта омилнинг ўсиши режалаштирилган харажатлар эгри чизиғини юқорига суради ва аксинча.




18-чизма. Кейнс хочи (Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат модели)

## 6.3. Автоном харажатлар мультипликатори. Рецессион ва инфляцион узилиш

Автоном харажатлар таркибидаги ҳар қандай ўсиш ялпи даромадларнинг ($\Delta Y$) мультипликатор самараси ҳисобига кўпроқ ошишига олиб келади.

$$\Delta A = \Delta(a+I+G+Xn)$$

Автоном харажатлар мультипликатори мувозанатли ЯММ ўзгаришнинг автоном харажатларнинг ҳар қандай компоненти ўзгаришига нисбатини кўрсатади:

$$m = \Delta Y / \Delta A:$$

Бу ерда: m - автоном харажатлар мультипликатори;

$\Delta Y$ - ЯММ мувозанатидаги ўзгариш;

$\Delta A$ – «Y» ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда автоном харажатлар ўзгариши.

Мультипликатор - ялпи даромадлар автоном харажатларнинг дастлабки ўсиши (камайиши)дан неча марта ортиқ ўсганлигини (камайганлиги) кўрсатади. Мустақил харажатлар тарки-

бидаги компонентлардан бирортасининг бир марта ўзгариши, ЯММ нинг бир неча марта ўзгаришига олиб келади.

Масалан, автоном истеъмол $\Delta C_A$ миқдорга ўсса, бу ялпи харажатлар ва даромадларнинг (У) ўша миқдорда ўсишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида истеъмолнинг иккинчи марта (даромадлар ошиши ҳисобига) МРС х $\Delta C_A$ миқдорда ўсишига олиб келади. Кейинчалик ялпи харажатлар ва даромадлар МРС х $\Delta C_A$ миқдорда яна ўсади. Шундай қилиб, «даромад-харажат» кўринишидаги доиравий айланиш бўйича жараён давом этаверади.

$\Delta CA\uparrow \Rightarrow AD\uparrow \Rightarrow Y\uparrow \Rightarrow C\uparrow \Rightarrow AD\uparrow \Rightarrow Y\uparrow \Rightarrow C\uparrow \Rightarrow AD\uparrow \Rightarrow Y\uparrow$ ва ҳакозо.

Ушбу оддий вазиятдан кўриниб турибдики, ялпи даромадлар (Y), автоном истеъмолнинг дастлабки ўзгаришига ($\Delta CA\uparrow$га) нисбатан бир неча марта кўп ўзгаради ва бу автоном харажатлар мультипликатори миқдорида кўринади. Бу шуни билдирадики, С, I, G ёки Хп миқдорлардаги оддий ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражаларида катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, мультипликатор иқтисодий беқарорлик омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатнинг бюджетсолиқ сиёсатидаги асосий вазифалардан бири бўлиб, ўрнатилган барқарорлаштиргичлар тизимини яратиш ҳисобланади. Бу тизим истеъмолга чегараланган мойилликни камайтириш орқали мултипликация самарасини пасайтиради.

Мультипликатор самараси моҳиятини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Айтайлик, дастлаб иқтисодиётга инвестициялар миқдори 5 млрд. сўмга кўпайсин. Бу, ўз навбатида иш ҳақи, рента, фойда кўринишда уй хўжаликлари даромадига айланади. Агар истеъмолга чегараланган мойилликни 0,75 га ёки 75 %га тенг деб олсак. Уй хўжаликлари бу даромаднинг 75 фоизини, яъни 3,75 млрд. сўмни истеъмол харажатларига сарфлайди, қолган 1,25 млрд. сўмни жамғаради. Сарфланган 3,75 млрд. сўм бошқалар учун даромад ҳисобланади. Ўз навбатида улар ҳам 3,75 млрд. сўмнинг 75 фоизини истеъмол учун сарфлайдилар ва 25 фоизини жамғарадилар. Бу жараён охирги сўм жамғарилмагунча давом этади.

Бунда:

$$m=\frac{\Delta Y}{\Delta A}=\frac{20}{5}=4 \text{ ва } m=\frac{1}{1-MPC}=\frac{1}{1-0{,}75}=4. \text{ Бундан } m=\frac{\Delta Y}{\Delta A}=\frac{1}{1-MPC}.$$

Демак истеъмолга чегаравий мойиллик қанча катта бўлса, мултипликатор самараси ҳам шунча юқори бўлади.

*5-жадвал*

**Мультипликатор самараси**

| Даромадлардаги ўзгариш | Истеъмол харажатларидаги ўзгариш | Жамғариндаги ўзгариш |
|---|---|---|
| 5 | 3,75 | 1,25 |
| 3,75 | 2,81 | 0,94 |
| 2,81 | 2,1 | 0,7 |
| 2,1 | 1,575 | 0,525 |
| 1,58 | 1,186 | 0,394 |
| .<br>.<br>. | .<br>.<br>. | .<br>.<br>. |
| 20 | 15 | 5 |

Мултипликаторнинг математик моҳияти чексиз камайиб борувчи геометрик прогрессияни англатади, яъни $m=1+b+b^1+b^2+b^3+b^4+...+b^n$, бу ерда b=MPC. Тенгликнинг икки томонини b га кўпайтирамиз $mb=b+b^2+b^3+b^4+...+b^{n+1}$ энди биринчи тенгламадан иккинчисини айирамиз.

$$m-mb=1-b^{n+1}, \quad m(1-b)=1-b^{n+1}$$

$$m=\frac{1-b^{n+1}}{1-b}$$

b каср сон ва $b^{n+1}$ нолга жуда яқин бўлгани учун $m=\frac{1}{1-b}$ тенглик тўғри бўлади.

Агарда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми (У0) потенциал (У*) ҳажмидан кам бўлса, жами талаб самарасиз ҳисобланади. Яъни, AD=AS тенгликка эришилган бўлсада, ялпи харажатлар миқдори ресурсларининг тўлиқ бандлиги даражасини таъминламайди. Жами талабнинг етишмаслиги иқтисодиётга депрессив таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришда тўлиқ бандликка эришиш ва рецессион узилишни йўқотиш учун жами талабни рағбатлантириш ва мувозанатни «А» нуқтадан «В» нуқтагача суриш лозим. Бу ерда мувозанатли ялпи даромаднинг ўсиши ΔУ қуйидагига тенг бўлади:

**ΔУ=Рецессион узилиш миқдори х Автоном харажатлар мультипликатори миқдори**




*19-чизма. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажми ўртасидаги регрессион узилиш*

ЯИМни тўлиқ бандликнинг ноинфляцион даражасигача пасайтириш учун жами талаб (жами харажатлар) камайиши зарур бўлган миқдор инфляцион узилиш дейилади.

Агарда, ишлаб чиқариш ҳақиқий ҳажми (Уо) потенциал (У*) ҳажмидан кўп бўлса, жами харажатлар ортиқча ҳисобланади. Жами талабнинг ортиқчалиги иқтисодиётда инфляция жараёнига олиб келади.

Инфляцион узилишни йўқотиш учун ялпи талабни чеклаш ва тенгликни А нуқтадан В нуқтагача суриш лозим. Бу ерда жами мувозанатили ялпи даромад ҳажмидаги (ΔУ) қисқариш қуйидагича бўлади:

ΔУ= -Инфляцион узилиш миқдори х Автоном харажатлар мультипликатори миқдори А




20-чизма. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажми ўртасидаги инфляцион узилиш

## Қисқача хулосалар

Классик иқтисодчилар тўлиқ бандлик шароитида маҳсулотларни сотиб олиш учун харажатлар миқдори етишмаслиги мумкин эмас, шундай бўлган тақдирда ҳам баҳо ва иш ҳақи каби дастаклар ишга тушиб, барча муаммоларни ҳал қилишади, деб ҳисоблашади.

Классик иқтисодчилар назарияларининг нотўғри жиҳатларини биринчилардан бўлиб инглиз иқтисодчиси Жон Кейнс ўзининг «Пул, фоиз ва иш билан бандликнинг умумий назарияси» номли асарида исботлаб берган.

Классиклар фикрича, жами талаб эгри чизиғи вертикал тўғри чизиқдан иборат ва ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ифодалайди. Кейнсианчилар фикрича, маҳсулотлар нархи ва иш ҳақи эгилувчан эмас, шунинг учун жами таклиф эгри чизиғи горизонтал ўқдан иборат.

Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат моделида мувозанат даражадаги ишлаб чиқаришни таъминловчи иккита омил умумий харажатлар ва умумий даромадларнинг кесишув нуқтасида рўй беради. Бу моделда товар захираларининг ўзгариши мувозанатни таъминловчи омил деб қаралади.

Макроиқтисодий мувозанат потенциал ЯММ ҳажмидан камроқ бўлган ҳақиқий ЯММ ҳажмида ўрнатилса рецессион узилиш, аксинча бўлса инфляцион узилиш рўй беради. Автоном харажатларнинг оз миқдорга ўзгариши ялпи даромадлар ҳажмида бунга нисбатан бир неча бор ортиқ ўзгаришини келтириб чиқаради. Мультипликатор иқтисодий тебранишлар даражасини кучайтирувчи омил ҳисобланади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатларга таъриф беринг.

2. Кейнс хочида мувозанатни таъминловчи механизмга изоҳ беринг.

3. Мультипликатив самара нима сабабдан рўй беради.

4. Рецессион узилиш қандай вазиятларда рўй беради ва у қай тарзда бартараф қилинади?

5. Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат модели ва AD-AS моделини таққосланг.

## Асосий адабиётлар


1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС, 1997.

2. Борр Р. Политическя экономика в 2-х томах. 1-том. – М., 1995.

3. Бурдо М., Виплаш Ч. Макроэкономика (Еврапейский текст). – С.Пб: Судоистроение, 1998.

4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ, 2000.

5. Макконелл, Кемпбелл Р., Брюстенли Л. Экономика. Принципы проблемы и политика. В 2-х томах. – М.: Республика, 1992.

6. Ричард Лэйард. Макроэкономика. Курс лекций для российских читателей. – М.: 1994.

# VII боб

# ПУЛ БОЗОРИ ВА БАНК ТИЗИМИ

## 7.1. Пул тушунчаси, унинг функциялари ва пул агрегатлари

Пул инсониятнинг буюк ихтироларидан биридир. Пул инсонларни сеҳрлайди. Унга эга бўлиш учун қийналамиз ва меҳнат қиламиз. Пул - ундан қутилиш йўли билан фойдаланиш мумкин бўлган ягона товардир. Уларни сарф ёки инвестиция қилмасангиз, сизни улар кийинтирмайди ҳам, қорнингизни тўйғазмайди ҳам, яхши дам олишингиз учун шароит ҳам яратмайди. Инсонлар пул учун ҳамма нарсага тайёр ва пул ҳам, ўз навбатида, инсонлар учун ҳамма нарсага тайёр туради.

«Пул» барча иқтисодий фанларнинг энг асосий категорияларидан бири ҳисобланади. Пул тизимининг тўғри фаолияти даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланишига ҳаётий куч беради. Яхши ишлаётган пул тизими ишлаб чиқариш қувватлари ва бандликдан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Аксинча, ёмон ишлаётган пул тизими иқтисодиётдаги инқирозларга, яъни, ишсизлик, инфляция ва шунингдек, бошқа салбий оқибатларга олиб келади.

Демак, пул махсус хусусиятларга эга бўлган товар ҳисобланиб, барча турдаги товар ва хизматларни айирбошлаш воситасидир. Пул товарлар айирбошлашда умумий тенг қийматлилик (эквивалент) ролини бажаради. Пуллар махсус хусусиятга - ликвидлик (яъни, тез алмаштириш) хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам идеал восита ҳисобланади. Ҳар қандай буюмнинг ликвидлилиги уни сезиларсиз сарф - харажатлар билан бошқа буюмга айирбошланиш қобилиятини билдиради. Айирбошлаш кенгайиши билан кредит пуллар деб аталувчи векселлар, банкнотлар, чеклар, сертификатлар, кредит карточкалари ва бошқа шунга ўхшаш қимматликларга эга бўлган пуллар пайдо бўлади.

Пул ўз табиатига кўра, уч хил хусусиятга эга, яъни, ҳамма нарсага айирбошланадиган муҳим харид воситаси, бойлик тимсоли, меҳнатнинг қиймат шаклидаги ўлчов воситаси.

Умуман пулнинг бешта вазифаси мавжуд:

1. Қиймат ўлчови.
2. Айирбошлаш воситаси.
3. Хазина тўплаш ва жамғариш воситаси.
4. Тўлов воситаси.
5. Жаҳон пули.

Пул ўз хизмати мазмуни ва миқёсига қараб турли тоифаларга бўлинади:

1. Хазина билетлари - бу пул оддий муомалада ишлатилади.

2. Банкнот - кредит пуллари - бундай пуллар қарз олиш ва бериш жараёнида ишлатилади.

Пул товар сифатида қийматга эга. Ҳозирги кунда қоғоз пуллар, банк чеклари ва кредит карточкаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Пул муомаласидаги энг асосий масалалардан бири мамлакатда зарур бўладиган пул массасини аниқлаш ва муомалага чиқариш ҳисобланади. Бу эса макроиқтисодиётнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, давлат томонидан тартибга солиб турилади.

Пул массаси муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (хазина ва банк билетлари)нинг жами миқдорига тенг. Муомаладаги пул воситаларининг умумий ҳажмига нақд пулдан ташқари банкларнинг жорий ҳисобидаги пул воситалари (депозит) ҳам киради.

Пулнинг энг самарали миқдордаги массаси муомалада бўлишини таъминлаш унинг харид қобилияти барқарорлигини таъминлайди. Пулнинг харид қобилияти барқарорлиги товар ва хизматлар нархининг кескин ўзгаришининг олдини олади.

Ривожланган мамлакатларда пул массасини аниқлашда - M1; M2; M3; M4 деб белгиланадиган пул агрегатларидан фойдаланилади.

Пул агрегатларини тузишда ликвидлилик даражасининг пасайиб бориши мезон қилиб олинган. Пул агрегатларининг таркиби ва миқдори турли мамлакатларда ўзаро фарқ қилиш мумкин. Қуйида умумлаштириб олинган пул агрегатлари таркибини келтирамиз:

M1 - танга пуллар, қоғоз пуллар, жорий депозитдаги аҳоли ва корхоналар пуллари ва тўлов оборотига хизмат қилувчи чеклар;

M2 - M1 ва муддатли депозитлар;

**M3 = M2+ЛҚҚ+БТМ+КҚММ;**

Бу ерда: ЛҚБ-ликвид қимматли қоғозлар (облигациялар, сертификатлар, хазина мажбуриятлари ва бошқалар);

БТМ - жамоат ва бюджет ташкилотлари ҳисобларидаги маблағлар;

КҚММ - капитал маблағларни молиялаш ҳисоб варақларидаги маблағлар.

Энг умумлашган шаклдаги «Кенг маънодаги пуллар» М4, деб аталган.

**М4 = М3+ПБЛМ;**

Бу ерда: ПБЛМ – банкларда сақланаётган пул бўлмаган ликвид маблағлар (олтин, брилиант, кумуш, платина ва шу каби қимматли пул бўлмаган маблағлар)./

Макроиқтисодий таҳлилда $M_1$ ва $M_2$ пул агрегатлари энг кўп фойдаланилади. Баъзида $M_1$ таркибидан нақд пуллар – С ва $M_2$ ҳамда $M_1$ фарқи сифатида «квази пуллар» ажратиб кўрсатилади.

Пул агрегатларининг динамикаси турли сабабларга боғлиқ. Масалан, даромадларнинг ошиши натижасида $M_1$га талаб тезроқ ўсса, фоиз ставкасининг ўсиши натижасида $M_2$ ва $M_3$га талаб $M_1$га нисбатан тезроқ ўсади.

## 7.2. Пулга талаб назарияси, модели ва графиги

Пулнинг миқдорий назарияси пулга бўлган талабни алмашинув тенгламаси ёрдамида аниқлайди:

$$M \cdot V = P \cdot Y$$

Бу ерда: М – муомаладаги пул миқдори;

V – пулнинг айланиш тезлиги;

Р – баҳолар даражаси (баҳо индекси);

Y – ишлаб чиқариш ҳажми (реал ЯММ).

Пулнинг айланиш тезлиги, иқтисодиётда битимлар таркиби нисбатан барқарор бўлганлиги учун ҳам доимий катталик деб қабул қилинади. Аммо банк тизимига ҳисоб-китобларни тезлаштирувчи техник воситалар жорий қилиниши натижасида у ўзгариши мумкин. V доимий бўлган шароитда алмаштириш тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$M \cdot \overline{V} = P \cdot Y \text{ (Фишер тенгламаси)},$$

бундан $M = \frac{P \cdot Y}{\overline{V}}$.

$P \cdot Y$ – номинал ЯММ миқдорини билдиришини ва $\overline{V}$ доимий миқдорлигини ҳисобга олсак, муомала учун зарур бўлган пул

миқдори ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар миқдори ва уларнинг баҳоси ўзгаришларига, бошқача айтганда, номинал ЯММ ўзгаришига боғлиқ. Муомаладаги пул массасининг ўзгариши, классик назарияга кўра, Y секин ўзгариши туфайли асосан баҳолар даражасига таъсир кўрсатади. Бу ҳолат "пулнинг нейтраллиги" номини олган.

Алмашинув тенгламаси суратлар боғлиқлиги кўринишида ёзилиши мумкин:

$$\frac{\Delta M}{M}\cdot 100\% + \frac{\Delta V}{V}\cdot 100\% = \frac{\Delta P}{P}\cdot 100\% + \frac{\Delta Y}{Y}\cdot 100\%.$$

Монетаристлар қоидасига кўра ҳукумат пул массасининг ўсиш суръатини, реал ЯММнинг ўртача ўсиш суръати даражасида таъминлаб турсалар иқтисодиётда баҳолар даражаси барқарор бўлади.

Фишер тенгламасидан ташқари бу тенгламанинг бошқа бир шакли Кембриж тенгламасидан ҳам кенг фойдаланилади:

$$M = k \cdot PY$$

Бу ерда: $k = \frac{1}{V}$ – пулнинг айланиш тезлигига тескари миқдор.

k - коэффициентни номинал пул миқдори (M)нинг даромадлар (P·Y)даги улушини кўрсатади.

Кембриж тенгламаси турли даражада даромадли бўлган турлича молиявий активлар мавжудлигини ва даромадни уларнинг қайси бири кўринишида сақлашни танлаш имконияти мавжудлигини кўзда тутади.

Пулга реал талаб қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

$$\left(\frac{M}{P}\right)^{Д} = kY;$$

Бу ерда: M/P – "реал пул қолдиғи", "пул маблағларининг реал захираси" деб номланади.

Пулга талабнинг Кейнс назарияси, ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси, пулни нақд кўринишда сақлашга кишиларни ундовчи уч сабабни ажратиб кўрсатади:

- трансакцион сабаб (жорий битимлар учун нақд пулга талаб);
- эҳтиёткорлик сабабли (кўзда тутилмаган ҳолатлар учун маълум миқдорда нақд пулларни сақлаш);
- спекулятив сабаб (фойда олиш мақсадида қимматли қоғозлар сотиб олиш учун пулга талаб).

Спекулятив сабаб фоиз ставкаси билан облигациялар курси ўртасидаги тескари боғлиқликка асосланади. Агар фоиз ставкаси кўтарилса, облигациялар баҳоси пасаяди, уларга талаб эса ошади. Бу эса ўз навбатида, нақд пул захираларининг қисқаришига ҳамда нақд пулларга талабнинг пасайишига олиб келади.

Пул ликвидлилик хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам аҳоли уни сақлашни афзал билади. Ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси кўрсатадики пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкасига боғлиқ. Фоиз ставкаси нақд пул воситаларини қўлда ушлаб туришнинг муқобил харажатлари миқдорини, яъни, сиз фоиз олиб келмайдиган нақд пулларни қўлда ушлаб турган шароитда йўқотадиган пул миқдорини билдиради. Ноннинг нархи нон талаби миқдорига таъсир қилганидек, нақд пулларни қўлда ушлаб туриш миқдори ҳам пул захираларига талаб миқдорига таъсир кўрсатади. Шунинг учун фоиз ставкаси ошганда, инсонлар бойликларини нақд пул шаклида камроқ ушлаб туришга ҳаракат қилади.

Реал пул захираларига талаб функциясини қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$M/P = f(R)$$

Бу тенглама кўрсатаяптики, пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкаси функцияси экан. Графикда фоиз ставкаси ва реал пул захиралари миқдорига талаб тескари боғликликка эга эканлиги кўринади. Чунки, юқори фоиз ставкаси пулга талаб миқдорининг камайишини кўрсатади.




21-чизма. Реал пул захираларига талаб

Классик ва кейнсчиларга хос ёндашувларни умумлаштириб, пулга талабнинг қуйидаги омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) даромадлар даражаси;
2) пулнинг айланиш тезлиги;

3) фоиз ставкаси.

Агар классик назария пулга талабни асосан, реал даромад ҳажми билан боғласа, кейнсчиларда эса пулга талаб асосан, фоиз ставкасига боғлиқ деб ҳисобланади.

Пулнинг айланиш тезлигини ҳисобга олмаганда, реал пул қолдиғига талаб формуласи қуйидагича бўлади:

$$\left(\frac{M}{P}\right)^{Д} = f(R,Y);$$

Бу ерда: R – фоиз ставкаси;

Y – реал даромад.

Чизиқли боғлиқликни эътиборга олсак, қуйидагича формула ҳосил бўлади:

$$\left(\frac{M}{P}\right)^{Д} = kY - hR;$$

Бу ерда: k ва h – пулга талабнинг даромадлар ва фоиз ставкасига таъсирчанлигини ифодаловчи коэффициентлар;

k – фоиз ставкаси (реал фоиз ставкаси).

Реал фоиз ставкаси номинал фоиз ставкасидан инфляция суръатини айириб топилади.

Даромад даражаси ўзгариши билан пулга талаб эгри чизиғи ўнгга ёки чапга силжийди.




22-чизма. Даромадлар даражаси ўзгаришининг натижасида пулга талабнинг таъсири

Даромадларнинг ўсиши пулга талаб эгри чизиғини ўнгга силжитса, уларнинг пасайиши тескари натижани беради. Бунинг натижасида маълум фоиз ставкасига мос келувчи реал пул захираларига талаб миқдори ҳам ўзгаради.

## 7.3. Пул таклифи модели

Пул таклифи ($M_s$) ўз ичига банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар (С) ва зарур бўлганда (Д) иқтисодий агентлар битимлар учун ишлатиши мумкин бўлган депозитларни олади.

$$M_s=C+Д.$$

Аксарият кўпчилик мамлакатларда давлат пул чиқаришда монопол ҳуқуққа эга. Шунинг учун у бутун пул массаси миқдорини тартибга солиб туради. Уни амалга ошириш ҳуқуқи нисбатан мустақил муассаса Марказий банк ихтиёрида. Аммо пул таклифини кўпайтириш имконига ёки пул яратиш қобилиятига тижорат банклари ҳам эга. Улар кредитлар бера бориб, тўлов воситалари эмиссиясини ёки кредит мультипликациясини амалга оширади. Масалан, А банкнинг депозити 2000 сўмга ўсган бўлса, захира нормаси 20 % га тенг бўлганда (захира нормаси - бу, захираларнинг депозитларга нисбати), у 400 сўмни ўзида қолдириб, қолган 1600 сўмни қарзга беради. Шундай қилиб, А банк пул таклифини 1600 сўмга кўпайтиради ва у энди 2000+1600=3600 сўмни ташкил этади. Яъни, омонатчиларнинг депозитлардаги 2000 сўмдан ташқари яна 1600 сўм қарз олувчилар қўлида қолади. Агар, 1600 сўм яна банка тушса, (масалан, Б банкка) унда 20 % ни тенг бўлган захира нормасида у 320 сўмни захирада қолдириб, 1280 сўмни кредитга беради ҳамда шу миқдорда пул таклифини оширади. Кредит беришнинг бу жараёни сўнгги пул бирлигидан фойдаланишга қадар давом этади ва пировард натижада жами пул таклифи қуйидагича аниқланади:

Дастлабки омонат = 2000

А банкнинг ссудаси = (1-0,2) x 2000 = 1600

Б банкнинг ссудаси=(1-0,2)(1-0,2)*2000=(1-0,2)$^2$2000=1280 ва ҳ.к.

Жами пул таклифи тенг бўлади:

(2000+(1-0,2)2000+(1-0,2)$^2$2000+...)=X1+(1-0,2)+(1-0,2)$^2$ +...)2000 = 1/1-(1-0,2)2000 = 1/0,2x2000.

Бу ифодани қуйидаги формула кўринишида ёзиш мумкин:

$$M = (1/rr) \times Д$$

Бунда: М- пул таклифи ҳажми;

rr — мажбурий захиралаш нормаси;

Д - дастлабки омонат.

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, пул таклифи 1//rr коэффицентига боғлиқ бўлиб, уни банк мультипликатори ёки пул экспансияси мультипликатори, деб аталади. У ушбу банк захиралар нормасида ортиқча захираларнинг бир пул бирлиги билан яратилиши мумкин бўлган янги кредит пулларининг энг кўп миқдорини билдиради.

Пул таклифининг умумлашма модели Марказий Банкнинг пул таклифидаги роли ҳамда пулнинг бир қисмини депозитлардан нақд пулларга оқиб ўтишни ҳисобга олган ҳолда ёзилади. Бу модел бир қатор янги ўзгарувчиларни ўз ичига олади.

Пул базаси (резерв (захира) пуллар, юқори қувватли пуллар) — банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва тижорат банклари Марказий Банкда сақлайдиган депозитлар суммаси.

Пул базасини МВ ва банк резервларини R деб белгиласак,

$$MB=C+R.$$

**Пул мультипликаторини** — пул таклифининг пул базасига нисбати кўринишида ёзиш мумкин:

$$m = \frac{Ms}{MB} = \frac{C+Д}{C+R} \quad \text{ва } Ms = m \cdot MB$$

$$m = \frac{C+Д}{C+R} = \frac{\frac{C}{Д}+\frac{Д}{Д}}{\frac{C}{Д}+\frac{R}{Д}} = \frac{Cr+1}{Cr+rr}$$

Бу ерда: $Cr = \frac{C}{Д}$ - депонентлаш коэффициенти;

Cr миқдори — аҳолининг ўз маблағларини нақд пуллар ва депозитлар ўртасида қандай пропорцияда сақлашни танлашга боғлиқ.

$rr = \frac{R}{Д}$ миқдори эса — аҳолининг нафақат Марказий Банк белгилаб берган мажбурий резерв нормасига, балки тижорат банклари сақлаб туришни мўлжалланаётган ортиқча резерв миқдорига ҳам боғлиқ.

Юқоридагиларни умумлаштириб, пул таклифининг кенгайтирилган моделини келтирамиз:

$$Ms = \frac{Cr + 1}{Cr + rr} \cdot MB.$$

Демак, пул таклифи пул базаси ва пул мультипликатори миқдорига боғлиқ экан.

Пул мультипликатори пул базасининг бир миқдорга ошиши натижасида пул таклифи қандай ўзгаришини кўрсатади.

Марказий банк пул таклифини авваламбор, пул базасига таъсир этиш йўли билан тартибга солади.

## 7.4. Пул бозоридаги мувозанат

Пул бозори модели пулга талаб ва таклифни бирлаштиради. Дастлаб, соддалик учун пул таклифи Марказий Банк томонидан назорат қилинади ва $(M/P)^s$ даражасида қайд қилинган деб оламиз.

Агарда М -пул таклифини, Р-нархлар даражасини билдирса, М/Р пул воситаларининг реал захираси миқдорини кўрсатади.

$$(M/P)^s = \bar{M}/\bar{P}:$$

Бу ерда: М - пул таклифи даражасини билдиради;

Р - нарх даражаси (ушбу моделда ташқи ўзгарувчи миқдори)ни кўрсатади.




23-чизма. Реал пул воситалари захираси таклифи графиги

23-чизма реал пул таклифи миқдоридаги фоиз ставкасига боғлиқ бўлмаган вазиятни кўрсатади. Шунинг учун реал пул воситалари таклифи графикда кўрсатаётганимиздек вертикал эгри чизиқ кўринишига эга бўлади.

Баҳолар даражасини ҳам барқарор деб қабул қиламиз. Бу ҳолатда реал пул таклифи $\frac{\bar{M}}{P}$ га тенг ва графикда Ms тўғри чизиқ кўринишига эга бўлади.

Пул талаби берилган даромад даражасида фоиз ставкасига тескари пропорционал эгри чизиқ кўринишига эга.

Мувозанат нуқтасида пул талаби ва таклифи ўзаро тенг.




24-чизма. Пул бозоридаги мувозанат модели

Ўзгариб турувчи фоиз ставкаси пул бозорини мувозанатда ушлаб туради. Фоиз ставкасининг ўзгариши натижасида иқтисодий агентлар ўз активлари таркибини ўзгартиргани туфайли пул бозорида мувозанатга эришиш учун вазиятга таъсир этиб уни ўзгартириш зарур ва мумкиндир.

Агар R жуда юқори бўлса, пул таклифи унга бўлган талабдан юқори бўлади. Иқтисодий агентлар ўзларида тўпланиб қолган ортиқча нақд пулларни акция ва облигацияларга айлантириб, улардан қутилишга интилишади.

Юқори фоиз ставкаси, таъкидланганидек, облигациялар курсининг пастроқ даражасига мос келади. Шу сабабли, арзон облигацияларни (келажакда фоиз ставкаси пасайиши оқибатида улар курси ўсишини кўзда тутиб) сотиб олиш фойдали бўлади.

Банклар $M_s > M_д$ бўлгани учун фоиз ставкасининг пасайтира бошлашади. Аста-секин иқтисодий агентлар ўз автивлари таркибини ўзгартириши ва банклар томонидан фоиз ставкасининг ўзгартирилиши оқибатида пул бозорида мувозанат тикланади. Фоиз ставкаси пасайиб кетган ҳолатда тескари жараён рўй беради.

Фоиз ставкаси ва пул массаси мувозанатли даражасининг ўзгариб туриши пул бозорининг экзоген ўзгарувчилари — даромад-

лар даражаси ва пул таклифининг ўзгариши натижасида ҳам рўй беради. График кўринишда, бу, пул талаби ва пул таклифи эгри чизиқларининг силжиши сифатида намоён бўлади.

Даромадлар даражасининг $Y_1$дан $Y_2$га қадар ўсиши (25-чизма) пулга талабни $M^1_Д$дан $M^2_Д$гача ошишига ва фоиз ставкасини $R_1$дан $R_2$га қадар кўтарилишига олиб келади.




**25-чизма. Даромадлар даражасининг ошиши натижасида пулга талабнинг ўзгариши**

Пул таклифининг камайиши ҳам фоиз ставкасининг кўтарилишига ва мувозанат нуқтасининг ўзгаришига олиб келади.




**26-чизма. Пул таклифининг камайиши натижасида пул бозоридаги мувозанатнинг ўзгариши**

Пул бозорида мувозанатни ўрнатиш ва сақлаб туриш механизми қимматли қоғозлар бозори ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли амал қилади. Пул бозоридаги мувозанат товарлар ва хизматлар бозоридаги мувозанат сингари макроиқтисодий мувозанатнинг муҳим таркибий қисмидир.

## 7.5. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги вазифалари

Молия бозоридаги операциялар молия муассасалари воситасида амалга оширилади. Бундай муссасаларга турли хил банклар, биржалар, депозитарийлар, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, агентликлар ва ҳ.к.лар киради.

«Банк» тушунчаси қадимий французча bang ва banca сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «сарроф курсиси, дўкони» деган маънони англатади. Бундай тушунча тарихчиларнинг тахминан 2000 йил муқаддам фаолият кўрсатган банкирлар ҳақидаги маълумотларида ҳам мавжуд.

Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат қилувчи институт (муассаса)дир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида, банк нима, деган саволга қуйидагича жавоб топиш мумкин:

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир.

Ўзбекистондаги банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик-тижорат банклари ва хусусий банклардан иборатдир.

Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи мотор - юрак, пул билан бўладиган ҳисоб-китобларни амалга оширади. Ҳамма пул тўловлари (трансфертлар) банклар орқали ўтади. Банклар қуйидаги ишларни амалга оширади:

• пул ва қимматли буюмларни омонатга олиб, сақлаб беради;

• пул билан бўладиган ҳисоб-китоб опрецияларини, хусусан, пул тўлаш ишларини бажаради;

• чет эл валютасини сотади ва сотиб олади;

• ўз қўлидаги пулни қайтариш, фоизлилик ва муддатлилик шарти билан унга (муҳтожларга) қарз (ссуда)га беради, яъни, кредит билан шуғулланади;

• ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа соҳага жойлаштиради;

• бизнес юзасидан маслаҳат беради ва ҳоказо.

Банк иши пул оламида бўладиган бизнесдир. Банк бизнеси фойда топиш мақсадида юритилади.

Марказий банкнинг монополлик мавқеи унинг мамлакатдаги пул ва пировард натижада иқтисодий барқарорлик учун алоҳида

жавобгар эканлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, Марказий банк айни пайтда бошқа, жумладан, банкларнинг банки, давлат банки, миллий олтин-валюта захираларини бошқарувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Марказий банк ўзининг бутун фаолиятини зиммасида турган вазифаларни сифатли ва самарали адо этадиган даражада уюштиради. Умумий пул хўжалик айланмасида Марказий банкнинг монополлик мавқеи унга пул муомаласини назоратида сақлаб туришга имкон беради, пул миқдори назоратсиз кўпаймаса, унинг харид қобилияти ҳам пасайиб кетмайди.

Бундан ташқари, тижорат банклари Марказий банкда ўз қисқа муддатли ва ўрта муддатли мажбуриятларидан муайян фоиз ҳажмида энг кам захира деб юритиладиган фоизсиз омонатларни сақлашга мажбур.

Марказий банк нақдсиз тўлов айланмасини техник тарзда бажариш учун соф банк хизматларини тақдим этади. Банклар бу хизматлардан иқтисодиётнинг турли субъектлари ўртасида тўлов айланмасини йўлга қўйиш учун фойдаланади.

Марказий банк банклар фаолиятини назорат қилишда ўзининг минтақавий бўлинмалари орқали кредит муасасаларидан мажбурий равишда ахборот, ойлик ҳисобот ва йиллик якуний баланс маълумотларини тақдим этиш асосида қатнашади.

Кредит муассасаларининг бўйсинишига қараб банк қонунчилиги ҳамда кредит тизимининг пастдан юқорига томон таркибий тузилишига мувофиқ тарзда банк тизимини икки асосий: бир босқичли ва икки босқичли турга ажратиш мумкин.

Бир босқичли банк тизими доирасида барча кредит муассасалари, жумладан, Марказий банк ҳам, ягона босқичда туради ҳамда мижозларга кредит - ҳисоб хизмати кўрсатишда бир хил вазифаларни бажаради.

Икки босқичли тизимда банклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйига (вертикаль) ва энига (горизонталь) йўналишларида тузилишига асосланади. Вертикал — раҳбарлик қилувчи, бошқарувчи марказ ҳисобланган Марказий банк билан қуйи бўғинлар — тижорат ва ихтисослашган банклар ўртасидаги бўйсиниш муносабатлари, горизонталь-турли қуйи бўғинлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли шериклик муносабатлари тушинилади. Марказий банк фақат мижозларнинг икки тоифаси — тижорат ва ихтисослашган банклар ҳамда давлат тузилмалари учун том маънода Марказий банк бўлиб қолади.

## 7.6. Жаҳон банк тизими ривожидаги ўзгаришлар

Жаҳон банки тизими мураккаб, зиддиятли йўлдан ривожланиб бормоқда. Шундай бўлса ҳам, бу соҳадаги асосий тамойиллар ҳақида гапирганда, банкларнинг қўшилиб кетиши ёки бир-бирини "ютиб" юбориши ҳисобига уларнинг йириклашуви жараёни биринчи навбатда назарда тутилади. Бу тамойил барча мамлакатларда бирор-бир тарзда намоён бўлмоқда. Дунёнинг энг йирик ўнта банки орасида фақат Франциянинг Gredit Agrecole банки деҳқончилик соҳасига инвестиция берувчи аниқ ихтисосга эга. Бошқа ҳамма банклар ўзларининг дастлабки йўналишларини аллақачон ўзгартириб юборган. Масалан, Буюк Британия молия бозорида чет эл банклари бўлимларининг кўплиги унинг хусусиятига айланиб қолган. Уларнинг кўплари бу мамлакатда XIX асрдаёқ ўрнашиб олишган. Ўша пайтда Лондон дунёнинг молиявий маркази эди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаёқ Лондонда Франциянинг учта банки ўз бўлимини очган эди, 1914 йилда 20 тадан кўпроқ банкларнинг идоралари ишларди.

Америка банклари ҳам 1990 йилларнинг бошларида ўзаро қўшилиш ва бир-бирини "ютиб" юбориш ҳаракатини кучайтирди. 1991 йилда 47 штат ва Колумбия округи қабул қилган штатлараро банк қонунига кўра, ўз штати ҳудудида «бегона» штат депозитларини қабул қилишга рухсат берилганидан сўнг шундай бўлди. Калифорния штатининг очилиши бу соҳада айниқса муҳим эди. Тинч океани минтақасига, шу жумладан, Японияга яқинлиги туфайли кўпгина банклар учун бу штатнинг имкониятлари, айниқса, катта. Нью-йоркдаги иккита йирик банк - Chemical Bank билан Manifecturers Hanover Bank нинг, шунингдек Secreity Pacific Corporation билан Bank of Amerika нинг бирлашуви билан катта қўшилиш деб аталган жараён бошланди.

Японияда энг йирик икки банк - Tokyo ва Mitsubishi бирлашгач, дунёдаги энг қудратли банк тизилмалари рўйхатининг бошида турувчи банк пайдо бўлди.

Американлик олимлар – Дейв Филлипс ва Кристин Пейлвелнинг тадқиқотларига қараганда, қўлга олувчи ёки "ютиб" юборувчи банклар жумласига, бошқа банкларда 100 дан ортиқ филиалга ва 4 миллиарддан кўпроқ активга эга бўлган энг йирик банклар киради. Қўлга ўтаётган банклар эса қўлга олувчи банклардан кичикроқ (1 млрд. долларга яқин активларга ва 50 тадан кўпроқ бўлимга эга), аммо, одатда, ўртача банклардан каттароқ. Шу ўринда "банкларнинг қўшилиш миқёси улар фаолиятининг самарадорлигига зарар етказмаган тарзда қай даражагача етиши мумкин?" - деган мантиқий савол туғилади. Американлик

олимлар мана шуни аниқлашга бағишлаб, бир талай асарлар ёзишди. Уларнинг хулосаларига кўра, кичикроқ банк (Америкача «ўлчов» билан активларнинг қиймати 100-500 млн.доллар бўлган банк) самарали ишлайди ва тармоқдаги энг йирик банклар билан бемалол рақобат қила олади. Шу жиҳатдан Шефферник иши диққатга сазовордир. У активларнинг қиймати 1 млрд. доллардан ортиқ бўлган банклар ўзаро қўшилганда ҳатто янги банкнинг турлари ва бўлимлари ўзгармаган тақдирда ҳам жами чиқимлари 50 фоиздан озроқ экан. Бироқ, активларнинг жами қиймати 50 млрд. доллардан ошадиган банклар ўзаро қўшилганда чиқимлар арзимас даражада қисқаришини ҳам аниқлашди.

Ўз маблағини имкони борича диверсификациялаш жаҳон банк тизимининг бошқа муҳим томонидир. Масалан, Британиядаги Midland банки (Honkong Bank) ва Америкадаги Marine банки (бу банк Лондондаги NSBC Holdings гуруҳига кириб) биргаликда 1995 йил якунига кўра, «The Banker» журналининг анъанавий рейтингида биринчи ўринни олди.

Япония банкларининг халқаро экспанцияси ўтган асрнинг 70 йиллари охирларида бошланди. Бу ҳодисанинг боиси: мамлакатнинг барча стакчи банклари дунёнинг асосий марказларида, шунингдек, Япон корпорацияларининг стратегияси нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга бўлган (мамлакатларда) минтақаларда (Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, АҚШ ғарбий соҳили, Австралияда) бўлимлар очган эди. Бу экспанция бир неча устун йўналишлар бўйича давом этди.

Биринчидан, дунёнинг турли минтақаларига инвестиция қўйувчи Япон транс миллий корпорацияларга хизмат қилиш. Бу йўналиш Япон банкларининг ички банк бизнесига кириб олиб, бўлим ва шўъба компониялар очилищи ҳамда молиявий ночор аҳволга тушиб қолган маҳаллий банкларни сотиб олиш йўлидан бориш.

Иккинчидан, Нью-Йорк, Лондон, Цюрих каби йирик молия марказларида жаҳон ссуда капитали бозорида йирик операциялар ўтказиш.

Учинчидан, Япония учун «қизиқарли» мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш чунончи, кўпчилик Япон банклари Хитойда ваколатхоналар ва шўъба компаниялар очиб, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялашда қатнашмоқда.

Банклар фаолиятини дерегулияциялаш жараёни, учинчи жаҳоншумул тамойилдир. Бу ўтган асрнинг 70-йиллари охирида АҚШда фуқароларнинг омонатлари хафвсизлиги даражасини ошириш мақсадида жамғарма депозитлари бўйича фоиз ставкасининг юқори чегарасини кўтарищдан бошланган. Бу жараён молиявий хизматларнинг бутун соҳасига ёйилди. Янги қонунлар

туфайли банклар мижозларга операцион депозитлар, шунингдек, истеъмол ва тижорат кредитининг турли вариантларини таклиф этиш ҳуқуқини олади. Шу билан бирга турли қимматли қоғозлар операциялари ўтказилади. Дунёдаги бошқа етакчи мамлакатлар, масалан, Австралия, Канада, Англия ва Япония ҳам ўтган асрнинг 80-йилларда дерегуляция амалиётига қўшилди.

Жаҳон банк тизими ривожланишининг асосий тамойиллари ана шундай. Уларни таҳлил этиб, чиқариладиган умумий хулоса қуйидагича:

Замонавий банк тизими мураккаблашиб, йириклашиб бормоқда. Унда соф классик «банкча» хусусиятлар бошқа молия муассасаларининг хусусиятлари билан қўшилиб кетмоқда.

Банкларнинг ривожи бутун дунёда давом этаётган иқтисодий интеграция тамойилини акс эттиради. Бу жараённинг банк ишида намоён бўлиши натижаларини ривожланган мамлакатлар мисолида ўрганиш орқали ўз банк тизимини эндигина вужудга келтираётган мамлакатлар хатоларга йўл қўймай, бундан буёнги тараққиёт концепциясини оқилона амалга оширишлари мумкин.

## Қисқача хулосалар

Пул махсус хусусиятга эга бўлган товар ҳисобланиб, айирбошлашнинг ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Унинг махсус хусусияти ликвидлилигидир (яъни, тез алмаштириш имконияти).

Пул агрегатлари ликвидлиликнинг пасайиб бориши тамойили асосида таснифланади.

Пул инсонларга кундалик эҳтиёжларини қондириш ва жамғариш учун заруp. Шунинг учун ҳам пулга бўлган умумий талаб битимлар учун пулга талаб, эҳтиёткорлик важидан пулга талаб ва молиявий активлар учун пулга талаблардан иборат.

Маҳсулотлар бозоридаги каби пул бозорида ҳам пулга бўлган умумий талаб ва таклиф мувозанат нуқтада кесишади. Маҳсулотлар бозорида мувозанат нуқтани нархлар тенглиги асосласа, пул бозорида эса бундай тенгликни фоиз ставкаси билдиради.

Умумий пул таклифи нафақат жорий ҳисоблардаги маблағлардан, балки аҳоли қўлидаги нақд пуллардан ҳам ташкил топади. Пул таклифи миқдори мажбурий захира нормаси, депонентлаш коэффициенти ва пул базаси миқдорига боғлиқ.

Кредит тизими учта гуруҳга, яъни, Марказий банк, тижорат банклари, махсус банклар ва молия институтларига бўлинади.

Жаҳон банк тизими ривожланиши жуда мураккаб ва зиддиятли йўлдан бормоқда. Шунинг учун ҳам бу соҳада бирор-бир йўналишни аниқ кўрсатиш қийин бўлсада, унинг асосий тамойилларига, яъни, банкларнинг қўшилиб кетиши ёки бир-бирини "ютиб" юбориши ҳисобига йириклашуви, ўз маблағларини иложи борича диверсификациялаш каби тамойилларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Пул агрегатларига изоҳ беринг?

2. Пулга талабнинг кейнсчиларга хос ва классик назарияларини таққослаб беринг.

3. Пул таклифи асосида нималар ётади? Банк мультипликатори ва пул мультипликатори қандай аниқланади ҳамда уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

4. Пул бозоридаги мувозанат нуқтаси нимани билдиради? Пул бозорида мувозанат қай йўсинда таъминланади?

5. Банк тизими ва банкларнинг функцияларини тушунтириб беринг.

## Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.

2. Бункина М.К., Семянов В.А. Макроэкономика. – М., 1995.

3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т: ТДИУ - 2000.

4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.

6. Эдвин Д.Ж., Допан. Макроэкономика. – С. Петербург: 1994.

## VIII боб

# БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ДАВЛАТ

## 8.1. Давлатнинг иқтисодий функциялари ва бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашувининг зарурлиги

Давлатнинг иқтисодий вазифалари кўп ва хилма-хилдир. Шунинг учун таҳлилимизда давлатнинг асосий иқтисодий функцияларинигина кўриб чиқамиз.

**Биринчидан**, давлатнинг айрим иқтисодий вазифалари бозор тизими ривожланишини енгиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадига эга. Бу соҳага давлатнинг қуйидаги икки функциясини киритишимиз мумкин:

1. Бозор тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ҳуқуқий база ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;

2. Рақобатни ҳимоя қилиш;

**Иккинчи** гуруҳ вазифаларини бажариш учун давлат қуйидаги учта функцияни бажаради:

1. Даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш;

2. Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;

3. Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни, иқтисодий конъюктуранинг ўзгарувчанлиги натижасида пайдо бўладиган ишсизлик ва инфляция даражаларини назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва ҳуқуқий базани таъминлаш вазифаларини зиммасига олади. Ҳуқуқий базани таъминлаш асосан иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқаришда ва бу қонунларни бажаришни таминлаш ҳамда назорат қилишда намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётида рақобат асосий тартибга солувчи механизм ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчиларни ўзига бўйсундирадиган ягона кучдир. Бозор тизимига бўйсунадиган ишлаб чиқарувчилар рақобат натижасида фойда олишни режалаштиради. Кимки бу қонунни бузса, зарар кўради ва оқибатда батомом инқирозга юз тутиш мумкин. Рақобат шароитида истеъмолчи – хўжайин, бозор – унинг таъминотчиси (агенти), корхона эса, унинг хизматкори ҳисобланади.

Монополиянинг ўсиши бу вазиятни тезда ўзгартиради. Монополия рақобат ўрнини олар экан, сотувчилар бозорга таъсир қилиши мумкин ёки ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда нархларни ошириш орқали мамлакатга зарар олиб келади.

Бозор тизими ривожланиши билан мамлакат аҳолиси оладиган даромадлар ва қиладиган харажатлар ўртасида номутаносибликлар пайдо бўлади. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда давлат асосий аҳамиятга эга. Яъни, давлат жамиятдаги даромадлар номутаносиблигини камайтириш вазифасини бажаради. Бу вазифалар бир нечта сиёсий тадбирлар ва дастурларда ўз ечимини топган. Биринчидан, трансферт тўловлари орқали ёрдамга муҳтож, боқиманда, ногирон ва ишсизларни нафақалар билан таъминлайди. Иккинчидан, давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради. Фермерларга кафолатланадиган баҳо ва минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонунчилик давлат аҳолининг айрим гуруҳлари даромадларини тенглаштириш мақсадида баҳони тартибга солиб туришига мисол бўла олади. Бундан ташқари аҳолидан олинадиган даромад солиқларининг фоизлар бўйича табақаланиши ҳам кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган тадбирларидан биридир.

Олдинги мавзуларда кўрдикки, рақобатли бозор тизимининг қулайликларидан бири ресурсларни самарали тақсимлаш ҳисобланади. Ёки, бошқача айтганда, ҳар бир турдаги товар ва хизматларларни ишлаб чиқаришда ресурслар »тўғри» ёки мақбул тақсимланган бўлади. Шу билан бирга рақобатли бозордаги ресурсларнинг самарали тақсимланишида яширинча равишда камчиликлар ҳам мавжуд. Яъни, ҳар хил турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишда қўшимча самара ёки қуйилиш бўлмайди, деб ҳисобланади. Қўйилиш – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки исътемол қилиш билан боғлиқ бўлган манфаат ва харажатлар учинчи бир томонга – бевосита сотувчи ёки сотиб олувчи бўлмаган томонга ўтишини англатади. Қуйилиш, шунингдек, қўшимча самара деб ҳам юритилади. Чунки, у бозор олди – сотдисида қатнашмаётган индивид ёки гуруҳ зиммасига тўғри келадиган манфаат ва харажатларни билдиради.

Қуйилиш харажатлари – товарларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш учинчи бир томон учун қопланмайдиган харажатлар пайдо бўлганда юзага келади. Бу харажатларнинг кўпгина қисми атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ. Давлат харажатлари қуйилиши натижасида ресурслар номутаносиб тақсимланишининг олдини олиш учун қонунлар ва ўзига хос солиқлар қабул қилади.

Ўзбекистон ҳукуматининг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашувидан асосий мақсади, иқтисодиётга янги демократик усуллар билан раҳбарлик қилиш, барча хорижий мамлакат-

лар билан самарали иқтисодий интеграцияни таъминлаш, ИТТ ютуқларидан самарали фойдаланиш асосида ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдир.

## 8.2. Давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсатнинг кўринишлари

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мамлакат иқтисодиётига бевосита аралашади. Давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви макроиқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади. Бу сиёсатни юритишда асосан қуйидаги воситалардан фойдаланилади:

1. Бюджет;
2. Пул-кредит;
3. Дотация; субвенция; субсидия;
4. Солиқ механизми;
5. Чегараланган баҳолар ва бошқалар.

Давлат бюджет харажатларини (давлат харажатлари ва трансферт тўловлари) кўпайтириш ёки қисқартириш орқали мамлакат иқтисодиётига аралашади. Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари ёки бюджет сиёсати товар ва хизматларнинг давлат хариди, ЯММни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шаклларини кўрсатиш, нархлар устидан назорат ўрнатиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар ўрнатиш ва шунингдек, мамлакат аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар мажмуасидан иборат. Пул-кредит сиёсати мамлакатда пул массасини тартибга солишга қаратилган ва унинг асосий вазифаси нархлар ва реал миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига мос келадиган пул массасини таъминлашдан иборат. Бу сиёсатнинг асосий воситаси Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ҳисоб ставкасини тартибга солиш, тижорат банкларининг мажбурий равишда Марказий банкда сақлайдиган захиралари нормасини ўзгартириш, қимматли қоғозлар бўйича очиқ бозордаги операцияларни йўлга қўйиш ва шунингдек, бошқа тадбирлардир.

Давлат томонидан хўжаликларга кўрсатиладиган молиявий ёрдамлар дотация, субвенция ва субсидия шаклларида олиб борилади.

**Дотация** – бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қайтариб олмаслик шарти билан хўжаликларнинг зарарларини

қоплаш, шунингдек, маҳаллий бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш учун ажратилган пул маблағларидир.

**Субвенция** – қатъий мақсадлар учун бериладиган дотация тури бўлиб, ундан фойдаланиш шарти бузилганда уларни қайтариб олиш мумкин.

**Субсидиялар** – бу, пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан кўрсатилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Бевосита субсидияларга капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта тайёрлашга ажратилган маблағлар кирса, билвосита субсидияларга солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар бериш, пасайтирилган божхона божлари ва бошқалар киради.

Бундан ташқари давлат аҳолини давлат трансфертлари кўринишида ҳимоя қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўп қиррали солиқлар тизимидан фойдаланилади. Аҳоли давлат бюджетига ҳар ойда олган даромадларига қараб даромад солиғи тўлайди, корхоналар эса олган фойдасига қараб фойдадан солиқ тўлайдилар. Шу каби жуда кўп мавжуд солиқ турларидан оқилона ва илмий асосда фойдаланиш орқали давлат солиқ тизими сиёсатини, солиқ ставкалари миқдорларини ва имтиёзлари турларини аниқлайди ва шу билан бутун макроиқтисодий вазиятга таъсир кўрсатади. Яъни, солиқларни ўзгартириш орқали инвестициялар ва жамғармалар рағбатлантирилади.

Давлат бозор тизимининг фаолият кўрсатишида баҳо механизмидан, хусусан, чегараланган баҳолардан кенг фойдаланади. Жумладан, чегараланган баҳолар аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида айрим турдаги озиқ - овқат маҳсулотларига белгиланган. Чегараланган баҳо унинг ҳақиқий қийматларидан бир неча бароварига кам бўлиши мумкин. Давлат чегараланган баҳони бозор баҳосидан юқори ва кам белгилаши мумкин.

Қайд этилган нархлар давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари тизимида алоҳида ўрин тутади. Бозор тизимида нархлар талаб ва таклифни тартибга солувчи асосий восита ҳисоблансада, бироқ дунёнинг барча мамлакатларида давлат нархларни шакллантириш жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

## 8.3. Ресурслар ва даромадларни ижтимоий манфаатларни эътиборга олган ҳолда қайта тақсимлаш

Товар ва хизматларнинг индивидуал истеъмолдаги хусусиятларини қараб чиқадиган бўлсак, аввало, бу товарлар маълум

бир миқдорда бўлади. Яъни, улар индивидуал сотиб олувчилар учун қулайдир. Бундан ташқари бу товарларни сотиб олувчилар товар қийматига мос равишда нархларни тўласагина унга эга бўлиши мумкин.

Айрим турдаги товар ва хизматларни бозор тизими умуман ишлаб чиқаришни мўлжалламаган, чунки, уларнинг хусусиятлари индивидуал истеъмолчиларга мўлжалланган товарларнинг хусусиятларига тескаридир. Бундан ташқари, ижтимоий манфаатлар бўлинмайди ва уларни индивидуал истеъмолчиларга сотиш мумкин эмас. Масалан, бундай товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга давлат ҳимояси, сув тошқинларини тартибга солиш, ҳашаротларга қарши кураш ва бошқалар киради. Жамият ушбу хизматлардан манфааат олиш учун уларни давлат ишлаб чиқариши керак.

Шунингдек, шундай хизмат турлари ҳам мавжудки, уларга қандайдир миқдорда нарх белгилаш мумкин. Масалан, кўча ва автомагистраллар қуриш, тартибни сақлаш ва ёнғинга қарши кураш, кутубхона ва музей хизматлари, профилактик тиббий хизматлар ва бошқалар.

Демак, бозор тизимидаги баҳо механизми ижтимоий манфаатларни кўзлаб ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга бўлган ресурслар ажратилишини таъминламас экан, у ҳолда уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ушбу товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга зарур бўладиган ресурслар тақсимоти асосан давлат орқали гуруҳ ёки жамоа қарорлари асосида қабул қилинади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, демократик давлатларда сиёсий усул, яъни, овоз бериш орқали аниқланади. Ижтимоий манфаатлар истеъмолининг ҳажми давлат сиёсати йўналишини билдиради. Сиёсий жабҳаларда қабул қилинган бу гуруҳ қарорлари уй хўжаликлари ва корхоналарининг мавзуда таъкидланган бешта фунтаментал саволларга берган жавобларига қўшимча бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий манфаатларни қондирувчи товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун индивидуал истеъмолдаги қандай ресурслар қайта тақсимланади? Тўлиқ бандлик шароитида фаолият кўрсатаётган иқтисодиётда давлат олдида ижтимоий манфаатларни қондирувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун индивидуал истеъмолдаги товарларнинг ишлаб чиқаришдан ресурсларни ажратиш муаммоси туради. Бунда хусусий тармоқдан ресурсларни ажратиб олиш учун хусусий талаб қисқартирилади. Бунга асосан уй хўжаликлари ва корхоналардан солиқлар олиш орқали эришилади. Уй хўжаликлари ва корхоналар кам даромад олиш натижасида ўзларининг инвестицион ва истеъмол хара-

жатларини камайтиришади. Қисқача айтганда, солиқлар хусусий истеъмолдаги товар ва хизматларга бўлган талабни қисқартиради, бу ўз навбатида , ресурсларга хусусий талаб қисқаришига олиб келади.

Давлат бу солиқларни аниқлаш ва солиқ юкини тақсимлашда ижтимоий манфаатларни қондирувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни эътиборга олади.

## 8.4. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг монетар йўналишлари

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашиву янада ошади. Хусусан, давлат иқтисодиётга кредит тизими орқали фаол таъсир кўрсата бошлайди. Бунда ссудага бериладиган пул миқдорини ўзгартириш учун фоиз воситасидан фойдаланади. Маълумки, кредит муносабатларида Марказий банк марказий захира тизими вазифасини ўтайди ва улар давлат таъсирида бўлади. Давлат кредитга бўлган талаб ва таклифни марказий захира тизими орқали ўзгартиради. Ушбу жараённи уч хил йўл билан амалга оширади.

Биринчидан, давлат марказий захира тизими орқали банклар маблағининг қарзга бериладиган ва захирада турадиган қисмлари улушини ўзгартиради. Захира оширилса, кредитга бериладиган маблағ қисқаради ва аксинча, захира камайтирилса, мазкур маблағ кўпаяди. Натижада қарзга бериладиган пул миқдори ўзгаради, яъни пул кўпайса унинг таклифи ошади, бинобарин фоиз (%) камаяди, аксинча, у қисқарганда, таклиф камаяди, демак, фоиз (%) ошади. Фоизнинг камайиши кредитни арзонлаштиради, унга интилишни кучайтиради, олинган қарз эса инвестиция қилиниб, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Фоизнинг ошиши кредитни қимматлаштириб, унга бўлган қизиқишни камайтиради, бинобарин, инвестиция қисқаради ва натижада иқтисодий ўсиш камаяди.

Иккинчидан, марказий захира тизими ўзи бошқа банклардан оладиган фоизларни ўзгартиради. У бошқа банкларга паст фоиз ҳисобидан қарз бериб, уларга молиявий ёрдам кўрсатади. Имтиёзли қарз олиш банкларга қувват берганидан улар кредитлаш ишида фаол қатнашиб, иқтисодий ўсишга таъсир эта оладилар.

Учинчидан, давлат марказий захира тизими орқали хазина векселларини (мажбуриятларини) тарқатади, ўз заёмларини сотади ёки қимматли қоғозларни сотиб олади. Давлат векселларни банкларга ёки бошқа молия ташкилотларига сотиш орқали уларнинг маблағини ўз ихтиёрига олиб, қарзга бериладиган пул миқдорини қисқартиради. Векселларни харид этиш орқали эса дав-

лат уларнинг қарз пули миқдорини оширади. Натижада қарзга таклиф этилган пул миқдори ўзгариб, фоизга таъсир этади, бинобарин, қарзга олиниб, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган пул миқдори кўпайиб ёки камайиб туриши иқтисодиётга таъсир этмасдан қолмайди.

Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартириш борасидаги сиёсати монетар сиёсат деб юритилади. Ушбу сиёсатни ўтказиш орқали давлат иқтисодиётни тартибга солиб туради.

Бундан ташқари давлат антиинфляцион тадбирлар билан ҳам иқтисодиётга аралашади. Яъни, инфляцияни юмшатиш учун иш ҳақи ва нархларни тутиб туриш, «музлатиш» йўлидан фойдаланади.

Иқтисодиётни тартибга солиш воситаларидан яна бири давлат томонидан иқтисодиёт келажагини олдиндан тахминлаш (прогнозлаш) ва уни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади. Давлат бюртмасига асосан узоқ ва қисқа муддатларга мўлжалланган прогнозлар тузилади. Прогнозларда ресурслар, технология, ички бозор ҳажми ва таркиби, экспорт ва импорт, давлат харажатлари, ишлаб чиқариш таркибидаги ўзгаришлар, математик моделлар асосида ҳисоб-китоб қилинади ва иқтисодиётнинг қайси йўналишда ривожланиши аниқланади.

## Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувидан энг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётини халқаро иқтисодий ва сиёсий рақобатлардан ҳимоя қилиш, эркин бозор иқтисодиёти учун ҳуқуқий база ва ижтимоий муҳитни яратиш, даромадлар ва бойликларни, шунингдек, ресурсларни қайта тақсимлаш ва макроиқтисодий муаммоларни ҳал қилишдан иборат.

Давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви асосан ҳуқуқий моҳияти макроиқтисодий сиёсат воситалари асосида, яъни, бюджет-солиқ, пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида олиб борилади.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тақсимлайди ва қайта тақсимлайди. Аммо, шундай турдаги товар ва хизматлар ҳам борки, уларни ишлаб чиқариш учун бозор тизими рағбат ярата олмайди. Шунинг учун ҳам давлат бундай турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш вазифасини ўз зиммасига олади. Бундай товар ва хизматларни ижтимоий манфаатларни кўзлаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибига киритамиз.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлатнинг иқтисодиётга аралашиши зарурияти қайси омиллар билан белгиланади? Давлатнинг қандай иқтисодий функцияларини биласиз?

2. Нима учун ресурслар ва даромадларни ижтимоий манфаатларни эътиборга олиб қайта тақсимлаш зарур? Бозор тизимининг ижтимоий манфаат деб аталувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга муносабати қандай?

3. Республика ҳукуматининг бозор иқтисодиётига аралашувидан мақсад нима?

4. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қайси йўналишда такомиллаштириш зарур?

## Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддас. 3-том. – Т.: «Ўзбекистон» 1996.

2. Борр Р. Политическая экономика в 2-х томах. 1-том. – М.: 1995.

3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ - 2000.

4. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.

5. Самуэльсон Н. Экономика вводный курс. – М.: «Прогресс». 1996.

# IX боб

# ФИСКАЛ СИЁСАТ

## 9.1. Фискал сиёсатнинг моҳияти, унинг усуллари ва давлат харажатлари мультипликатори

Давлатнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳисобланади. Бундай барқарорлаштиришга монстар сиёсат воситалари қатори фискал сиёсат орқали ҳам эришилади. Фискал сиёсат шунингдек, бюджет-солиқ сиёсати деб ҳам айтилади. Бюджет-солиқ сиёсати деганда ноинфляцион ЯИМ ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни, тўлов балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларини ўзгартиришни ўз ичига олган чора тадбирлар тушунилади.

Иқтисодиёт турғунлик ёки пасайиш даврида бўлган вазиятларда давлат томонидан рағбатлантувчи фискал сиёсат-фискал экспансия олиб борилади. Яъни, давлат қисқа муддатда иқсодиётнинг пасайиши муаммосини давлат харажатларини ошириш ёки солиқларни камайтириш, ёҳуд иккаласини бир вақтнинг ўзида олиб бориш эвазига ҳал этади. Узоқ муддатда давлат харажатларининг юқори бўлиши ва солиқларни камайтириш ишлаб чиқариш омилларининг ўсишига ва натижада, иқтисодий салоҳиятнинг кўтарилишига олиб келиши мумкин. Аммо, бунга Марказий банк томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсатидан самарали фойдаланиш ва давлат харажатлари таркибини мақбул ҳолатга олиб келиш орқалигина эришиш мумкин. Иқтисодиётда тўлиқ бандлик ва ортиқча талаб натижасида инфляция келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятларда чекловчи фискал сиёсат- фискал рестрикция олиб борилади. Чекловчи фискал сиёсат давлат харажатларини (G) камайтириш ёки солиқларни (T) ошириш ёки бўлмаса иккала тадбирни бир вақтда олиб бориш орқали иқтисодиётнинг даврий ўсишини чегаралашдан иборат. Қисқа муддатли даврларда ушбу тадбирлар талаб инфляциясини камайтиради. Узоқ муддатли даврларда эса юқори солиқлар иқтисодиётда стагнацияга олиб келиши мумкин. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини издан чиқаради. Бунга давлат харажатларидан самарасиз фойдаланиш қўшимча туртки бўлиши мумкин. Қисқа муддатли даврларда бюджет-солиқ сиёсатлари давлат харажатлари мультипликатори, солиқ мультипликатори ва балансланган бюджет мультипликаторлари самараси таъсирида бўлади.

$$\Delta G\uparrow \rightarrow \Delta E\uparrow(\Delta E=\Delta C)\rightarrow \uparrow\Delta Y(\Delta Y\rightarrow \Delta C \times mg)$$

Давлат харажатларининг ўсиши $\Delta G$ режалаштирган харажатларининг $\Delta E$ ушбу миқдорда ўсишига ва умумий харажатларнинг эгри чизиқ бўйича юқорига тепага сурилишига олиб келади. Бу вазиятда миллий ишлаб чиқариш ҳажми ($\Delta Y$) миқдорида ўсади.




27-чизма. Давлат харажатлари ўзгаришининг мультипликатив самараси

6-мавзуда кўрганимиз сингари харажатлардаги озроқ ўзгариш даромадлардаги ундан анча катта бўлган, ўзгаришни келтириб чиқаради ва $\frac{\Delta Y}{\Delta E}=\frac{1}{1-b}$ бўлади.

$$\Delta Y=\Delta E \bullet \frac{1}{1-b}=\Delta E \bullet m$$

Давлат харажатлари мультипликатори ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини қуйидаги тенгламалар системасини ечиш орқали топиш мумкин:

$$\begin{cases} Y=C+I+G \\ C=a+bY \end{cases}$$

Бу ерда: Y=C+I+G – ёпиқ иқтисодиёт учун асосий макроиқтисодий айният;

C=a+by – истеъмол функцияси.

Тенгламалар системасини Y учун ечамиз:

$Y = a+by+I+G;$
$Y-bY = a+I+G;$
$Y(1-b) = a+I+G;$
$Y = (1/(1-b)x(a+I+G);$

Бу ерда: $1/(1-b)$ — ёпиқ иқтисодиётдa солиққа тортиш ҳисобга олинмаган вазиятда харажатлар мультипликатори;

$(a+I+G)$ — даромадлар миқдорига боғлиқ бўлмаган автоном харажат;

$b=MPC$ — истеъмолга чегараланган мойиллик бўлиб мультипликатор миқдорини белгиловчи асосий омилдир.

Солиққа тортиш ҳисобга олинганда истеъмол функцияси ўзгаради ва $C=a+b(1-t)Y$ кўринишни олади. Бу тенгламани асосий макроиқтисодий айниятга қўйиб ечсак, қуйидаги натижани оламиз:

$$Y = \frac{1}{1-b(1-t)} \bullet (a+I+G)$$

Бу ерда: $\frac{1}{1-b(1-t)}$ — ёпиқ иқтисодиётда харажатлар мультипликатори;

$t$ — чегаравий солиқ ставкаси.

$$t=\Delta Y/\Delta T$$

Бу ерда: $\Delta T$ — тўланадиган солиқлар миқдорининг ўсиши; $\Delta Y$ — даромадларнинг ўсиши.

Прогрессив солиқ тизими мультипликатор самарасини юмшатади ва ишлаб чиқариш ҳамда бандлилик даражаларини барқарорлаштиради.

Солиққа тортиш ҳисобга олинган ҳолдаги харажатлар мультипликатори солиққа тортиш ҳисобга олинмаган ҳолдаги солиқ мультипликаторидан анча кичикроқ миқдорга эга, чунки даромадларга тушган харажатларнинг бир қисми солиқларга чегирилиб, муомаладан чиқади ва мальтипликация самарасини пасайтиради. Бу иккала формулани солиштирганда ҳам кўзга ташланади. Шунингдек очиқ иқтисодиётда ошган даромадларнинг бир қисми импортга йўналтирилиши оқибатида муомаладан чиқиб кетиши туфайли мультипликатор самараси ёпиқ иқтисодиётга нисбатан пастдир.

Очиқ иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатор ва мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги тенгламалар системасини ечиб топилади:

$$\begin{cases} Y = C + I + G + X_n \\ C = a + b(1-t)Y \\ X_n = g + m'Y \end{cases}$$

Бу ерда: m' - импортга чегаравий мойиллик;

Y - даромад;

g - автоном соф экспорт;

m' = ΔM / ΔY, бу ерда ΔM - импортдаги ўзгариш; ΔY – даромаддаги ўзгариш.

Агарда (2) ва (3) тенгламаларни асосий макроиқтисодий айниятга қўйиб, еєак қуйидаги ечимга эга бўламиз:

Y=((1/1(1-b(1-t)+m'))x(a+I+G+g)

Бу ерда: $m_g = \frac{1}{1-b(1-t)+m'}$ - очиқ иқтисодиётда давлат харажатлар мультипликатори.

## 9.2. Солиқ ва балансланган бюджет мультипликаторлари

Мувозанатли даромадлар даражасига солиқларни камайтириш ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Солиқлар миқдорини ΔT га камайтирсак, ихтиёрдаги даромад даражаси ΔT га ошади. Истеъмол харажатлари мос тарзда ΔT-b (бу ерда b-истеъмолга чегаравий мойиллик) миқдорга ошади ва у режалаштирилган харажатлар эгри чизиғини юқорига силжитади, миллий ишлаб чиқариш ҳажмини эса ΔУ га оширади:

$$\Delta Y = -\Delta T \bullet \frac{1}{1-b}$$

Солиқ мультипликация самараси давлат харажатлари сингари солиқларнинг бир марта ўзгариши оқибатида истеъмолнинг бир неча бор ўзгаришига боқлиқ.

T↓(ΔT)=>ДІ↑(ΔДІ=-ΔT)=>C↑(ΔC=b(-ΔT))=>E↑(ΔE=b(-ΔT))=> =>Y↑(ΔY=b(-ΔT)=>C↑(ΔC=b(b(-T))=>E↑(ΔE=$b^2$(-ΔT))=>Y↑(ΔY=$b^2$(-ΔT))=> =>C↑(ΔC=b($b^2$(-ΔT))) ва ҳ.к.

Айтилганлардан хулоса шуки, $\frac{\Delta Y}{\Delta T} = \frac{-1}{1-b}$ солиқ мультипликатори.

Агар давлат бюжетига барча солиқ тушумлари жорий даро-

мад–Y динамикасига боғлиқ деб ҳисобласак солиқ функцияси T = tY – кўринишни олади. Бу ҳолатда истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C=a+b(y-ty)=a+b(1-t)y,$$




28-чизма. Солиқлар ўзгаришининг мультипликатив самараси (солиқлар камайиши вариантида)

Солиқ мультипликатори эса қуйидаги кўринишни олади:

$$m_t=\frac{-b}{1-b(1-t)}$$

Бу ерда: $m_t$ – ёпиқ иқтисодиёт учун солиқ мультипликатори.

Бизга маълумки, тўлиқ солиқ функцияси T=Ta+tY кўринишга эга.

$T_a$ – автоном солиқлар (масалан, мулкка, ерга солиқлар).

Тўлиқ солиқ функциясини эътиборга олсак, истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C=a+b[Y-(T_a+tY)]$$

Тўлиқ солиқ функциясини ҳисобга олиб ёзилган истеъмол функцияси ҳамда соф экспорт функциясини ҳисобга олиб очиқ иқтисодиёт учун солиқ мультипликаторини ҳисобласак у

$$m_t = \frac{-b}{1-b(1-t)+m'}$$ кўринишини олади.

Очиқ иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори ва солиқ мультипликаторини ҳисобга олганда мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми модели қуйидагича бўлади:

$$Y = \frac{1}{1-b(1-t)+m'} \bullet (a+I+G+g) - \frac{b}{1-b(1-t)+m'} \bullet T$$

Айтайлик ҳукумат ўз харажатларини қандайдир миқдорга оширди ва бу харажатларни молиялаштириш учун солиқ миқдорини ҳам шунча оширди.

Бунда давлат харажатлари ва автоном солиқлар миқдорларининг бир вақтнинг ўзида бир хил миқдорда ўзгариши натижасида даромадларнинг жами ўзгариши ΔY миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta Y = \Delta G \frac{1}{1-b(1-t)+m'} - \Delta T \frac{b}{1-b(1-t)+m'}$$

Агар давлат харажатлари ва автоном солиқлар бир хил миқдорга кўпайса мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми шу миқдорга тенг ёки ундан камроқ суммага кўпаяди. Буни балансланган бюжет мультипликатори деб юритилади. Балансланган бюжет мультипликатори бирга тенг ёки ундан кичикроқ бўлади.

Давлат харажатлари ўзгаришидан юзага келадиган мультипликатив самара солиқлар пасайишидан олинадиган мультипликатив самарадан каттароқ бўлади. Бу ҳолат давлат харажатларининг даромадлар ва истеъмол ҳажмига таъсири (солиқлар ўзгариши таъсирига нисбатан) кучлироқ эканлиги оқибатидир.

Ушбу фарқ фискал сиёсат воситаларини танлашда муҳим роль ўйнайди. Агар ҳукумат давлат секторини кенгайтирмоқчи бўлса, даврий пасайишни тугатиш учун ўз харажатларини ошириши, инфляцияни чеклаш учун эса солиқларни ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аксинча, фискал сиёсат давлат секторини чеклашга қаратилган бўлса, даврий пасайиш шароитида солиқларни камайтиради, даврий кўтарилиш пайтида эса давлат харажатларини ошириш мақбул йўл ҳисобланади.

Балансланган бюджет мультипликаторини яхшироқ тушу-

ниш учун қуйидаги мисолни кўрамиз. Бунинг учун айрим шартларни киритамиз:

1. Инвестция ва соф экспортнинг соддалаштирилган моделидан фойдаланиш давом этсин;

2. Давлат хариди дастлаб хусусий харажатлар миқдорига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасин;

3. Давлатнинг соф солиқ даромадлари индивидуал солиқларни йиғишдан ташкил топсин;

4. Давлат ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) миқдоридан қаъти назар йиғиладиган солиқлар суммасини олсин;

5. Нархлар даражаси доимий бўлсин;

6. Фискал сиёсат макроиқтисодиётда талаб омилларигагина таъсир қилсин, жами таклифга эса умуман таъсир этмасин.

Бу мулоҳазалар давлат харажатлари ва солиқларининг иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатиши тўғрисида тушунча ҳосил қилиш имконини беради. Масалан, давлат ЯММ миқдори қандай бўлишидан қаъти назар 20 млрд. сўмлик товар ва хизматларни сотиб олишга қарор қилди, дейлик. Хусусий харажатларнинг ошиши каби, давлат харажатларининг ошиши ҳам жами харажатлар графигини биссектрисага нисбатан силжишига ва ЯММ мувозанат миқдорининг ўсишига олиб келади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозимки, давлат харажатлари мультипликатор самараси таъсирида бўлади. Давлат харажатининг 20 млрд. сўмга ошиши ЯММни 80 млрд. сўмга ошишига олиб келади. Яъни, мультипликатор 4 га тенг.

Бундан ташқари давлат харажатларининг 20 млрд. сўмга ошиши солиқ тушумлари ҳисобидан молиялаштирилмайди. Чунки, солиқларнинг ошиши ЯММ миқдорининг камайишига олиб келади. Бошқача айтганимизда, давлат харажатлари бюджет камомади билан қопланиши керак.

Агарда давлат харажатлар миқдорини камайтирса, жами харажатлар графиги пастга қараб силжийди. Яъни, ҳар қандай шароитда ЯММ миқдорини камайтиради. Масалан, давлат харажатлари 20 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмга қисқарса, ЯММ миқдори 40 млрд. сўмга камаяди. Мультипликатор самараси 4 га тенг бўлади.

Давлат 20 млрд. сўм миқдорида солиқ жорий қилсин. Яъни, давлат ЯММнинг ҳар қандай миқдорида 20 млрд. сўмлик солиқ тушумига эга бўлсин. Бу, ўз навбатида, солиқларни тўлагандан кейинги даромадлар миқдорига таъсир қилади. Чунки, бу таъсир истеъмол ва жамғариш миқдорининг камайишига олиб келади. Солиқларни тўлагандан кейинги даромадлар миқдори камайишининг қанча қисми истеъмолга ва қанча қисми жамғар-

мага тўғри келишини MPC ва MPS белгилаб беради, ҳар қандай миқдордаги ЯММдан 20 млрд. сўмлик солиқларнинг олиниши, агарда MPC=0,75 деб олсак (олдинги мавзулардаги сингари) истеъмол харажатларини 15 млрд. сўмга, жамғармани эса 5 млрд. сўмга камайтиради. Бу камайишлар ЯММ миқдори 60 млрд. сўмга камайишига олиб келади(солиқ мультипликатори самараси таъсирида).

Демак, солиқларнинг олиниши ЯММ миқдорига нисбатан солиқларни тўлагандан кейинги даромадлар миқдори камайишига олиб келади. Бу камайиш, ўз навбатида, ЯММнинг ҳар қандай миқдорида истеъмол ва жамғармалар миқдорини камайтиради.

Давлат харажатлари ва солиқлар миқдорининг бир хил миқдорда ўсиши ЯММ миқдорининг ўсишига олиб келади. Мисолимизда G ва T ларнинг 20 млрд. сўмга ошиши ЯММ миқдорининг 20 млрд. сўмга ошишига олиб келган. Бу балансланган бюджет мультипликаторини тушуниш имконини беради. Давлат харажатларининг ўзгариши солиқ миқдорининг ўзгаришига нисбатан жами харажатлар миқдорига кўпроқ таъсир кўрсатади. Давлат харажатлари жами харажатлар миқдорига бевосита, солиқлар миқдори эса билвосита таъсир кўрсатади.

Кўриниб турибдики, балансланган бюджет мультипликатори бирга тенг. Солиқлар миқдорининг 20 млрд. сўмга ошиши солиқлар тўлагандан кейинги даромадлар миқдорини 20 млрд. сўмга қисқартиради ва истеъмол харажатлари 15 млрд. сўм камайишига олиб келади. Ўз навбатида, истеъмол харажатларининг 15 млрд. сўмга камайиши ЯММ ни 60 млрд. сўмга камайишига олиб келади. Аммо, давлат харажатларининг 20 млрд. сўмга ошиши ЯММ ни 80 млрд. сўмга оширади. Демак, мос равишда давлат харажатлари ва солиқларнинг 20 млрд. сўмга ошиши ЯММни 20 млрд. сўмга (80-60=20) оширади. Демак, бизнинг мисолимизда балансланган бюджет мультипликатори 1 га тенг.

## 9.3. Дискрет ва нодискрет фискаль сиёсат. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги

Хукуматнинг бандлик даражаси, ишлаб чиқариш ҳажми, инфляция суръатлари ва тўлов баланси ҳолатини ўзгартиришга йўналтирилган махсус қарорларни қабул қилиши натижасида давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғини мақсадли ўзгартирилиши дискрет фискал сиёсат дейилади. Дискрет фискаль сиёсат юритилганда иқтисодий пасайиш даврида жами талабни рағбатлантириш учун давлат харажатларини оширилиши ва солиқларни камайтирилиши натижасида давлат бюд-

жети камомади юзага келтирилади. Ўз навбатида даврий кўтарилиш пайтида бюджет ортиқчалиги юзага келтирилади.

Дискрет фискаль сиёсат иқтисодий тебранишларни юмшатишда муҳим роль ўйнасада, унинг айрим камчиликлари мавжуд. Бу, аввалам бор, вақт оралиқлари билан боғлиқ. Яъни иқтисодиётда пасайиш ёки инфляцион зўриқишнинг пайдо бўлиши, бу ҳолатларни аниқлаш юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун давлат харажатлари ва солиқ тушумларини ўзгартириш борасида қарор қабул қилиш, бу қарор бажарилишини таъминлаш жараёнларининг ҳар бири ўртасида маълум вақт ўтади.

Бу вақт давомида иқтисодий вазият ўзгаради ва кўрилган чора-тадбирлар кўтилган натижани бермаслиги мумкин. Шу туфайли даврий тебранишларни автоматик тарзда юмшатиб туриш механизмини яратиш зарурати юзага келади.

Нодискрет фискаль сиёсат – давлат харажатлари, солиқлар ва давлат бюджети қолдиғини автоматик ўзгартиришни кўзда тутади. Нодискрет фискаль сиёсат ўрнатилган барқарорлаштиргичларга асосланади. Ривожланган давлатларда ўрнатилган барқарорлаштиргичлари ролини прогрессив солиқ тизими, давлат трансфертлари тизими ва фойдада иштирок этиш тизими ўйнайди. Нодискрет фискаль сиёсат даврий тебранишларни юмшатиш учун ҳукуматнинг бевосита аралашувини талаб этмайди. Даврий пасайиш шароитида даромадлар пасайиши туфайли солиқ ставкалари пасаяди. Бу эса жами талабнинг ошишига, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга рағбатни юзага келишига олиб келади. Шунингдек пасайиш даврида давлат трансфертлари, жумладан ишсизлик нафақаси тўловлари миқдори ошади. Бу ҳолат ҳам жами талабни ошириб, жами таклиф ҳажмини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий юксалиш даврида ортиқча талаб иқтисодиётта инфляцион таъсир кўрсатаётган шароитда даромадлар даражаси ошиши билан солиқлар ставкалари пасаяди ва бу жами талабга чекловчи таъсир кўрсатади. Айни пайтда давлат харажатлари (ишсизларга нафақалар, давлат трансфертларининг бир қанча турлар) ҳам пасаяди. Аммо нодискрет фискаль сиёсат воситалари иқтисодий тебранишларни тўлиқ юмшатиш имконини ... мо-
майди ва у дискрет фискал сиёсат юритишни инкор эт... талаб эта-

Иқтисодиётнинг ўрнатилган барқарорлиги дав... Бу ислоҳотлар
рий бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги миқдор... ...ини камайтириш,
Даврий тақчиллик (ортиқчалик) иқтисодий ... ...роқ мулк эгалари ва
(ошиши) шароитида солиқ тушумларини ... ...сказиш орқали солиқлар
ши (ошиши) ва давлат харажатларини ... ...ди.
майиши) натижасида юзага келади...
лиги (ортиқчалиги)дир. ...майтириш усулларига муомала-




29-чизма. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги

Даврий пасайиш босқичида солиқлар автоматик пасайиши, давлат трансфертларининг ошиши натижасида бюджет тақчиллиги келиб чиқади.

Даврий юксалиш босқичида солиқлар автоматик кўпайиши ва давлат харажатларининг камайиши натижасида бюджет ортиқчалиги пайдо бўлади. Давлат харажатлари ўзгармас бўлган шароитда ҳам бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги мавжуд бўлиши мумкин. Даврий тақчиллик ва ортиқчалик миқдорлари солиқ ва бюджет функциялари графикларининг «тиклигига» боғлиқ. Солиқ функцияси T нинг эгилиш бурчаги миқдори чегаравий солиқ ставкасига t га боғлиқ. t қанча юқори бўлса, T чизиғи шунча тикроқ, γ қанча пастда бўлса, G чизиғи ҳам шунча тик бўлади. Бу эса иқтисодиётнинг ўрнатилган барқарорлиги даражасини оширади. Аммо иқтисодий ўсишнинг таъминлаш вазифаси T ва G чизиқларини ётиқроқ бўлишини тақозо этади.

Ўрнатилган барқарорлаштиргичлар мувозанатли ЯММ ҳажмини , унинг потенциал ҳажми даражаси атрофида тебраниши сабабини тўлиқ тугатмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай даражасида мавжуд бўлиши мумкин.

Тўлиқ бандликни таъминлаган дискрет фискаль сиёсат юритилиши натижасида давлат бюджетининг таркибий тақчиллиги (ортиқчалиги), яъни тўлиқ бандлик шароитида бюджет харажатлари (даромадлари) ва даромадлари (харажатлари) ўртасидаги фарқ юзага келади.

Даврий тақчиллик кўпинча давлат бюджетининг ҳақиқий тақчиллиги ва таркибий тақчиллик фарқи сифатида баҳоланади.

## 9.4. Бюджет ортиқчалигини чегириб олиш ва бюджет камомадини молиялаштириш усуллари

Давлат бюджети камомадини молиялаштириш усуллари:

1. Пул-кредит эмиссияси;
2. Давлат заёмларини чиқариш;
3. Давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириш.

Давлат бюджети камомади пул чиқариш орқали қопланганда муомалада пул массасини кўпайтириш инфляцияга олиб келади.

Инфляция даражаси ошганда Оливер-Танзи самараси пайдо бўлади. Яъни, солиқ тўловчилар томонидан давлатга тўлайдиган солиқлар тўловини атайин кечиктириш ҳоллари юзага келади. Бу эса давлат бюджети камомади ошишига олиб келади. Бюджет тақчиллиги туфайли давлат хусусий ишлаб чиқарувчилардан товарлар ва хизматлар сотиб олса-ю, лекин улар тўловларни кечиктирса, хусусий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари нархларини олдиндан ошириб қўйишади. Бу эса инфляциянинг ошишига олиб келади.

Агар давлат бюджети тақчиллиги давлат заёмларини чиқариш орқали молиялаштирилса, улар сотилиши натижасида пулга талаб ошади. Бу эса ўз навбатида фоиз ставкасини кўтарилишига олиб келиши мумкин. Оқибатда инвестиция харажатлари,-соф экспорт ҳажми ва қисман истеъмол харажатлари камаяди. Пировардида сиқиб чиқариш самараси рўй беради ва у фискал сиёсатнинг рағбатлантирувчи самарасини заифлаштириб қўяди.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг бу усули ноинфляцион усул ҳисоблансада инфляция хавфини маълум муддатга кечиктиради холос. Чунки муддати етган заёмларни сотиб олиш билан давлат муомаладаги пул массасини кўпайтиради. Бу эса ўз навбатида, баҳолар даражасининг кўтаришига сабаб бўлади. Солиқ тушумларини кўпайтириш бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг учинчи йўли бўлиб, у узоқ муддат талаб этадиган солиқ ислоҳати ўтказилишини талаб этади. Бу ислоҳотлар солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш, солиқ юкини ишлаб чиқарувчилардан кўпроқ мулк эгалари ва мулкдан фойдаланувчилар зиммасига ўтказиш орқали солиқлар тушумини кўпайтиришни кўзда тутади.

Бюджет ортиқчалигини камайтириш усулларига муомала-

даги пул маблағларини олиб қўйиш ва давлат қарзларини тўлаш киради.

Давлат қарзларини тўлаш номинал даромадлар ва муомаладаги пул массасини ошириб, баҳолар даражасининг янада ошишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли бюджетдаги ортиқча маблағларни музлатиб қўйиш бюджет камомадини пасайтиришнинг нисбатан ноинфляцион усулидир.

## Қисқача хулосалар

Фискал сиёсат мақсади иқтисодий ўсиш, баҳоларнинг барқарор даражаси, тўлиқ бандлик ва тўлов баланси барқарорлигини таъминлашдан иборат. Бу мақсадларга эришиш учун давлат харажатлари ва солиқлар билан манипуляция қилинади.

Фискал сиёсатлар чекловчи ва рағбатлантирувчи фискал сиёсатларга бўлинади. Рағбатлантирувчи фискал сиёсат иқтисодиётнинг пасайиш даврида олиб борилса, чекловчи фискал сиёсат иқтисодиётда керагидан ортиқча талаб туфайли инфляция пайдо бўлган шароитда олиб борилади.

Фискал сиёсат тадбирлари қисқа ва узоқ муддатли мультипликатор самараси таъсири остида бўлади.

Дискрет фискал сиёсатда турли босқичларда вақт бўйича унинг самарадорлигини пасайтиради. Шу туфайли прогрессив солиқ тизимига асосланган нодискрет фискал сиёсат ғояларидан ҳам фойдаланилади.

Иқтисодий пасайиш пайтида кўпинча бюджет тақчиллиги рўй беради ва уни молиялаштиришнинг мақбул йўли давлат қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва уларни сотиш ҳисобига қарз олишдир.

## Назорот ва муҳокама учун саволлар

1. Рағбатлантирувчи ва чекловчи фискал сиёсатнинг қисқа ва узоқ муддатдаги натижаларини тушунтириб беринг.

2. Балансланшган бюджет мультипликаторининг моҳияти нимада?

3. Давлат харажатларининг мультипликатори катталиги қайси кўрсаткичларга боғлиқ?

4. Дискрет фискал сиёсатининг камчиликларини тушунтириб беринг.

5. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги қандай пайдо бўлади, улар қай йўсинда тугатилади?

## Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.
2. Бункина М.К., Семянов В.А. Макроэкономика. – М.: 1995.
3. Гальпирин В.М., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. – С. Петербур: 1994.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ – 2000.
5. Костюк В.Н. Макроэкономика. – М.: 1998.
6. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.

# X боб

# ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ

## 10.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсадлари ва воситалари

Пул-кредит сиёсати деганда, тўлиқ бандлик шароитида ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади. Пул кредит сиёсати давлат томонидан белгиланади ва уни Марказий Банк амалга оширади.Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга тадбиқ этади.

Пул кредит сиёсатини амалга оширишнинг пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Бу мақсадларга эришиш учун миллий валютани муомиладаги пул массаси, фоиз ставкаси ва миллий валюта алмашинув курсининг оптимал катталикларини таъминлаб туриш зарур бўлади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Марказий Банк қатор вазифалардан фойдаланади.

Пул-кредит сиёсатининг учта асосий воситаси ажратиб кўрсатилади:

1. Ҳисоб ставкаси;
2. Мажбурий захиралар нормаси;
3. Очиқ бозордаги операциялар.

Марказий банк улар ёрдамида пул ёки асосан банк депозитлари кўринишидаги пул массасига ёки фоиз ставкасига таъсир ўтказади, таклифини ўзгартиради ва шулар орқали пул-кредит муомаласини тартибга солиб туради.

Очиқ бозордаги операциялар – Марказий банк томонидан давлат облигацияларини (қимматли қоғозларни) тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олиш ва уларга сотиш бўйича операциялардир. Марказий банк тижорат банкларидан ёки аҳолидан бу қимматли қоғозларни сотиб олар экан, тижорат банклари захираларини сотиб олинган облигациялар миқдори ҳажмида кўпайтиради. Бу захиралар пул базасига киради, яъни юқори қувватли пуллар бўлганлиги учун пул таклифи мултипликатив кўпаяди. Марказий банк тижорат банклари ва аҳолига облигицияларни сотиш билан захираларни ҳамда тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятини кенгайтиради. Бу ҳолда пул таклифи қисқаради.

Ҳозирда ҳамма мамлакатларда пул миқдорини тартибга со-

лишда очиқ бозордаги операцияларни, яъни давлат қимматли қоғозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу операцияларни Марказий банк асосан нуфузи катта банклар гуруҳи билан биргаликда амалга оширади.

Пул бозорида муомалада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд деб фараз қиламиз. Табиийки, Марказий банк ортиқча пул массасини камайтиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун, ўзида мавжуд бўлган ўзининг қимматли қоғозларини у очиқ бозордааҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид қила бошлайдилар. Давлат қимматли қоғозларини (сотиш ёки харид қилиш йўли билан) таклифи ошиб борган сари, унга бўлган баҳо пасаяди, ўз навбатида, унга бўлган фоиз (яъни, қимматли қоғозларни сотиб олганларга фоиз шаклида тўланадиган ҳақ) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади. Банклар ва аҳоли қимматли қоғозларни кўпроқ харид қила бошлайди, пировард натижада банкларнинг захиралари қисқаради, ўз навбатида, бу ҳол пул таклифининг банк мультипликаторига тенг нисбатда қисқаришига, шунингдек, банк захираси ва пул таклифининг ортишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳам пул кредит сиёсатини юритишда бу воситанинг ролини кескин оширишни мақсад қилиб олган.

Пул - кредит сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситалардан бири – бу, ҳисоб ставкаси сиёсатидир. Ҳисоб ставкаси ёки қайта молиялаш ставкаси деб Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган ссуданинг фоиз ставкаси тушунилади. Бу ссудаларни тижорат банклари айрим кўзда тутилмаган зарурат туғилганда ва молиявий аҳволи мустаҳкам бўлган ҳоллардагина оладилар. Ҳисоб ставкасининг пасайиши билан тижорат банкларида Марказий банкдан қўшимча захираларни олиш имкониятлари кенгаяди. Ўз навбатида, бу тижорат банкларининг захиралардан янги кредитлар бериш билан пул таклифини кўпайтиради. Яна шундай ҳоллар мавжудки, Марказий банк ҳисоб ставкасини кўтара бориб, тижорат банклари томонидан қўшимча захираларни олиш йўлидаги тўсиқларни бироз кўтаргандай бўлади ва кредитлар бериш бўйича уларнинг фаолиятини пасайтиради, шу йўл билан пул таклифини чеклайди. Агар ушбу ставка паст бўлса, унда тижорат банклари кўпроқ кредит олишга ҳаракат қиладилар. Натижада банкларнинг ортиқча захиралари ортиб боради ва муомаладаги пул массаси миқдорининг ошиб боришига олиб келади. Агарда ҳисоб ставкаси миқдори юқори бўлса, унда банклар камроқ кредит олишга, олганларини эса қайтариб беришга ҳаракат қиладилар, пировард натижада ортиқча банк захиралари қисқаради, муомаладаги пул миқдори камаяди.

Бу кўрсаткичлар даражаси турли мамлакатларда иқтисодий вазиятга қараб турлича мақсадда бўлади. Масалан иқтисодиётда турғунлик элиментлари кўрингач инвестицияларни қўллаш ва умуман иқтисодий фаолликни ошириш учун АҚШ Федерал захира тизими ҳисоб ставкасини бир фоизгача қисқартирди. Ўзбекистон Республикасида 2001 йилда бу ставка 36 фоизни, 2003 йилда эса 32 фоизни ташкил қилди.

Амалиётда, давлатлар ҳисоб ставкаси сиёсатини очиқ бозордаги операциялар сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришга ҳаракат қиладилар.

Пул-кредит сиёсатини юритиш воситаларидан яна бири — бу, мажбурий банк захира меъёрини ўзгартириш сиёсатидир. Мажбурий захиралар — бу, кредит мақсадлари учун ишлатилмайдиган банк омонатларининг бир қисмидир. Улар мижозлар томонидан ўз омонатларини талаб қилиб олганда зарур бўлади. Захира нормаси икки асосий функцияни бажаради: банк ликвидлигини жорий тартибга солиш учун шароит яратади ва кредит эмиссиясини чеклайди. Марказий банк тижорат банклари Марказий банкда ушлаб туришга мажбур бўлган захираларнинг энг қуйи нормасини ўрнатади ва шу восита ёрдамида улар кредитлаш қобилиятига, имкониятига таъсир этади. Бу меъёр қанчалик юқори бўлса, ортиқча захиралар шунчалик кам ва тижорат банкларининг кредит бериш йўли билан «пулларни барпо этиш» қобилияти паст бўлади. Илк мажбурий захира нормалари АҚШ да 1865 йилда жорий қилинган эди. Агар Марказий банк мажбурий банк захирасини камайтирса, ортиқча банк захиралари ортади, бу эса пул таклифининг мультипликацион ортишига олиб келади. Масалан, ушбу меъёр 25 % бўлса, унда банкка қўйилган 800 сўмдан 200 сўм мажбурий банк меъёрини ташкил этади. Бунда банк фақат 600 сўмни қарзга бериши мумкин бўлади. Энди фараз қилайлик, меъёр 10 % га туширилади, унда банк 720 сўмни қарзга бериш имкониятига эга бўлади ва бошланғич пул таклифини 720 сўмга оширади.

Мажбурий банк захираси меъёрини кўтариш ёрдамида давлат пул таклифини камайтиради. Зеро, бу банкларнинг ортиқча банк захиралари қисқаришига олиб келади. Пул-кредит сиёсатини ўтказишда бу восита бутун банк тизимининг асосларига таъсир этади. Турли мамлакатларда қўлланилаётган мажбурий захира нормалари турличадир. Юқори инфляция даражаси шаро-

итида Жанубий Кореяда бу норма -100 фоиз бўлган бўлса, Италияда -25 фоизни, Японияда бор йўғи -2.5 фоизни ташкил этади.

У кўпчилик мамлакатларда ўта зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади. Масалан Буюк Британияда бу кўрсаткич мажбуриятларга нисбатан бор йўғи 45 фоиз холос. Ўзбекистон Республикасида мажбурий резерв нормаси 20 фоиз этиб тайинланган.

Пул кредит сиёсати воситалари албатта алоҳида-алоҳида ишлатилиши шарт эмас. Аксинча кўпинча бир неча восита бирданига қўлланилиши, яъни комплекс сиёсат ўтказиш амалиётда тез-тез учраб туради.

Хўш, пул-кредит сиёсатининг оқибатлари қандай? Давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати ЯММ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Фараз қиламизки, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқармоқда ва ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бундай шароитда давлат Марказий банк орқали пул таклифини биз юқорида кўриб чиққан воситалар ёрдамида оширишга ҳаракат қилади. Натижада пул таклифи ўсади, фоиз ставкаси эса камаяди. Бу эса инвестицияларга бўлган талабни оширади ва ўз навбатида, ЯММ миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу билан давлат маълум даврда ўз мақсадига эришади, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтайди, ишсизлар сони камаяди, жамиятнинг даромадлари эса ошади.

Пул-кредит сиёсатининг оқибати тўғрисида гапирганда, бу сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини фарқлаш керак. Агарда қисқа муддатли даврда давлат пул таклифини оширган ва бунинг натижасида ЯММ миқдори ўсишини рағбатлантирган ҳамда маълум даражада самарадорликка эришган бўлса, узоқ муддатли даврда эса бу чораларнинг самарадорлиги пасайиши мумкин.

## 10.2. Давлат ўзининг пул-кредит сиёсатида нималарга асосланади

Пул-кредит сиёсати асосида иқтисодиётга пул-кредит сиёсатининг таъсир этиши жараёнларини ўрганувчи пул назарияси ётади. Ушбу назарияга икки хил ёндашувчи иқтисодчилар ўртасида кўп йиллардан бери тортишувлар бўлиб келмоқда. Буларга неокейнсчилар назарияси ва замонавий пул миқдори назарияси тарафдорларини киритамиз. Ҳар икки назария тарафдорлари ҳам

пул таклифининг номинал ЯММ га таъсирини инкор этмайдилар, аммо бу таъсирнинг аҳамиятига ҳар хил баҳо берадилар. Кейнсчилар фикрича, монетар сиёсат юритишда фоиз ставкаси даражасига асосланиши, монетаристлар фикрича эса, пул таклифининг даражасига асосланиши лозим. Кейнсчилар бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат аралашуви шарт деб ҳисоблашади, монетаристлар эса уни ортиқча деб ҳисоблайдилар.

Кейнсчилар пул таклифининг ЯММга таъсирини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошади деб ҳисоблашади: пул таклифининг ўзгариши фоиз ставкасининг ўзгаришига олиб келади, у эса ўз навбатида, инвестицияларга бўлган талабнинг ўзгариши орқали ишлаб чиқариш ҳажмига, яъни ЯММга таъсир этади. Монетаристлар эса пул миқдорининг ўзгариши билан ЯММ ўзгариши ўртасида яқинроқ алоқа мавжуд; яъни, пул миқдорининг ўзгариши бевосита ЯММ ўзгаришига олиб келади деб ҳисоблашади.

Буни улар пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси билан изоҳлайдилар:

$$M \times V = P \times Y$$

Агар **P x Y = номинал ЯММ** бўлса, унда тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин бўлади:

$$M = ЯММ / V;$$

Бу ерда: M - *пул таклифи*;

V - пулнинг айланиш тезлиги ёки айланишлар сони;

P - товар ва хизматларнинг ўртача баҳоси;

Y – реал ЯММ.

Бунда монетаристлар пулнинг айланиш тезлигини барқарор деб ҳисоблайдилар, кейнсчилар эса, аксинча, нобарқарор дейдилар.

Ҳозирда мавжуд бўлган монетаристик сиёсатнинг моделлари бу икки ёндашувни синтез қилган, яъни, бу ёндашувларнинг ижобий жиҳатларини қўшиб, ўзида акс эттиради. Пул кредит сиёсатининг узоқ муддатли мақсадларига эришиш учун монетаристик ёндашув кўпроқ ишлатилади. Шу билан бирга қисқа муддатли даврларда эса давлат фоиз ставкасига таъсир этиш усулидан воз кечмайди.

Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифи ўзгариши борасидаги сиёсатини монетар сиёсат деб юритилади. Бу сиёсат монетаризм назариясига асосланади. Унинг бош ғояси иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул, деган хулосадан иборат. Пулга бўлган талаб ва таклифни олдинги параграфда кўрсатилганидек қуйидаги боғланишга асосланиб ўзгартириб турилиши тавсия этилади.

$$M \times V = P \times Y$$

Бу тенглик бозор иқтисодиётидаги энг муҳим мувозанат бўлиб, унга асосланиб, қуйидаги боғланишларни аниқлаш мумкин:

Бозордаги баҳо пул массаси билан бозорга чиқарилган товар ва хизматлар қийматига боғлиқ.

$$P^{*} = \frac{M \cdot V}{P \cdot Y}$$

Яъни, пул массаси бозорга чиқарилган товар ва хизматларнинг бозордаги баҳосини белгилайди. Агар;

1. Р* > 1 бўлса, пул талабга нисбатан кўп бўлади;
2. Р* < 1 бўлса, пул талабга нисбатан кам бўлади;
3. Р=1 бўлса, пул массаси билан товар ва хизматлар массаси тенглашади, яъни, бозор мувозанатлашади.

Биринчи ҳолда нарх ошган бўлади ва пул қадри пасаяди, иккинчи ҳолда эса аксинча, пул массаси камайган бўлади ва тўлов инқирози юзага келади.

Муомалада бўлиши зарур бўлган пул массаси товар ва хизматлар массаси билан пул ҳаракати - пул айланиш тизимига боғлиқ;

$$M = P \times Q / V;$$

Муомала учун зарур бўлган пул массасини давлат муомалага чиқаради ва у мамлакат давлат доирасида ҳаракат қилади. Муомалада товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши инфляцияни билдиради. Пул қадрсизланганда муомаладаги пул кўпайиб, унга нисбатан товар ва хизматлар камайиб кетади. Пул бирлигининг харид кучи унга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдоридан камаяди, натижада уларнинг баҳоси ўсади. Бу эса ўз навбатида пулнинг валюта курсини пасайтиради, чунки, унга нисбатан бошқа валютага кўпроқ товар сотиб олиш мумкин бўлади.

Давлат ўз харажатларини қоплаш учун пул эмиссиясини амалга ошириб, уни кўпайтириб, муомалага киритиши мумкин. Лекин уни товар ва хизматлар массаси билан таъминлай олмаса пулнинг қадрсизланиши кучайиб боради. Демак, қоғоз пуллар олтинга, чет эл валютасига нисбатан қадрсизланади. Бинобарин, пул миқдори асосан ишлаб чиқариш ҳолатига, нархга, пул айланиши тизимига боғлиқ бўлиб, унга нисбатан давлат жиддий ёндашади. Иқтисодиётни тартибга солиш учун давлат муомаладаги пул миқдорини ўзгартириб, уни нормал ҳолга келтириб туради.

Марказий Банк бир вақтнинг ўзида ҳам пул массасини, ҳам фоиз ставкасини ўзгартирмасдан ушлаб тураолмайди. Пулга талаб ўсган ҳолатларда мақсад фоиз ставкасининг барқарорлигини таъминлаш бўлса Марказий Банк пул таклифини оширишга мажбур бўлади. Бу тадбир юмшоқ пул кредит сиёсати деб юритилади.

Пул массасининг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик учун пул таклифини чеклаш сиёсатини қўллаш фоиз ставкасининг кўтарилишига олиб келади ва бу сиёсат қаттиқ пул кредит сиёсати деб юритилади.

Агар пулга талаб инфляция тасирида кўпайса қаттиқ пул кредит сиёсатини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мабода пулга талаб ишлаб чиқариш ва даромадларнинг ўсиши оқибатида ошса юмшоқ пул кредит сиёсатини қўллаш ўринлидир.

## 10.3. Пул-кредит ва фискал сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги

Пул кредит сиёсатиниг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири биринчи параграфда таъкидланганидек пул таклифи ўзгаришининг фоиз ставкаси даражасига, фоиз ставкаси ўзгаришининг эса инвестиция харажатлари ҳажмига (бу билан ялпи харажатлар ҳажмига ҳам) ва ялпи харажатлар ўзгаришининг ишлаб чиқариш яъни ялпи таклиф ҳажмига таъсири кўринишида босқичма - босқич рўй беради. Фоиз ставкасининг пул таклифи ўзгаришига тасирчанлиги, ёки инвестиция харажатларининг фоиз ставкаси ўзгаришига тасирчанлиги паст бўлиши пул кредит сиёсатини амалга оширишда муаммоларни келтириб чиқаради.

Пул-кредит сиёсати фискал ва савдо сиёсатлари билан чамбарчас боғлиқ. Агарда Марказий банк қайд қилинган валюта курсини сақлаб туришни мақсад қилиб қўйса мустақил (ички)

пул сиёсатини олиб бориш мумкин бўлмай қолади. Чунки алмашинув курсини таъминлаб туриш учун валюта захираларини кўпайтириб ёки камайтириб туриш иқтисодиётда пул ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади. Пул-кредит ва фискал сиёсатларни уйғунлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам мавжуд. Агарда ҳукумат иқтисодиётни давлат харажатларини ошириш орқали қўллаб-қувватлашни амалга оширмоқчи бўлса, унинг муваффақиятли амалга ошиши кўпроқ пул-кредит сиёсатининг характерига боғлиқ. Чунки, бу мўлжалланаётган харажатлар қимматли қоғозлар (яъни, облигациялар)ни чиқариш эвазига амалга ошса, пулга бўлган талаб ошади ва натижада эса фоиз ставкалари кўтарилади. Бу эса инвестиция харажатларининг камайишига олиб келади. Ёки Марказий банк ҳукуматнинг юқоридаги сиёсатини қўллаб-қувватлаш учун пул таклифини маълум миқдорда кўпайтирса, пул қадрсизланиши мумкин.

Умуман, барқарор пул-кредит сиёсати ҳукумат томонидан олиб бориладиган фискал сиёсатга ҳамма вақт ҳам мос келавермайди.

## Қисқача хулосалар

Пул-кредит сиёсати асосан ишлаб чиқаришда инфляцияни ва ишсизликни камайтириш мақсадида муомаладаги пуллар миқдорини ўзгартиришга қаратилган. Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда фоиз ставкаси, мажбурий банк захиралари ва очиқ бозордаги операциялар каби воситалардан фойдаланилади.

Давлат томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсати асосан монетар сиёсат бўлиб, унинг бош ғояси — иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул, деган хулосадан иборат.

Молия бозоридаги опреациялар молия муассасалари воситасида амалга оширилади. Буларга турли хил банклар, биржалар, депозитарийлар, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари ва агентликлар киради. Уларнинг орасида энг асосийси банклар ҳисобланади. Банк — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир. Республикада Марказий банк, акциядорлик-тижорат банклари, хусусий банклар ва қўшма банклар фаолият кўрсатади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлат томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсатларининг асосий мақсадлари ва вазифалари нималардан иборат?

2. Пул-кредит сиёсатининг асосий инструментлари ва улардан фойдаланиш механизмини изоҳланг.

3. Арзон пул ва қиммат пуллар сиёсатлари нималардан иборат?

4. Реал ишлаб чиқариш ҳажми ва турли иқтисодий даврлардаги нархлар динамикасига пул-кредит сиёсати қандай таъсир кўрсатади?

5. Банк томонидан бериладиган (қайтарилган) ссудалар шароитида пул массасининг кўпайиш (камайиш) механизмини изоҳланг.

### Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.

2. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальный подход. – М.: 1996.

3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ, 2000.

4. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономическая теория и переходная экономика. – М.: 1996.

5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.

6. Ҳакимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма). – Т.: «Меҳнат», 1997.

# XI боб

# IS-LM МОДЕЛИ

## 11.1. IS - LM моделининг моҳияти ва тенгламалари

Товар ва пул бозорида умумий мувозанатга эришиш шартлари ва макроиқтисодий сиёсат тадбирларининг бу икки бозорга таъсирини умумлаштириб тадқиқ қилиш IS - LM модели ёрдамида бажарилади.

IS - LM модели қисқа муддатли даврга ҳам товарлар ҳам пул бозорида биргаликда мувозанат ўрнатилиши механизмини характерлайди. Бунда товарлар бозори деганда ҳам истеъмол ҳам инвестицион товарлар бозори тушунилади. Гарчанд истеъмол ва инвестицион товарларга талаб турли омиллар билан белгилансада IS - LM моделида улар бир бутун деб қаралади. Пул бозори деганда хазина векселлари ва тижорат қоғозлари кўринишидаги қисқа муддатли кредит воситаларини олди сотди механизми тушунилади. Бу бозорни облигациялар бозоридан фарқлаш зарур. Пулнинг облигацияларда ифодаланган нисбий баҳоси облигациялар бўйича фоиз ставкасидир.

АД-AS моделида товар ва пул бозорларининг алоқаси эътиборга олинган эди. Яъни товарлар ва хизматлар баҳоларининг кўтарилиши пулга бўлган талабни ошириши бу эса ўз навбатида фоиз ставкасининг кўтарилишига олиб келиши, оқибатда инвестиция харажатлари ва умуман ялпи харажатлар камайиши АД-AS моделида кўзда тутилган эди. IS-LM модели АД-AS моделини қисқа муддатли даврга аниқлаштиради ва бу моделда ҳар иккала бозор ягона макроиқтисодий тизимнинг секторлари сифатида намоён бўлади.

Модель бу секторларда таркиб топган шароитларга боғлиқ тарзда фоиз ставкаси R билан даромад даражаси Y нинг мувозанатли даражасини белгилайди. Модель биринчи бор 1937 йил Ж.Хикс томонидан Кейнснинг макроиқтисодий концепсияси моҳиятини изоҳлаш мақсадида таклиф қилинган бўлиб, “Хикс Хочи” деб ҳам юритилади.

IS-LM (инвестиция - жамғармалар, ликвидлиликнинг афзаллиги - пул) модели фоиз ставкаси R билан даромадлар Y нинг бир вақтнинг ўзида ҳар иккала бозорда мувозанатни таъминлайдиган комбинацияларини топиш имконини беради.

Моделнинг асосий тенгламалари қуйидагилар:

1. Y=C+I+G+Xn — асосий макроиқтисодий айният.

2. C= a+b (Y-T) — истеъмол функцияси,бу ерда T = Ta + tY.
3. I= e-dR — инвестиция функцияси.
4. Xn= d- m'Y - nR — соф инвестиция функцияси.
5. M/P=kY - hR — пулга талаб функцияси.

IS-LM моделида кўрилган барча тенгламалар бажарилса мувозанатга эришилади.

Моделнинг эндоген ўзгарувчилари Y,C,I,Xn ва фоиз ставкаси R.

Моделнинг экзоген ўзгарувчилари G, Ms ва чегаравий солиқ ставкаси t.

a,b,c,d,m`,n,k ва h эмпирик коэффициентлар бўлиб мусбат ва нисбатан барқарордир.

Y ҳақиқий < Y потенциал бўлган қисқа муддатли даврга мувозанат кўриб чиқилаётганда, моделда, баҳолар даражаси ўзгармас, фоиз ставкаси R ва даромад Y ўзгарувчан деб олинади.

Y ҳақиқий = Y потенциал бўлган, яъни тўлиқ бандлик шароитида баҳолар даражаси P ўзгарувчан, Ms номинал катталик ва бошқа барча ўзгарувчилар реал катталиклардир.

## 11.2. IS - эгри чизиғи ва унинг тенгламаси

IS-эгри чизиғи товарлар хизматлар бозорида фоиз ставкаси R ва даромадлар даражаси Y нинг комбинацияларини характерловчи, бир вақтнинг ўзида асосий макроиқтисодий айният, истеъмол, инвестиция ва соф экспорт функциялари қондириладиган нуқталарни характерлайди. Бу эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасида инвестициялар ва жамғармалар ўзаро тенг бўлади.

IS-эгри чизиғини Кейнс хочи ва инвестиция функцияси графиги ёрдамида келтириб чиқарамиз. (30-31-32-чизмалар.)

Фоиз ставкасининг $R_1$ дан $R_2$га қадар кўтарилиши инвестициялар миқдорини $I_1$ дан $I_2$ га қадар камайишига олиб келади. Бу ҳақиқий харажатлар эгри чизиғини $E_1$ дан $E_2$ га қадар пастга томон $\Delta E = \Delta I$ га тенг миқдорда сурилишига олиб келади. Оқибатда даромадлар миқдори $Y_1$ дан $Y_2$ қадар

$\Delta Y = \Delta E \times m$ миқдорга пасаяди, бу ерда $\left(m = \frac{1}{1-b(1-t)+m'}\right)$.

Демак товарлар ва хизматлар бозорида даромадлар даражаси ва фоиз ставкаси динамикаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд.

IS-эгри чизиғини, шунингдек, жамғариш, инвестиция функциялари ёрдамида келтириб чиқариш мумкин.




30-чизма. Кейнс хочи







31-чизма. Инвестиция функцияси графиги

32-чизма. IS-эгри чизиғи

Даромадларнинг $Y_1$ дан $Y_2$ га қадар ўсиши жамғармаларни $S_1$ дан $S_2$ га қадар ўсишига олиб келади. Натижада инвестициялар $I_1$ дан $I_2$ қадар $\Delta I = \Delta S$ миқдорга кўпаяди. Бу эса фоиз ставкасини $R_1$ дан $R_2$ га қадар пасайишига олиб келади.

R ўзгармаган ҳолда IS эгри чизиғининг ўнгга ёки чапга силжиши қуйидаги омиллар таъсирида рўй беради:

- истеъмол харажатлари даражаси;
- давлат хариди даражаси;
- соф солиқлар (солиқлар - субсидиялар - трансфертлар);
- инвестициялар ҳажмининг (R нинг мавжуд ставкасида) ўзгариши.

IS тенгламасини истеъмол, инвестиция ва соф экспорт функциялари тенгламаларини асосий макроиқтисодий айниятга қўйиб, уни R ва Y га нисбатан ечиб топилади.




33-чизма. Жамғариш функцияси графиги




34-чизма. Инвестиция функцияси графиги




35-чизма. IS-эгри чизиғи

R га нисбатан топилган IS тенгламаси:

$$R = \frac{a+e+g}{d+n} - \frac{1-b\,(1-t)+m'}{d+n}\,Y + \frac{1}{d+n}\,G - \frac{b}{d+n}\,Ta\,,$$ бу ерда

$$T = Ta + t \times Y$$

Y га нисбатан топилган IS тенгламаси:

$$Y = \frac{a+e+g}{1-b\,(1-t)+m'} - \frac{1}{1-b\,(1-t)+m'}\,G - \frac{b}{1-b\,(1-t)+m'}\,Ta - \frac{d+n}{1-b\,(1-t)+m'}\,R\,,$$

бу ерда $T = Ta + t \times Y$

$(1-b(1-t) + m')/(d+n)$ IS эгри чизиғининг Y ўқига нисбатан оғиш бурчагини кўрсатади ва фискал ҳамда пул кредит сиёсати самарадорлигининг нисбий параметрларидан бири ҳисобланади

## 11.3. LM - эгри чизиғи ва унинг тенгламаси

LM эгри чизиғи ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттиради.

LM эгри чизиғининг ҳар бир нуқтасида пулга талаб $M_Д$ пул таклифи Ms га тенг бўлади (hiquidity Preferense = Money Supply). Пул бозорида бундай мувозанатга даромад Y нинг ошиши билан фоиз ставкаси R кўтарилсагина эришилади.

Маълумки, пулга талаб миқдорига фоиз ставкасидан ташқари даромадлар даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Даромадлар юқори бўлса, харажатлар ҳам кўп бўлади. Бу эса, ўз навбатида истеъмол ва бошқа харажатлар учун пулга талабни ошишига олиб келади. Шундай қилиб, даромадлар даражасининг юқорироқ бўлиши пул талабини оширади. Бошқача айтганимизда, даромад ва пулга талаб динамикаси ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд.

Пулга талаб функциясини қуйидагича ёзамиз:

$$M/P = f(R;У)$$

Пул бозори ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар ўртасидаги бундай ўзаро муносабатларни 36-чизмада тасвирлаймиз.

36,а-чизмадан кўриниб турибдики, пулга бўлган талаб, фоиз ставкаси пасайиши билан, шунингдек, даромадлар кўпайиши натижасида ҳам ошади. Даромадларнинг ошиши натижасида пулга талаб эгри чизиғи $M_{Д1}$ юқори сурилиб, $M_{Д2}$ ҳолатини эгаллайди ва унда пул бозоридаги мувозанат нуқтаси, $r_1$ ҳолатидан $r_2$ ҳолатига ўтади.

Шундай қилиб, юқорироқ даромад юқорироқ фоиз ставкасига олиб келади ва буни LM эгри чизиғи акс эттиради. У пул бозорида фоиз ставкаси ва даромад ўртасидаги муносабатларни кўргазмали тарзда ифодалайди. Даромад даражаси қанча баланд бўлса, пулга бўлган талаб шунча юқори ва шунга мувофиқ мувозанатли фоиз ставкаси ҳам шунча юқори бўлади.

LM эгри чизиғи ўзига хос конфигурацияга эга: горизантал қисм ва вертикал қисм. LM эгри чизиғининг горизантал қисми фоиз ставкаси R нинг минимал даражасидан пасая олмаслигини

англатса, вертикал қисм фоиз ставкаси R нинг максимал даражаси чегарасидан ташқарида ҳеч ким ўз маблағларининг ликвид (пул) шаклида ушлаб турмаслигини ва уларни қимматбаҳо қоғозларга айлантиришини англатади.




36а-чизма. Пул бозоридаги мувозанат графиги




36б-чизма. LM эгри чизиғи графиги

Баҳоларнинг ўзгариши ҳамда пул таклифи ҳажмидаги ўзгаришлар LM эгри чизиғини (фоиз ставкаси R ўзгармас бўлган ҳолда) *силжишига олиб келади.*

LM эгри чизиғи тенгламаси пулга талаб функциясини R ва Y га нисбатан ечиб топилади.

R га нисбатан LM эгри чизиғи тенгламаси қуйидагича:

$$R = (k/h)Y - (1/h)(M/P).$$

Y га нисбатан LM эгри чизиғи тенгламаси қуйидагича:

$$Y = (1/k)(M/P) + (h/k)R.$$

k/h коэфиценти LM эгри чизиғининг Y ўқига нисбатан оғиш бурчагини характерлайди ҳамда фискал ва пул кредит сиёсатининг нисбий самарадорлиги баҳолайди.

## 11.4. IS-LM моделида макроиқтисодий мувозанат

IS-LM эгри чизиқлари кесишадиган нуқта IS-LM моделидаги иқтисодий мувозанат ҳолатини кўрсатади.

Бу нуқта ўзида шундай фоиз ставкаси «R» ни ва даромад даражаси «Y» ни аниқлайдики, бунда товарлар ва хизматлар бозорида талаб ва таклиф ҳамда реал пул маблағларига бўлган талаб ва уларнинг таклифи ўзаро тенг бўлади. (37-чизма.)




37-чизма. IS – LM моделидаги иқтисодий мувозанат

Бу ерда R* —мувозанатли фоиз ставкаси;

Y* — мувозанатли даромад ҳажми.

IS ва LM эгри чизиқларининг ўзаро кесишиши пул таклифи инвестициялар ва жамғармаларни ўзаро тенглаштирувчи фоиз ставкаси шаклланиши учун етарли эканлигини англатади.

IS-LM моделида ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми IS эгри чизиғининг R га нисбатан ҳисобланган тенгламасидаги катталикларни LM эгри чизиғи тенгламасига қўйиб, шу тенгламани Y га нисбатан ечиб топилади.

$$Y = [h((a+e+g+G-bTa) / (k(d+n) + h(1-b(1-t)+m`)]+[(d+n) / (k(d+n) + h(1-b(1-t)+m`)] \times (M/P)$$

бу ерда $T = Ta + t \times Y$.

Баҳолар даражаси P ўзгармас бўлган ҳолда Y нинг мувозанатли даражаси ягона бўлади. R нинг мувозанатли даражаси Y нинг мувозанатли даражасини IS ёки LM тенгламасига қўйиб уни R га нисбатан ечиб топилади.

IS эгри чизиғи режалаштирилган харажатларга боғлиқ бўлганлиги учун унинг ўзгариши фискал сиёсатидаги ўзгаришларни характерлайди. LM пул таклифига боғлиқ бўлганлиги учун ундаги ўзгариш монетар сиёсат тадбирлари натижасини кўрсатади.

Бундан хулоса шуки IS-LM модели фискал ва монетар сиёсатнинг иқтисодиётга биргаликда кўрсатадиган таъсирини баҳолаш имконини беради. Давлат харажатларининг ўсиши ёки солиқларнинг камайиши IS эгри чизиғини ўнгга силжитади. Давлат харажатларининг камайиши ва солиқларнинг ошиши эса бу эгри чизиқни чапга силжитади. Худди шунингдек пул таклифининг ошиши LM эгри чизиғини ўнгга, камайиши эса чапга силжитади. IS-LM модели маълум макроиқтисодий натижаларга эришишнинг турли вариантларни кўриб чиқиш имкониятини беради.

## Қисқача хулосалар

IS-LM модели товар пул бозорларидаги биргаликда мувозанатни ўрнатиш механизмини изоҳловчи моделдир. У AD-AS модедининг хусусий усулидир.

IS эгри чизиғи товар ва хизматлар бозорида пайдо бўладиган даромадлар даражаси ва фоиз ставкасининг комбинацияларини кўрсатади. IS эгри чизиғининг ҳар бир нуқтасида товар пул бозорида мувозанат таркиб топади.

LM эгри чизиғи ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражасининг комбинацияларини кўрсатади. LM эгри чизиғининг ҳар бир нуқтасида пул бозорида талаб ва таклиф ўзаро тенг бўлади.

IS ва LM эгри чизиқларининг кесишув нуқтаси ҳар икки бозор учун мувозанат нуқтадир. Бу нуқтада асосий макроиқтисодий айният истеъмол, инвестиция, соф экспорт ва пулга талаб функциялари тенглигини тўлиқ қаноатлантиради.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. IS-LM ва AD-AS модели ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг.

2. Миллий даражадаги ёки макроиқтисодий мувозанат нимани билдиради?

3. IS эгри чизиғининг асосий ўзгарувчилари қандай? У қандай келтириб чиқарилади?

4. LM эгри чизиғининг асосий ўзгарувчилари нималардан иборат ва у қандай келтириб чиқарилади?

5. IS эгри чизиғи тенгламасидаги қайси параметр фискал ва пул кредит сиёсатининг нисбий самарадорлигини белгилайди ва нима сабабли?

## Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.

2. Бурдо М., Виплош Ч. Макроэкономика (Европейский текст). – С. Петербург: Судоистроение. 1998.

3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ – 2000.

4. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономическая теория и переходная экономика. – М.: 1996.

5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.

6. Ҳакимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма). – Т.: «Меҳнат», 1997.

# XII боб

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

## 12.1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси. Иқтисодий ўсиш ўлчови: потенциал ва ҳақиқий даромад динамикаси

Иқтисодий ўсиш – бу, объектив қонуният бўлиб, аҳолининг ўсиши, ФТТ, ишлаб чиқариш ҳажмининг маълум бир вақт давомида ўсиши каби жараёнлар билан боғланган. Иқтисодий ўсиш жами таклифнинг ўсишини ёки бошқача айтганимизда, потенциал ЯММ ҳажмининг ошишини билдиради. Шундай қилиб, иқтисодий ўсиш нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсишини, балки иқтисодиёт потенциалининг ўсишини ҳам билдиради.

Иқтисодий ўсишда нафақат мамлакат реал даромадларининг ўсиши, шунингдек, жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг ўсиши ҳам тушинилади.

Иқтисодий ўсиш икки хил усул билан аниқланади ва ўлчанади.

Биринчи усул, ЯММ (ЯИМ, СММ)ни ўтган даврга нисбатан ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакатнинг умумиқтисодий имкониятлари ҳаракатини аниқлаш учун ишлатилади.

Иккинчи усул, реал ЯММ (ЯММ, СММ)нинг ўтган даврга нисбатан аҳоли жон бошига ўзгариши сифатида аниқланади.

Иқтисодий ўсишни аниқлаш ва асослаб бериш жараёнларида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1) Иқтисодий ўсишни ўлчаш;
2) Ўсиш омиллари;
3) Иқтисодий ўсиш моделлари.

Миллий иқтисодиёт ўсишини ўлчашда жами даромадларнинг (маҳсулотларнинг) ҳар хил индикаторларидан фойдаланиш мумкин. Умумий ўсиш даражаси аслида ЯИМ миқдори билан белгиланади. Шунингдек, бу кўрсаткичлар миқдори ва бажараётган вазифасига қараб ЯММ ёки МД ҳам бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичларнинг барчаси бир-бирига жуда ҳам яқин. ЯММ ҳам ЯИМ каби ушбу мамлакат аҳолиси олаётган даромадлар миқдорини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ундан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар динамикаси ва даражасини аниқлаётганда фойдаланиш мумкин. Иқтисодий ўсиш назарияси ва моделларида умумий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг фарқи унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Чунки, уларнинг фарқи иқтисодий ўсиш чегараси ва омиллари ўсиш даражасини таҳлил қилишда ҳал қилувчи жараён ҳисобланмайди.

Иқтисодий ўсиш назариясида даромадлар истеъмол ва инвестицияларга бўлинади.

$$Y = C + I$$

Давлат харажатлари ва соф экспорт кўрсаткичлари ҳам истеъмол ва инвестициялар таркибига киритиб юборилади. Мутлақ миқдордаги кўрсаткичлар динамикаси $Y_t$ (t-вақт индекси) ва жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар биргаликда ўсиш жараёнини билдиради. Истеъмол ҳажми $C_t$ иқтисодиётнинг провард мақсадини ва яшаш даражаси ошишини билдирса, инвестициялар эса $I_t$ ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашишини англатади. Истеъмол ва инвестиция ўртасида етарлича муқобиллик мавжуд, чунки, жорий истеъмол миқдорининг ошиши инвестицияларнинг даромаддаги улушини пасайтириш иқтисодий ўсиш имкониятларини қисқартиради.

Ўсишнинг барча имкониятларига реал миқдорларга таянилиб, яъни, доимий нархларда қаралади. Аксинча, номинал кўрсаткичда уларнинг динамикаси нафақат реал ўсиш даражасини, балки инфляцияни ҳам ўз ичига олган бўлар эди.

Ҳар бир кўрсаткич бўйича уч хил миқдордаги динамикани таҳлил қилиш мумкин:

1. Абсолют кўрсаткич: масалан, реал ишлаб чиқариш Yt;
2. Абсолют қўшимча ўсиш: масалан, ишлаб чиқаришнинг ошиши.

$$Y_t = Y_t - Y_t - 1$$

3. Қўшимча ўсиш суръати:

$$\text{Қ.ўс.сур} = \frac{Y_t}{Y_t - Y_{t-1}} \cdot 100$$

Иқтисодий ўсиш суръатлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

а) базис ўсиш суръати $= \frac{Yt}{Yo} \cdot 100$;

б) занжирли ўсиш суръати $= \frac{Y_t}{Y_{t-1}} \cdot 100$;

Қўшимча ўсиш суръатлари эса:

а) базисли қўшимча ўсиш суръати $= \frac{Y_t - Y_0}{Y_0} \cdot 100$;

б) занжирли қўшимча ўсиш суръати $= \frac{Y_t - Y_{t-1}}{Y_{t-1}} \cdot 100$.

Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат обрўсининг ошишига олиб келади.

Иқтисодий ўсиш усулларидан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Масалан, мамлакат ҳарбий салоҳиятини аниқлаш ва ривожлантириш муаммоси қаралаётганда ЯММ ҳажмининг ўсиши, мамлакат аҳолисининг турмуш фаолияти таққосланаётганда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган ЯММ Швейцарияда ишлаб чиқарилган ЯММ дан 70 % га кўп, аммо аҳоли турмуш даражаси бўйича Ҳиндистон Швейцариядан 60 мартагача орқада қолиб келмоқда.

## 12.2. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар

Иқтисодий ўсиш, авволо, фойдаланилаётган ресурсларнинг сони ва сифатига, шунингдек, фойдаланилаётган технологияларга боғлиқ. Агарда, қаралаётган омиллар ва иқтисодий ўсиш таркибий қисмлари яхлитлаштирилган бўлса, иқтисодий ўсишни экстенсив ва интенсив ўсишга бўлиш мумкин. Яъни, фойдаланаётган ресурслар миқдори ўзгармай қолган ҳолда ишлаб чиқариш ўсса, тўлиқ интенсив омиллар ҳисобига амалга ошган ҳисобланади.

Умуман олганимизда иқтисодий ўсиш бир нечта омилларга боғлиқ. Булар:

- табиий ресурслар сони ва сифати;
- меҳнат ресурслари сони ва сифати;
- асосий капитал ҳажми;
- технологиялар.

Ушбу омилларнинг барчаси ишлаб чиқришга бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса иқтисодий ўсиш истиқболларини белгилашда ишлаб чиқариш функцияларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Яъни, иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг қўшимча ўсиш суръатлари ($\Delta K/K$ ва $\Delta L/L$) ва техника тараққиёти натижасида уларнинг умумий унумдорлигини қўшимча ўсиш суръатларига ($\Delta A/A$) боғлиқ ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўшимча ўсиш суръатини ($\Delta Y/ Y$) ҳисоблаш имконини беради:

$$\Delta Y/Y$$

Бунда α коэффициенти ишлаб чиқарилган маҳсулотда капитал ҳиссасини, (1- α) - меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Фараз қилайлик, миллий маҳсулотда капитал ҳиссаси 0,3 ни, меҳнат ҳиссаси эса 1-0,3 = 0,7 ни ташкил этса, унда капитал (ΔL/L) ва меҳнатнинг (ΔL/L) 10% га қўшимча ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳам 10 % га қўшимча ўсишига олиб келади (0,3 х 10 % + 0,7 х 10 % = 3 % + 7 % = 10%). Яъни, иқтисодий ўсиш экстенсив омиллар ҳисобига рўй берган. Аммо, иқтисодий ўсишни таъминловчи интенсив омиллар ҳамма вақт ҳам қадрланган ва иложи борича улардан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Шунинг учун ҳам давлат иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадида, фан-техниканинг истиқболли йўналишларини белгилаш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, солиқ механизми ва тизимини иложи борича ихчамлаштириш каби ишларни олиб боради.

Хусусан, республикамизда фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш ва натижаларни ишлаб чиқаришга зудлик билан қўллаш мақсадида йирик-йирик лойиҳалар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари республика таълим тизимида кескин янгиликлар қилинмоқда. Яъни, республикада кўп босқичли «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Ушбу дастурга асосан ёшларни халқаро талабларга жавоб берадиган даражада ўқитишни таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ўсишга мамлакатнинг солиқ тизими ҳам сезиларли таъсир қилади. Солиққа тортиш ставкаларини камайтириш ва амортизация ажратмалари меъёрининг ўсиш томон ўзгариши инвестициялар ҳажмини кўпайтиради ва шу орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Умуман, ижтимоий ва экологик муаммолар кучайган деярли барча мамлакатларда иқтисодий ўсишга энг аввало аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг шарти сифатида қаралмоқда. Чунки, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш зарурлиги сабабли ривожланган мамлакатларда амал қилган иқтисодий ўсишнинг миқдорий назарияси ўз ўрнини иқтисодий ўсишнинг сифат назариясига бўшатиб берди. Унинг асосий моҳияти келажак авлодлар эҳтиёжини ва аҳолининг камбағал қатламлари эҳтиёжини ҳисобга олишдадир.

Хуллас, давлат сиёсати иқтисодий ўсишнинг қуйидаги муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган:

• истеъмол даражаси юқори бўлган, иқтисодиётнинг барқарор ҳолатини таъминлашга қаратилган омонат жамғариш меъёрларини танлаш;

• аҳоли ўсишини тартибга солиш;

• фан-техника тараққиётининг экологик жиҳатдан хавфсиз ютуқларини жорий этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш.

Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги кучайиб бориши билан иқтисодий назария ва амалиётда халқ фаровонлиги тушунчаси жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳум мезонлари сифатида янада аниқлашмоқда ва кенгайтирилмоқда.

Агарда илгарилари уни моддий таъминланганликнинг миқдорий кўрсаткичлари акс эттирган бўлса, ҳозирда биринчи ўринга ўртача умр кўриш, ўлим даражаси, шу жумладан, болалар ўлими, ишсизлик даражаси, даромадлар тенгсизлиги, таълим даражаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа шу каби кўрсаткичлар қўйилмоқда. Яъни, иқтисодий ўсиш шахснинг ривожланиб бориши учун шароит яратиб бериши лозим.

Иқтисодий ўсишнинг салбий оқибатларидан бири аҳолини ижтимоий, мулкий табақаланиши кучайиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат аҳоли турли қатламларини ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий сиёсатларни олиб боради.

Даромадлар даражаси бўйича табақаланишни аниқлаш учун, дастлаб, аҳоли даромадлари миқдори аниқланади. Аҳоли даромади иш ҳақи, дивидентлар ва фоизлардан, шунингдек, трансферт тўловларидан ташкил топади. Даромадлар кенгроқ маънода пулсиз ёки имтиёзли нархларда аҳоли оладиган товарлар ва таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт ва бошқа хизматлар бўйича имтиёзлар кўринишидаги тўловларни ҳам ўз ичига олади.

Иш хақи, дивидентлар ва фоизларни ишлаб чиқаришда бевосита қатнашганлар даромадлар тақсимланиши натижасида оладилар. Давлат даромадларнинг тақсимланишига иш хақининг энг кам миқдорини қонуний равишда ўрнатиш орқали таъсир кўрсатади. Энг кам иш ҳақи ушбу мамлакатда таркиб топган турмуш шароитига боғлиқ бўлиб, энг кам истеъмол бюджети асосида аниқланади.

Давлат даромадларнинг қайта тақсимланишини асосан икки хил таянч воситалар ёрдамида амалга оширади:

1. Солиқ тизими;

2. Трансферт дастурлари.

Давлат трансферт дастурларидан ташқари яна бир қатор нодавлат ва жамоат дастурлари ҳам мавжуд. Давлат ва нодав-

лат ташкилотлари трансферт дастурларининг барча турлари ягона мақсадга, яъни, аҳоли даромадларини тенглаштиришга йўналтирилган.

Даромадлар тақсимланишининг тенгсизлигини ифодалаш учун кўп ҳолларда Лоренц эгри чизиғи графигидан фойдаланилади.




38-чизма. Лоренц эгри чизиғи

Графикнинг горизантал ўқида аҳоли ҳиссаси (фоизи), вертикал ўқида даромад ҳиссаси (фоизи) кўрсатилган. Агар жамиятда даромад мутлақ баравар тақсимланган деб фараз қилсак, яъни 20 фоиз аҳоли жами даромаднинг 20 фоизига, 40 фоиз аҳоли 40 фоизига эга бўлса, унда мутлақ тенгликнинг бу вазиятини ифодаловчи чизиқ биссектриса кўринишига эга бўлар эди. Аммо, ҳаётда аҳоли ўртасида даромадларнинг тақсимланиши бир хил эмас. Масалан, агар аҳолининг 20 фоизи А нуқта билан белгиланган даромадларнинг озгина қисмини олса, аҳолининг 40 фоизи Б нуқта билан белгиланган қисмини олади ва ҳоказа. Бундай ҳолатда даромаднинг ҳақиқатда тақсимланишини билдирувчи чизиқ Лоренц эгри чизиғи, деб аталади. Биссектриса ва Лоренц эгри чизиғи ўртасидаги узилиш ёки майдон қанча катта бўлса, даромад тақсимланишининг тенгсизлик даражаси шунча юқори бўлади. Бу узилиш катталиги тенгсизлик даражасини ифодалайди.

## 12.3. Иқтисодий ўсиш моделлари

Иқтисодий ўсиш моделлари узлуксиз ёки ноузлуксиз вариантларда ёзилиши мумкин. Биринчи ҳолатдаги $Y_t$, $I_t$, $C_t$, $K_t$, $L_t$, $W_t$ ўзгарувчи моделлари вақтнинг узлуксиз функцияси ҳисобланади. Иккинчи ҳолатда бу миқдорлар вақтнинг кетма-кетлиги сифатида қаралади. Агарда модел реал статистик маълумотлардан ташкил топса ва амалий ҳисоб-китобларда фойдаланилса, у ҳолда уни ноузлуксиз қилиш осон, чунки, статистик маълумотлар ҳар доим узлуксиз эмас, балки уларда вақти-вақти билан узулишлар бўлади.

Иқтисодий ўсиш моделларининг умумлаштирилган «каркаси»ни қуйидагича ёзиш, ундаги ҳар бир аниқ моделни тузаётганда айрим қўшимча ўзгарувчилар, чеклашлар, иқтисодий шароитлар ва имкониятлардан фойдаланиш мумкин:

$$Yt = F(Kt, Lt, t); \quad (1)$$
$$Yt = Ct + It; \quad (2)$$
$$Kt = Kt\text{-}1 + It - Wt; \quad (3)$$
$$It = \alpha t Yt; \quad (4)$$
$$Wt = \beta Kt. \quad (5)$$

Ушбу моделларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

(1) ишлаб чиқариш функцияси формуласи: бу ерда t га боғлиқ ҳолда моделга техник тараққиётни тасвирлашни киритиш мумкин;

(2) даромадларни истеъмол ва инвестицияга тақсимлашни кўрсатувчи асосий макроиқтисодий айният;

(3) вақтинчалик инвестиция бўлмаган вазиятда инвестиция ва унинг чиқиб кетишини ҳисобга олган ҳолда капитал ҳажми динамикасини ҳисоблаш формуласи;

(4) жамғариш нормаси ($\alpha t$) орқали даромадлар ва инвестицияларни боғлаб турувчи айният;

(5) чиқиб кетишнинг доимий нормаси ($\beta$) шароитида капиталнинг чиқиб кетиши ҳажмини ҳисоблаш формуласи.

Ушбу тизимдаги энг асосий формула ишлаб чиқариш функцияси (1) ҳисобланади.

(1)-(5) модели биринчи марта 1956 йили Р. Солоу томонидан таклиф қилинган эди. Унинг турли кўринишлари ва усулларидан ҳозирги кунда ҳам кенг фойдаланилиб келинмоқда. Со-

лоу моделида ишлаб чиқариш функцияси (1) ишлаб чиқариш омилларининг энг сўнги натижасини билдиради ва унда капитални жамғаришда инвестицияларга қилинган қўшимча харажатлар капиталдан фойдаланишдаги қўшимча самараларни қопламай қолган вазиятда тўхтатилади. Солоу модели пайдо бўлгунча иқтисодий ўсишни кўрсатадиган модел Харрод ва Домар моделлари (1939,1946) ҳисобланган. Уларнинг моделида ўсишни таъминлайдиган асосий омил доимий капитал қайтими ўсиши ҳисобланган. Солоу модели Харрод-Домар моделига нисбатан иқтисодий ўсишни изоҳлашда қўшимча кўрсаткичларга эга.

Демак, Харрод ва Домар моделларида ўсишини таъминлайдиган асосий омил инвестициялар, яъни капитал жамғариш деб ҳисобланади. Бу моделлар 1920-50 йиллардаги иқтисодий ўсишларни изоҳлашга қўл келган, аммо кейинги йиллардаги кузатишларга тўғри келмай қолган. Унинг асосий моҳияти:

1. Капитал унумдорлигининг доимийлигини, в = dy/dk;
2. Доимий жамғариш нормаси, а = I/Y;
3. Капитал чиқиб кетиши мумкин эмаслиги, W = O;
4. Инвестицион узулиш ҳам нолга тенг, dk(t)/ dt = I(T);
5. Модел техник тараққиётни ҳисобга олмайди;
6. Ишлаб чиқариш меҳнат харажатларига боғлиқ эмас, чунки, меҳнат ресурслари камёб ҳисобланмайди.

Капитал унумдорлигининг доимий хусусияти, агарда меҳнат камёб ресурс ҳисобланмаса, Леонтьевнинг ишлаб чиқариш функциясидан иборат бўлади.

$$Y(t) = \min ((aL(t); dK(t));$$

Моделда даромадларнинг ўсиш тезлиги инвестиция билан мутаносибдир: dy/dt = BI(t) = BAУ.

Даромадларни қўшимча ўсиши dy/Уdt вақт билан доимийдир ва αв га тенг. У жамғариш нормасига ва капитал унумдорлигига мутаносиб, Харрод ва Домар моделларида инвестиция (I) ва истеъмол (С) ҳам шундай даражада ўсади. Бунда истеъмол билан инвестиция ўртасидаги қарама-қаршиликлар шундан иборатки, жамғариш нормаси (α) қанчалик юқори бўлса, истеъмолнинг ўсиш нормаси ҳам шунчалик юқори ва унинг бошланғич даражаси шунчалик кам бўлади. Бу қарама-қаршиликни ҳал қилиш учун истеъмол тўғрисида доимий равишда қўшимча маълумотларга эга бўлиш керак.

Агарда, ишлаб чиқаришнинг талаб қилинаётган ўсиш даражаси аҳоли сони ва бандликнинг ўсиш даражасидан юқори бўлса, меҳнат камёб омил ҳисобланмайди. Бунда меҳнатни капитал билан алмаштириб бўлмаса ва шунингдек, техник тараққиёт ҳам бўлмаса, ушбу моделда меҳнат лимитловчи омил ҳисобланиши мумкин. Умумий ўсиш даражаси меҳнатга қилинган харажатларнинг ўсиш даражасига тенглашади, жон бошига истеъмол ва жамғариш даражалари эса ўсишдан тўхтайди. Ҳозирги даврда иқтисодий ўсишни таъминлашда техник тараққиёт, меҳнат ва капиталнинг сифати, бир-бирини алмаштириши ва биргаликда фаолият кўрсатишлар асосий ресурс ва омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу омилларни ҳисобга олмайдиган ўсиш назариясида, яъни, ўсишнинг асосий манбаи капитални физик жамғариш ўсишни доимий равишда тартибга солиб турувчи омил ҳисобланади. Жамғариш нормаси эса аста-секинлик билан иккинчи планга тушиб қолади.

Иқтисодий ўсишни таърифлайдиган бошқа бир модел Р.Солоу модели ҳисобланади. Харрод ва Домар моделига нисбатан Солоу модели макроиқтисодий жараёнларнинг айрим томонларини тўлиқроқ очиб беради. Биринчидан, бу моделда ишлаб чиқариш функцияси тўғри чизиқдан иборат эмас ва унумдорликнинг камайиб бориши каби хусусиятларга эга. Иккинчидан, модел асосий капиталнинг чиқиб кетишини ҳисобга олади. Учинчидан, Солоу модели меҳнат ресурслари ва техник тараққиёт динамикаси ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ҳисобга олади. Тўртинчидан, бу ерда кўпгина ҳолларда истеъмол даражасини максималлаштириш вазифаси қўйилади ва ҳал қилинади.

Биз Солоу моделини тўлиқ изоҳлаб бермоқчи эмасмиз, балки унинг асосий йўналишилари, хусусиятлари ва хулосаларини келтириб ўтмоқчимиз.

Солоу моделининг кўриниши ва хусусиятлари:

1. Ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$У = F(K,L);$$

Бу ерда: У - ишлаб чиқариш ёки даромад;
К - капитал;
L - меҳнат.

Масштаб қайтими доимий $F(ZK,ZL)=ZF=(K,L)$. Омиллар унумдорлиги ижобий, аммо камаювчи ҳисобланади:

$$У'k > 0; \quad У'l>0; \quad У''kk<0; \quad У''ll<0.$$

2. Капиталнинг W чиқиб кетиш миқдори унинг миқдорига К мутаносиб:

$$W = \beta \times K.$$

Бу ерда: $\beta$ - чиқиб кетиш нормаси.

3. Жамғариш нормаси доимий ва инвестиция I эса «$\alpha \cdot Y$» га тенг.
4. Даромадлар У истеъмол ва инвестицияга бўлинади: $У = C+I$;
5. Бандлар сони L эса n даражада доимий ўсади.
6. Меҳнатни тежайдиган техник тараққиёт g даражага эга, яъни бир ишчига g даража билан бирга ўсади.

## Қисқача хулосалар

Иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш натижалари ва омилларида рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришларини характерлайди.

Иқтисодий ўсиш икки хил усулдан фойдаланилган ҳолда аниқланади: Реал ЯММ нинг ўсиш суръатига ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ ни ўсиш суръатига кўра.

Иқтисодий ўсиш суръатлари базисли ўсиш суръатлари, занжирли ўсиш суръатлари, қўшимча базисли ва занжирли ўсиш суръатлари ёрдамида аниқланади.

Кейнсианчилар иқтисодий ўсишни биринчи навбатда талаб омилларига боғлашади ва уларнинг таъкидлашича, давлат фискал ва пул-кредит сиёсати орқали уни бошқариб туриши мумкин. Классик иқтисодий назария тарафдорлари иқтисодий ўсишни аввало таклиф омилларига боғлашади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадиган омилларга табиий ресурслар сони ва сифати, меҳнат ресурслари сони ва сифати, капитал, технология ва бошқалар киради. Булардан фойдаланишга кўра иқтисодий ўсиш экстенсив ва интенсив турларга бўлинади. Ишлаб чиқариш ресурслар миқдорини ўзгартирмаган ҳолда ўсса, интенсив омиллар ҳисобига амалга ошган ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш моделлари деганда иқтисодий ўсишни таҳлил қилиш ва прогнозлардан фойдаланиладиган моделлар тушунилади. Иқтисодий ўсишнинг кейнсчилар яратган моделларида асосий омил инвестициялар деб қаралади. Бу моделлар бир нечта иқтисодий формулалар ёрдамида изоҳланади. Классик моделларда иқтисодий ўсиш барча омилларга боғлиқ деб қаралади. Худди шундай моделларга Р.Солоу, Харрод-Домар, Леонтьев ва бошқаларнинг моделларини киритишимиз мумкин.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва уни ўлчаш усулларини изоҳлаб беринг.
2. Иқтисодий ўсиш суръатлари қандай аниқланади?
3. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни формулалар ёрдамида тушунтириб беринг.
4. Иқтисодий ўсиш қандай салбий оқибатларга олиб келади?
5. Иқтисодий ўсишда Лоренц эгри чизиғининг қандай алоқаси бор?
6. Р.Солоу ва Харрод-Домар моделларини тушунтириб беринг.

## Асосий адабиётлар


1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. - М.: ДИС. 1997.
2. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальный подход. – М., 1996.
3. Гальперин В.И., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. - С.Петербург, 1994.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ, 2000.
5. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономическая теория и переходная экономика. - М., 1996.
6. Менкью Н.Г. Макроэкономика. - М.: МГУ, 1994.

# XIII боб

# ХАЛҚАРО САВДО НАЗАРИЯСИ

## 13.1. Халқаро савдонинг зарурияти ва унинг асосий кўринишлари

Ҳозирги замон иқтисодиётининг очиқлик даражаси яъни мамлакатларнинг ихтисослашуви ва улар ўртасида кооперация чуқурлашиб бормоқда. Мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантириш,иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бу ҳолатларни этиборга олиши шарт.

Жаҳон савдоси ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида капитални четга чиқариш имкониятлари юзага келди ва унга боғлиқ равишда халқаро молия-валюта, кредит муносабатлари ривожланди.

Ташқи савдонинг вужудга келиши икки муҳим объектив сабаб билан изоҳланади.

Биринчидан, бу табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланганлиги. Энг катта ҳудудга эга бўлган ёки ривожланган давлатлар ҳам барча ресурслар билан ўзини тўлиқ таъминлай олмайди. Улар ўзларида ортиқча бўлган ресурсларни экспорт қилишга ва мамлакатда танқис бўлган ресурсларни импорт қилишга мажбурлар.

Халқаро савдо ривожланишининг зарурлигини белгиловчи иккинчи муҳим сабаб шундаки ҳамма мамлакатлар ҳам барча турдаги маҳсулотни бир хил самарадорлик билан ишлаб чиқара олмайди. Яъни бир товар Японияда арзон ишлаб чиқарилса, иккинчи товар Ўзбекистонда арзон ишлаб чиқарилиши мумкин. Шу сабабли ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида мамлакатлар ихтисослашадилар ва ўзаро савдо-сотиқни йўлга қўядилар.

Бу икки объектив сабаб ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариши жараёнида халқаро савдонинг аҳамиятини аниқлайди. 90-йилларнинг бошларида халқаро савдо ҳажми АҚШда ялпи миллий маҳсулотнинг 16-18 фоизини, Германияда 30-39 фоизини ташкил этди. Шу даврда Ўзбекистон ялпи миллий маҳсулотида ташқи савдонинг улуши 10-12 фоиз атрофида бўлди.

Ташқи савдо халқаро айирбошлашнинг анъанавий шакли сифатида қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади:

- маҳсулотларни айирбошлаш: ёқилғи-хом ашё маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари;
- хизматларни айирбошлаш: муҳандислик-маслаҳат хизматлари;
- транспорт хизматлари, сайёҳлик ва бошқа хизматлар. Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси 30 фоиздан ошиб кетди;
- янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш: лицензиялар ва «ноу-хоу»лар. Улар ҳиссасига халқаро савдо айланмасининг 10 фоизига яқини тўғри келади.

Халқаро савдо маҳсулотлари, хизматлар ва фан-техника маълумотларини айирбошлашнинг барча кўринишлари ташқи савдо операциялари ёрдамида амалга оширилади. Улар ўз навбатида экспорт, импорт, реэкспорт ва реимпорт операцияларига бўлинади.

Экспорт операцияси - маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқариш.

Импорт операцияси - маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш.

Реэкспорт операцияси - аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотиш.

Реимпорт операцияси - аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.

## 13.2. Мутлақ ва нисбий устунлик назариялари

Шу пайтга қадар юзага келган барча халқаро савдо назариялари халқаро савдони эркинлаштириш барча мамлакатлар учун фойда келтиради деган фикрни илгари суради. Эркин ташқи савдонинг зарурлиги ва фойдалилиги тўғрисида дастлабки назариялардан бири А.Смитнинг **мутлақ устунлик** назариясидир. Бу назарияга кўра ҳар бир мамлакат ундаги мавжуд шароитлар ва ресурслар ўзига хослигига таянган ҳолда маълум бир товарни энг кам харажатлар ҳисобига (ёки вақт бирлигида бу товарни энг кўп) ишлаб чиқириш имкониятига эга. Шундай экан мамлакат мутлақ устунликка эга бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва ушбу товарнинг ўз истеъмолидан ортиқча қисмини сотади ҳамда бошқа товарларни сотиб олади. Чунки бу товарлар уларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга бўлган давлатларда анча арзон ишлаб чиқарилган бўлади. Натижада ҳар икки давлат ҳам кам ресурс сарфлаб кўпроқ маҳсулотга эга бўлади.

Масалан, Ўзбекистон асосан пахта маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашганлиги учун бошқа маҳсулотларга нисбатан кўпроқ шунга эътиборни қаратиш лозим. Чунки, Ўзбекистон

қишлоқ хўжалиги, об-ҳавоси ва қолаверса, бутун республика шароити пахта етиштиришга мослашган ва унга кам миқдорда меҳнат ва молиявий ресурсларни сарф қилиб, юқори ҳосил олиш технологиясига эга. Шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳам ўзи ихтисослашган соҳага кўпроқ эътиборни қаратишсагина дунё бўйича кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади ва халқаро савдода ҳам катта муваффаққиятларга эришиш мумкин. Демак, шу йўл билан дунё аҳолисининг талабларини максимум қондириш имкониятига эришилади.

Аммо қайсидир мамлакат ҳеч қайси маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда мутлақ устунликка эга бўлмаслиги мумкин. Бу эса шу мамлакат ҳамма товарларни четдан келтирадими деган саволни туғдиради. Агар шундай бўлса импортни бу мамлакат қайси маблағлар ҳисобига молиялаштиради. Бу саволга жавоб бериш борасида мутлақ устунлик назарияси боши берк кўчага кириб қолади.

Д. Рикардо А. Смитнинг «Мутлақ устунлик» назариясини янада мулоҳаза қилиш натижасида ушбу назария умумий қоиданинг бир қисми эканлигини исботлаб берди. Д. Рикардо «Сиёсий иқтисоднинг бошланиши ва солиқлар» номли асарида классик назарияни боши берк кўчадан олиб чиқади. Унинг фикрича, мамлакатлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда ёки кўпроқ устунликка эга бўлган ёхуд камроқ заифликка эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай вазиятларда икки мамлакат ўртасидаги савдо кўпроқ имкониятлар олиб келади. Ҳар бир мамлакат ўзи ихтисослашган маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва шу орқали ютуқларга эришади. Унинг мулоҳазалари "Нисбий устунлик назарияси"да ўз ечимига эга бўлди.

Масалан, Португалияда ишлаб чиқарилган мовут ва Англияда ишлаб чиқарилган вино индивидуал харажатларга эга бўлсин. Шуни ҳисобга олган ҳолда Д. Рикардонинг "Таққослаш устунлиги назарияси"ни қўллаймиз:

Ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган меҳнат бирлиги миқдори;

| | Мовут (дона) | Вино(бир баррель) |
|---|---|---|
| Португалия | 90 | 80 |
| Англия | 100 | 120 |

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики Португалия барча

турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга. Аммо, Д. Рикардо Португалияда мовут ишлаб чиқаришга нисбатан вино ишлаб чиқариш савдосини йўлга қўйиш кўпроқ фойда олиб келишини таъкидлайди. Чунки, бир дона мовутга нисбатан бир баррель вино ишлаб чиқариш арзонга тушмоқда. Бунда нисбий устунликдаги фарқ ҳар бир миллат учун халқаро савдода ютуққа олиб келади. Яъни, Португалия бир баррель винони (80 бирликда) 120 бирликда Англияга сотса ва ўз навбатида, Англиядан (100 бирликда) ушбу бирликда 1,2 дона мовут сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотга солиштирганимизда эса 8/9 донага эга бўлар эди. Бошқача айтганимизда, Португалиянинг вино ишлаб чиқариш ва мовутни сотиб олиш эвазига оладиган фойдаси қуйидагича бўлади.

120 / 100 – 8 / 9 = 1,2 - 0,(8) = 0,31 дона мовут.

Англия эса мовут ишлаб чиқаришда камроқ заифликка эга. Яъни мовут ишлаб чиқаришга қилинадиган меҳнат сарфлари ўртасидаги фарқ вино ишлаб чиқаришдагига нисбатан камроқ. Демак мовут ишлаб чиқаришга ихтисослашиш ҳисобига халқаро савдодан Англия ҳам ютади. Яъни, мовут ишлаб чиқариб, уни Португалияга сотиш ҳисобига 11/8 баррель вино (ўзидагига нисбатан 5/6 баррель) сотиб олиши мумкин. Ушбу вазиятда Англиянинг ютуғи;

9 / 8 - 5 / 6 = 7 / 24 = 0,29 баррель вино.

Бу мисолда Португалия учун ҳар бир баррель винога 9/8 дона мовут сотиб олгандагина халқаро совда фойдали ҳисобланса, Англия учун эса ҳар бир баррель винога 5/6 дона мовут алмашганда савдо фойдали ҳисобланади.

Шундай қилиб, эркин савдо халқаро ихтисослашувни рағбатлантириб, қуйидаги имкониятларни яратади: ҳар бир мамлакат бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишгунча ўтган давргига нисбатан камроқ моддий ва меҳнат харажатлари сарфлайдиган бўлади. Аммо, бу борада барча назариялар ҳам савдода мамлакатларнинг пул бирликлари иштирокида амалга ошиши ҳисобга олинмаган. Чунки, мамлакатлар ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун валюталарини алмаштиришади. Д. Рикардо ушбу вазиятни ҳам тушунтириб бера олган. У изоҳлаганидек юқорида келтирилган имконият валюталарни алмаштириш шароитида ҳам сақланиб қолади. Бу вазиятда экс-

порт-импорт тўловлари ўзаро балансга эга эмас. Бундай вазият валюта курсларидаги ўзгаришлар ҳисобига ёки бирор бир мамлакатдаги барча баҳоларни ўзгартириш ҳисобига бартараф этилади. Юқоридаги мисол мавҳум хусусиятга эга. У аниқ вазиятларга асосланиши учун:

- меҳнат савдо қилаётган мамлакатлар ўртасида эмас, балки мамлакат ичида ҳаракатчан бўлишини;
- транспорт, божхона харажатлари, савдо устамалари ва бошқа чеклашлар ҳисобга олинмаслигини;
- маҳсулотларнинг янги намуналарни ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларни қўллаш ҳамда уларни кўп миқдорда серияли ишлаб чиқаришда харажатлардаги ўзгаришлар эътиборга олинмаслигини таъминлаш имкониятлари яратилиши лозим.

Англия ва Португалия мисолида келтирилган вазиятларда халқаро савдо нархларининг кенг амал қилаётган шаклини қўллаш мумкин. Чунончи, бир баррель Португалия виносини Англияда таннархидан кам нархда (80) ва сотиб олинган баҳодан (120) юқори нархда сотмаслик керак. Шунингдек, англияликлар мовутидан Португалияда (90 дан 100 гача) шундай тартибда сотилиши керак.

Маҳсулотлар баҳоси ўртасидаги ўзаро нисбат аниқлаб олингандан кейин «савдо шароити» (terms of trade) тушунчаси савдо шароитини аниқлаб олиш учун эса "савдо шароити индекс" тушунчаси киритилган. Бу индекс қуйидаги формула орқали аниқланган:

$$\text{Савдо шароити индекси} = \frac{\text{Экспорт нархлар индекси}}{\text{Импорт нархлар индекси x 100\%}} = \frac{\text{Эи}}{\text{Ии x 100\%}}.$$

Индекснинг ўсиши (масалан, 100 дан 105 гача) савдо шароитларининг яхшиланаётганлигини кўрсатади. Яъни, ушбу миқдордаги импортга ҳисоб-китоб қилиш учун ундан кам миқдорда экспорт талаб этилади.

Амалиётда савдо шароити, биринчидан, товарлар баҳоси ўзгариши ҳисобига, унга бўлган талабнинг ошиши ёки камайишига боғлиқ. Айрим маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (масалан, нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар) нархларда бўлаётган ўзгаришларга қарамай, катта ютуқларга эришадилар.

Иккинчидан, савдо шароити ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчиларнинг бозорга мослашишига (эгилувчанлигига) боғлиқ бўлади.

Учинчидан, савдо шароити ишлаб чиқариш шароитлари ёки маҳсулотлар истеъмолидаги ўзгаришларга қараб ўзгаради.

Савдо шароити индекси мамлакатнинг халқаро савдодаги ҳолати тўғрисида маълумотлар берсада, кўпгина камчиликлардан холи эмас. Уларнинг энг асосийларидан бири мамлакатда умумий шароитни яхшиласада, сотилган маҳсулотлар миқдорини ҳисобга олмайди. Бошқача айтганда, савдо шароити яхшиланиши экспорт ҳажми қисқариши ва импорт ҳажми ошишига олиб келади. Бу эса тўлов балансини ёмонлаштиради.

А. Смит ва Д. Рикардо назариясида ишлаб чиқаришга таъсир қиладиган энг асосий омил меҳнат ҳисобланган. Маҳсулотлар нархи эса ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ.

Кейинги тадқиқотлар ишлаб чиқаришда асосий омиллар сифатида ер, капитал каби омиллардан фойда олиш имкониятини ҳисобга олган. Агарда, меҳнатнинг бозор баҳоси иш ҳақи сифатида гавдаланса, капиталнинг баҳоси фоиз ставкалари кўринишида, ернинг баҳоси рента миқдорида аниқланган.

## 13.3. Хекшер — Олиннинг неоклассик концепцияси

Халқаро савдодаги замонавий қараш тарафдорлари сифатида швед иқтисодчи-олимлари Эли Хекшер ва Бертиль Олинларни (30-йиллар) кўрсатиш мумкин.

Э. Хекшер ва Б. Олинлар «Ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ ҳолда нархларни тенглашиши» қоидасини олдинга сурган. Бунинг маъноси шундан иборатки, миллий ишлаб чиқаришдаги фарқлар ишлаб чиқаришнинг меҳнат, ер, капитал ва шунингдек, у ёки бу маҳсулотга ички истеъмолдаги ўзгаришлар каби омилларга боғлиқ.

Уларнинг қоидаларидаги асосий вазиятлар қуйидагича келтирилган:

1. Мамлакатлар ўзларида ортиқча бўлган ишлаб чиқариш омилини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни экспорт қилишади ва аксинча, ўзларида тақчил бўлган ишлаб чиқариш омилларини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни импорт қиладилар.

2. Халқаро савдо йўлидаги чеклашлар бекор қилинса товарларнинг турли мамлакатлардаги «омил нархи» (таннархи) нинг тенглашиши каби ўзгаришлар кузатилади.

3. Маҳсулотлар экспорти ўрнини аста секин ишлаб чиқариш омиллари экспорти эгаллайди.

Агар мамлакатдаги бир ишлаб чиқариш омили миқдори билан бошқа омиллар миқдори ўртасидаги нисбат бошқа мамлакатдагига нисбатан юқори бўлса шу омил бу мамлакатда нисбатан ортиқча деб ҳисобланади.

Хекшер-Олин концепциясига асосан ташқи савдо қуйидаги кўринишларга эга: Фараз қилайлик, бир вақтда икки мамлакат,

яъни, «саноатлашган» ва «аграр» мамлакат фаолият кўрсатмоқда.

Саноатлашган мамлакатда ортиқча капитал ва маълум миқдорда ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлади. Аграр мамлакатда эса ортиқча ер мавжуд, аммо капитал етишмайди.

Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда капитал асосий омил ҳисобланади. Масалан, нефтни қайта ишлаш, электрон машинасозлик ва машина ишлаб чиқариш соҳалари кам ишчи кучидан фойдаланган ҳолда капитал талабчан ишлаб чиқариш ҳисобланади. Капитал ортиқчалигига эга бўлган мамлакатлар айнан ушбу йўналишларга ихтисослашадилар. Шу билан бирга, дон етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланадиган мамлакатларда кўпроқ ер ресурслари керак бўлади ва улар шу йўналишга ихтисослашган бўладилар.

Хекшер–Олин концепциясини тадқиқ қилиш борасидаги изланишлар 50 йилларда «Леонтьев парадокси» юзага келишига сабаб бўлди. В.Леонтьев АҚШ капитал ортиқча бўлган мамлакат бўлишига қарамасдан 1947 йилда капитал талабчан эмас, балки меҳнат талабчан маҳсулот экспорт қилганлигини кўрсатиб берди. Яъни Хекшер-Олин концепциясига зид келадиган вазият юзага келди. Кейинги тадқиқотлар эса АҚШ да капиталдан кўра ер ва илмий техник мутахассислар нисбий ортиқча эканлиги тасдиқланди. АҚШ ишлаб чиқарилишида айнан шу омиллар кўпроқ фойдаланиладиган товарларнинг соф экспортёри бўлиб чиқди.

1948 йил америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В.Столперлар Хекшер-Олин концепциясини такомиллаштиришди. Уларнинг назарияси бўйича халқаро савдо – ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик даражасидан нотекислик, технологияларининг бир-бирига мослиги, рақобатнинг ривожланиши ва маҳсулотларнинг ҳаракатчанлиги каби шароитларда мамлакатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари нархлари тенглашади.

Д. Рикардо моделида ишлаб чиқилган ва Э. Хекшер, Б. Олин, П.Самуэльсон ҳамда В.Столперлар томонидан тўлдирилган савдо концепциясига нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро фойдали савдони йўлга қўйиш, балки мамлакатлар ривожланиши ўртасидаги фарқларни камайтириш воситаси сифатида ҳам қаралади.

## Қисқача хулосалар

Халқаро савдо икки муҳим объектив сабаб - табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида бир текис тақсимланмаганлиги ҳамда мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларининг бир хил ривожланмаганлигига кўра пайдо бўлган.

Халқаро савдога маҳсулотларни айирбошлаш, хизматларни айирбошлаш ва янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш киритилади. Бу айрбошлашларнинг барча кўриниши ташқи савдо операциялари - экспорт ва импорт операциялари ёрдамида амалга оширилади.

Халқаро савдо назариясининг классик кўринишлари А. Смитнинг «Мутлоқ устунлик» ва Д. Рикардонинг «Нисбий устунлик» назарияларидир.

Хекшер-Олиннинг неоклассик концепсияси «Нисбий устунлик» назариясини омиллар билан таъминланганлик нуқтаи назаридан изоҳлаб берди.

Эркин савдо йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш ресурсларни самарали тақсимланишга йўл очиб провардида барча мамлакатлар учун иқтисодий ютуқ олиб келиши савдо назарияларида исботлаб берилган.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқаро савдони ривожлантиришнинг объектив ва субъектив сабаблари нималардан иборат?

2. А. Смитнинг «Мутлоқ устунлик» назарияси камчилиги нимада кўринади?

3. «Нисбий устунлик» назариясининг моҳиятини тушунтириб беринг.

4. Хекшер-Олиннинг неоклассик концепциясини изоҳлаб беринг.

## Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Сергеина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.

2. Бункина М.К. Семянов В.А. Макроэкономика. – М.: 1995.

3. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальный подход. – М.: 1996.

4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ – 2000.

5. Линвут Т., Гайгер А. Макроэкономическая теория и переходная экономика. – М.: 1996.

6. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.

7. Ҳакимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма). – Т.: «Меҳнат», 1997.

# XIV боб

# САВДО СИЁСАТИ

## 14.1. Савдо сиёсатининг моҳияти. Божхона тарифлари назарияси

Бирор мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандлиликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутади. Давлат томонидан амалга ошириладиган бундай тадбирлар савдо сиёсати деб юритилади. Савдо сиёсати — бюджет-солиқ сиёсатининг ташқи савдо ҳажмларини солиқлар, субсидиялар, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солишни ўз ичига олган нисбатан мустақил йўналишидир.

Ташқи савдони чеклаш борасида олиб борилаётган ҳар қандай чора-тадбирлар қисқа муддатли самара беради. Узоқ даврда эса, фақат эркин савдогина иқтисодий ресурсларни самарали жойлаштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам кўпгина мутахассис-иқтисодчилар мамлакат иқтисодиёти ва аҳолиси турмуш даражани яхшилаш учун эркин ташқи савдо сиёсати фойдалироқ, чунки, ташқи савдони чеклашга нисбатан уни эркинлаштириш иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга кўпроқ имконият яратади, деб ҳисоблашади.

Гарчанд, эркин савдо жаҳон иқтисодиёти нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкин бўлсада, аммо алоҳида олинган мамлакат иқтисодиёти манфаати нуқтаи назаридан эркин савдо ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди.

Ташқи савдони чеклаш усулларининг 50 дан ошиқроқ тури мавжуд. Уларнинг айримлари давлат ғазнасини тўлдиришга йўналтирилган бўлса, баъзилари умуман импортни чеклашга ва яна бошқаси эса экспортни чеклашга ёки рағбатлантиришга йўналтирилган. Амалиётда ташқи савдони тартибга солишнинг таъриф ва нотаъриф усулларидан фойдаланилади.

Таъриф усулларига импорт ва экспорт божларини жорий қилиш кирса, нотаъриф усулларига экспортерлар ва ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш, квоталаш, лицензиялаш кабилар киради.

Божхона божлари аввало импорт божлари ва экспорт божларига ажралади.

Импорт божлари давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Ўз навбатида улар энг кам ва энг кўп миқдордаги импорт божларига бўлинади. Энг кам миқдордаги импорт божлари ўзаро қулай шароитларни яратиб беришни кўзда тутувчи савдо шартномалари ва битимлари бўлган мамлакатлар маҳсулотларига ўрнатилади. Энг кўп миқдордаги импорт божлари эса бундай шартнома ва битимлар тузилмаган мамлакатлар маҳсулотига нисбатан ўрнатилади.

Экспорт божлари мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида белгиланади.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек, божхона божлари ставкаси, яъни, уларнинг тартибга солинган рўйхати божхона тарифлари деб аталади.

Божхона тарифларини ишлаб чиқариш, табиий фарқлар (ҳайвонот ва ўсимлик дунёси), қайта ишлаш даражасига (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр буюмлар) кўра, тақсимланган маҳсулотлар рўйхатини ўз ичига олган маҳсулот сархилловчилар (классификаторлари) асосида қурилган.

Бу классификаторлар маҳсулотларини тарифлаш ва шартли белгилашнинг уйғунлаштирилган тизими бўлиб, унда олти хонали шартли рақам белгига эга бўлган маҳсулот ҳақидаги асосий маълумотлар ҳамда унинг маҳсулотлар номенклатурасидаги ўрни кўрсатилган. Масалан, 210431 код билдирадики: 21- маҳсулотлар гуруҳлари, 04 - маҳсулотлар ўрни (позицияси) ва 31 — субпозицияси.

Божхона тарифлари бир ёки бир неча бож миқдорлари устунига эга бўлиши мумкин, яъни, улар оддий ва мураккаб бўлади. Оддий божхона тарифлари устуни маҳсулотлар келиб чиққан мамлакатлардан қатъи назар маҳсулотларга ягона ставкаларни кўзда тутади. Мураккаб божхона тарифлари устунида эса, маҳсулот бир неча бож ставкаларига эга бўлади ва у ёки бу мамлакатга унда вужудга келган иқтисодий ва сиёсий вазиятларга қараб танлов асосида қўлланилади.

## 14.2. Импортга таърифларнинг ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмолчиларга таъсири

Халқаро савдони тартибга солишда энг кўп қўлланиладиган усул бўлиб тариф, яъни импортга солинадиган божхона божи ҳисобланади.

Импортга тарифларнинг махсус ва адвалар турлари ўзаро фарқланади. Махсус божлар импорт қилинаётган товарлар бирлигига нисбатан ўрнатилади. Масалан, 1 барел нефтга нисбатан 2 ЕВРО.

Адвалар божлар импорт қилинаётган товар қийматига нисбатан маълум фоиз тариқасида белгиланади. Масалан автомобил харид нархининг 40%.

Ҳар иккала турдаги импорт тарифларнинг оқибатлари деярли бир хил бўлиб, буни биз қуйидаги график воситасида кўриб чиқамиз.




39-чизма. Импорт тарифлари киритилиши натижалари

Импорт тарифлари жорий қилингунга қадар ички ишлаб чиқариш ҳажми S1, *ички талаб ҳажми* эса Д1 тенг бўлган. Талаб ва таклиф ўртасидаги фарқ (Д1-S1) импорт ҳисобига қопланган. Мамлакат иқтисодиёти ёпиқ бўлганида эди баҳолар даражаси Ре га тенг бўлган бўлар эди. Ҳамда талаб ва таклиф мувозанати Е нуқтада ўрнатилган бўлур эди. Мамлакат иқтисодиёти очиқ бўлгани ва импортга чекловлар йўқлиги туфайли миллий бозордаги нархлар•жаҳон бозори нархлари Pw билан бир хил. Импортга тариф жорий қилиниши натижасида ички баҳолар Pw дан Pd га қадар кўтарилади. Энди:

Импорт қилинадиган товарнинг ички баҳоси = Жаҳон бозоридаги баҳоси + (Жаҳон бозоридаги баҳоси х Тариф ставкаси).

Оқибатда истъмолчилар маълум бир йўқотишларга дуч келадилар. Бу йўқотишлар графикда a,b,c,d соҳалар билан кўрсатилган.

Баҳоларнинг кўтарилиши илгари рақобатбардош бўлмаган айрим ички ишлаб чиқарувчилар учун ҳам фойда кўриб ишлашга имкон беради. Умуман шу соҳада банд миллий ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш ҳажмини S1 дан S2 га қадар оширади ва S2-S1 ҳажмдаги маҳсулот Pd баҳода сотилади. Шу ҳажмдаги маҳсулотни истеъмолчилар оширилган нархда сотиб оладилар ва a соҳага тенг йўқотишга дуч келадилар. Аммо, бу йўқотиш ички ишлаб чиқарувчиларнинг ўсган фойдасига айланади.

Баҳоларнинг ўсиши оқибатида истеъмолчилар кўрилаётган товар истеъмоли ҳажмини Д1 дан Д2 қадар қисқартиради. Бу йўқотиш графикда d соҳа билан кўрсатилади ва у ҳеч кимнинг фойдаси билан қопланмайди.

S2-Д2 оралиқ тариф жорий қилингандан сўнги импорт ҳажми бўлиб, шу ҳажмда товарни истеъмолчилар илгаригидан юқори баҳода сотиб оладилар. Бунинг натижасида улар турмуш даражасидаги йўқотиш рўй беради. Бу йўқотиш графикда c соҳа билан белгиланган бўлиб, у давлат бюджетига бориб тушади. Яъни, бу соҳадаги истеъмолчиларнинг йўқотиши давлатнинг фойда кўриши билан қопланади.

Тариф киритилиши оқибатида истеъмолчилар талаби арзон импорт товаридан қиммат ички товарга йўналтирилади. Истеъмолчиларнинг ўсган тўловлари юқори чегаравий харажатга эга, рақобатбардош бўлмаган самарасиз ички ишлаб чиқаришни кенгайишига олиб келади. Истеъмолчиларнинг бу йўқотиш **b** соҳаси билан белгиланган бўлиб тарифнинг **«ишлаб чиқариш самараси»** дейилади ва ҳеч кимнинг фойдаси билан қопланмайди.

Шундай қилиб:

| Истеъмолчиларнинг йўқотишлари | | Ишлаб чиқарувчилар фойдаси | | Давлат даромади | | Жамиятнинг соф йўқотиши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| a + b + c + d | - | a | - | c | = | b + a |

Демак, истеъмолчиларнинг **a** соҳадаги йўқотишлари ишлаб чиқарувчилар фойдасининг ўсиши ҳисобига қопланади. Айни дамда истеъмолчилар шу тармоқ корхоналари акциядорлари бўлишса, улар йўқотишларининг бир қисми ўсган дивидентлар сифатида қайтади.

«c» соҳада давлат олган даромадини трансферт тўловларини ошириш, солиқларни пасайтириш, бюджет ташкилотларида ишловчилар иш ҳақини ошириши кўринишида истеъмолчиларга қайтариши мумкин.

Аммо «b» + «d» соҳаларда жамият соф йўқотишга дуч келади. Валюта курси ўзгариши бу йўқотишларни бир оз қоплаши мумкин. Масалан, 20% ли тариф киритилиши натижасида миллий валюта 4% га қимматлашса импорт қилинаётган товарларнинг миллий валютада ифодаланган ички баҳоси 20 % га эмас, 16 % га ошади. Бу эса тариф киритилиши оқибатида жамиятнинг соф йўқотиш «b» ва «d» соҳаларнинг 80 фоизини((16 / 20) x 100 = 80) ташкил этишини англатади.

Умуман олганда тарифларни киритилишига нисбатан бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлиб, бу тадбир мамлакат иқтисодиёти ҳолати, хусусияти ва қўйилган мақсадлар билан асосланади.

## 14.3. Тарифларни ёқловчи ҳамда уларга қарши фикрлар. Тариф ва ишлаб чиқариш субсидиялари

Божхона тарифларини киртишни ёқловчи мутахассислар фикрига кўра импорт тарифлари:

- мамлакат мудофаа саноатини ҳимоя қилиш имконини беради;
- мамлакатда бандлилик даражаси ўсишини таъминлайди ва ялпи талабни рағбатлантиради, импортнинг нисбатан чекланиши натижасида соф экспорт ўсади ва жорий операциялар бўйича тўлов баланси холати яхшиланади;
- миллий иқтисодиётдаги янги тармоқларни ҳимоя қилиш учун зарур;
- давлат бюджети даромадларини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади;
- миллий ишлаб чиқарувчиларни демпинг кўринишидаги чет эл рақобатидан ҳимоя қилади;
- иқтисодиёт тузилишини қайта қуришни бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар ёрдамида мамлакат иқтисодиётидаги илғор силжишлар рағбатлантирилади ва ҳ.к.

Миллий иқтисодиётнинг тикланиши шароитида кўпгина давлатлар ўз ишлаб чиқарувчиларини чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш

мақсадида протекционизм сиёсатини қўллайдилар. Акс ҳолда, маҳаллий корхоналар «синиши» жамиятда ишсизлик хавфини туғдиради.

Мамлакатларда таъриф механизми орқали ташқи савдо сиёсатини юритиш, биринчи навбатда ушбу мамлакатнинг асосий тармоқлари ва янги ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳимояланганлигига таъсир қилади. Ўзбекистонда автомобилсозлик янги ва истиқболли соҳа (тармоқ) ҳисобланади ва табиийки, тарифли ҳимояга муҳтож. Тармоқни тарифли ҳимояланишининг ҳақиқий даражасини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Масалан, Ўзбекистонда янги машиналар учун импорт божи 40 фоизни ташкил қилсин. Ушбу машинани ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар асосан четдан келтирилсин ва унга импорт божи 25 фоиз миқдорида ўрнатилсин. Бир дона машинанинг нархи 10000 АҚШ долларига тенг бўлса, яъни битта автомобиль учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларининг нархи 7000 доллар, қўшилган қиймат эса 3000 долларни ташкил этсин.

Автомобиль импортига 40 фоиз тариф белгиланганлиги учун ҳар бир автомобиль нархи 4000 долларга ўсиб, тариф билан бирга 14000 долларни ташкил этади. Эҳтиёт қисмлар импортига 25 фоизли тариф киритилиши уларга қилинадиган харажатларни 1750 долларга ошириб 8750 долларга етказади. Оқибатда маҳсулот бирлигига эҳтиёт қисмлар харажати 1750 долларга ошди. Қўшилган қиймат эса 2250 долларга (4000 - 1750 = 2250) ўсди. Шундай қилиб, тариф киритилгандан сўнг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган қўшилган қиймат 5250 долларни (3000 + 2250 = 5250) ташкил этди.

Энди эса соҳа (тармоқ)нинг самарали ҳимояси формуласидан фойдаланамиз.

$$Ep = (YA - VA) / YA.$$

Бу ерда: Ep - соҳанинг тариф билан ҳақиқий ҳимояланганлик даражаси;

YA - божхона тарифи киритилгандан кейинги қўшилган қиймат;

VA - божхона тарифи киритилишидан олдинги қўшилган қиймат.

$$EP = ((3000 + 2250) - 3000) / 3000 = 2250 / 3000 = 0{,}75 \text{ ёки } 75\%$$

Бу шуни билдирадики, тайёр автомобилларга 40% тариф ва эҳтиёт қисмларга 25% тарифни жорий қилиб, давлат миллий ав-

томобисозликни ҳақиқатда 75% тарифли ҳимояланганлигини таъминлайди.

Протекцианизм сиёсатининг муҳим тамойили ҳам шундаки, давлат тайёр маҳсулотларга божни кўтариш ва ярим тайёр маҳсулотларга эса унинг миқдорини пасайтириш орқали тармоқнинг ҳақиқий ҳимояланганлигини янада оширади.

Агар мамлакатлар божхона иттифоқига бирлашсалар, унда божхона тарифи, барча иштирокчи мамлакатлар учун уларнинг савдо муносабатларида ягона бўлиб қолади. Божхона тарифлари миқдори алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида ва жаҳон хўжалигида юз бераётган жараёнлар таъсирида юзага келади. Жаҳонда импортга божхона божларининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда ва у икки томонлама ҳамда кўп томонлама музокаралар асосида мамлакатлар томонидан рағбатлантирилади ва назорат қилинади. Асосан, ГАТТ доирасида ўтказилган бундай музокаралар натижасида кўпинча бож-тариф ён беришларини айирбошлаш ҳақида битимлар тузилади.

Божхона божларини жорий қилишни қўлловчи фикрларга аксинча бўлган мулоҳазалар ҳам мавжуд. Чунки санаб ўтилган натижаларга бошқа усуллар билан камроқ йўқотишлар ҳисобига ҳам эришса бўлади деган фикрлар ҳам қайсидир даражада асослидир.

Биринчидан, импорт тарифлари истеъмолчилар турмуш даражасининг пасайишига олиб келади.

Иккинчидан, импорт тарифлари киритилиши оқибатида улар воситасида ҳимоя қилинаётган тармоқларда ресурслар самарасиз сарфланади.

Учинчидан, тарифларни киритиш ва улар ставкасини белгилаш масаласида мамлакат имкониятлари халқаро битимлар билан чекланган.

Милий ишлаб чиқарувчиларни хорижий фирмалар рақобатидан ҳимоя қилишнинг муқобил усули уларга бевосита субсидия бериш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш субсидиясининг тарифлардан афзаллиги шундан иборатки, у бир томондан, миллий ишлаб чиқаришни S0 дан S1 гача ўсишини таъминласа (40 - чизма), иккинчи томондан, истеъмолнинг мутлақ камайишига олиб келмайди. Чунки, ички нархлар жаҳон нархларидан қимматлашмайди.

Субсидия шароитида ишлаб чиқарувчилар учун ички нархлар даражаси Pd, жаҳон нархлари Pw даражасига тенг. Шунинг учун,

ҳақиқий истеъмол ҳажми D0 га тенг. Тариф киритилган шароитда эса у D1 гача камайган бўлур эди. Мамлакат фаровонлигидаги мутлақ йўқотиш эса «b» соҳасидангина иборат бўлади. Айни пайтда ишлаб чиқаришга берилган бевосита субсидиялар ишлаб чиқариш харажатларининг самарали тақсимланишини кафолатламайди.

Чунки, айнан қайси тармоқни халқаро рақобатдан ҳимоя қилишни билиш қийин бўлади. Субсидияларни жорий қилгандан сўнг уларни бекор қилиш қийин бўлади, рақобат муҳити йўқолади ҳамда бу харажатларни молиялаштириш муаммоси кучайиб бораверади. Шунинг учун иқтисодиётни тартибга солиш, бандлик даражасини ошириш ва ялпи талабни қондириш мақсадида фискал ва пул-кредит сиёсатлари қўлланилади. Ушбу сиёсатларни қўллашдан асосий мақсад мамлакат ишлаб чиқаришини халқаро рақобатдан ҳимоя қилиш, ишсизлик даражасини энг паст ҳолатга келтириш ва халқ фаровонлигини оширишдан иборат.




40-чизма. Ишлаб чиқарувчилар субсидия берилишининг иқтисодий оқибатлари

## 14.4. Импорт квоталари ва лицензияларни тақсимлаш услублари

Жаҳон амалиётида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита усулларига қараганда бевосита услларидан кенгроқ фойдаланилади. Бевосита усуллар мазмунига кўра, иқтисодий,

маъмурий, меъёрий - ҳуқуқий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги бевосита усуллар ичида кенг тарқалгани ҳисобланади.

Лицензиялаш — бу, ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишчи ва хизматчилар экспорти ҳамда молия операцияларини ўтказиш, хорижга ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар киради. Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатида қайд этилган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига берилади. Уларни бошқа юридик шахсларга бериш тақиқланган.

Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қаттиқ тартибга солиш, баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралаш ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишининг тўхташ ҳамда савдо балансининг тенглаштириш имконини беради.

Умуман, импорт маҳсулотларга бериладиган лицензиялар қуйидаги усуллар ёрдамида жойлаштирилади.

1. Очиқ аукцион — давлат лицензияларни юқори баҳоларни таклиф қилган ишлаб чиқарувчиларга бериши.

2. Афзал кўриш тизими — давлат биринчи навбатда лицензияларни ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатдан йирик бўлган фирма ва компанияларга ҳеч қандай шарт ва талабларсиз беради.

3. Харажат усули — давлат лицензияларни йирик ишлаб чиқариш қувватларига ва ресурсларга эга бўлган фирма ва компанияларга беради.

Маҳсулотлар, шунингдек, ишчи ва хизматчилар экспорти ва имортига лицензиялар бериш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги бошқарув ташкилотлари эга: Вазирлар Маҳкамаси, Молия, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, Марказий банк.

Белгиланган чегаралар доирасида амалга ошириладиган битимларга лицензиялар ҳар бир алоҳида битим учун мол етказиб бериш ҳажми ёки қийматига қараб Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан берилади.

Молия операцияларини ўтказишга лицензиялар асосан Республика Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан ўз ва хорижий банкларга, молия муассасаларига берилади. Улар молия-кредит муассасаларига мамлакат ичида ва унинг ташқарисида чет эл валютаси билан опреацияларни амалга ошириш, хорижий молия-кредит муассасаларига эса ички бозорда юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Лицензиялаш билан бир қаторда жаҳон амалиётида маҳсу-

лотларни, шунингдек, ишчи кучи экспорт ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда ваколатли давлат ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ва импортга миқдорий ёки қиймат чегараларини белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балансларини ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун музокараларда ўзаро келишувга эришиш учун қўлланилади. Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмоли молларини ва стратегик хом ашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлланилмоқда.

Квоталаш фақат маҳсулот оқимларинигина эмас, балки ишчи кучи оқимларини тартибга солишда ҳам қўлланилади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортига квоталар ўрнатади.

Ҳозирги вақтда квоталаш божларга нисбатан кўпроқ қўлланилишига иккита сабаб бор:

1. Тариф ставкалари халқаро савдо келишувларига асосан белгиланади. Айрим ҳоллардан ташқари вазиятларда, мамлакатлар тариф ставкасини ошира олмайдилар ва шунинг учун иқтисодиётни рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида квоталарга эътиборни қаратишга мажбур бўлади.

2. Ҳимояга муҳтож тармоқлар ҳам импортга квоталар жорий қилишни қўллайди. Чунки, тарифни жорий қилишга нисбатан имтиёзли лицензиялар олиш осонроқдир.

Импорт квоталари эркин рақобат шароитига кўпроқ мос келади. Қуйидаги 41 - чизмадан кўриниб турибдики, квоталар жорий қилиниши натижасида умумий фаровонликдаги йўқотишлар, тарифлар киритилганидаги сингари «в» ва «d» соҳалардан иборат бўлса, «с» соҳа рухсат этилган импортга устама нархларни кўрсатади ва аҳолидан лицензия берувчи ташкилотларга бериладиган трансфертни характерлайди.

Тарифларга нисбатан квоталарни жорий қилишдан кўриладиган фаровонликдаги йўқотишлар икки ҳолатда катта бўлади. Биринчидан, квоталар маҳсулотлар импорт қилаётган миллий ишлаб чиқарувчилар ёки хорижий фирмалар монопол ҳукумронлиги даражасини оширса. Иккинчидан, импортга лицензиялар самарасиз жойлаштирилса.




41-чизма. Ташқи савдода квоталар қўлланилишининг иқтисодий оқибатлари

## 14.5. Экспорт субсидиялари ва компенсацион импорт божлари

Кўпчилик ҳолларда экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тадбири сифатида кўпгина мамлакатларда экспорт субсидиялари қўлланилади. Бунда тажриба - конструкторлик ишлари ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни бевосита молиялаштириш ёки бу мақсадларга давлат бюджетидан имтиёзли кредитлар бериш кўзда тутилади.

Экспорт субсидиялари турли шаклларда қўлланилади. Буларга:

- экспортёр фирмаларга ёки хорижий шерикларга паст фоизли кредитлар бериш;
- реклама харажатларини давлат ҳисобидан қоплаш, бозор коньюктураси ҳақида текин ахборот етказиб бериш;
- фирмаларга ишлаб чиқариш ҳажмидаги экспорт улушига мувофиқ солиқ имтиёзларини бериш;
- бевосита субсидиялаш киради.

Амалиётда энг кўп субсидия олувчи тармоқ қишлоқ хўжалиги ҳисобланади.

Экспорт субсидияларининг берилиши миллий ишлаб

чиқарувчиларининг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширади. Аммо импортёр давлатлар томонидан киритиладиган компенсацион импорт божлари бу ютуқни йўққа чиқариши мумкин. Оқибатда экспортёр давлат бюджети йўқотишга учрайди, импортёр давлат бюджети эса қўшимча даромад кўради. Бу тадбир демпингга қарши кураш кўринишларидан биридир.

**Демпингга қарши қаратилган божлар** жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб, ўзида қўшимча импорт божларини акс эттиради. Улар одатда, жаҳон нархларидан ёки импорт қилаётган мамлакат ички нархларидан паст нархлар бўйича, экспорт қилинаётган маҳсулотларга ўрнатилади. Бу божларни белгилаш ҳақидаги қарорни халқаро суд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар мурожаатидан сўнг чиқаради ҳамда унинг миқдорини ва тўлаш тартибини белгилайди. Масалан, демпингга қарши божлар ўз валюта ресурсларини тўлдириш мақсадида жаҳон бозорига хом ашё ресурсларини экспорт қилишни кўпайтирган собиқ иттифоқдош республикаларга нисбатан фаол қўлланилмоқда.

## 14.6. Экспорт божлари ва экспортни ихтиёрий чеклаш

Экспортга тарифлар ёки экспорт божлари киритилишининг оқибати импорт божлари киритилиши оқибатининг айнан аксидир. 42-чизмадан кўриниб турибдики, экспорт божлари шароитида маҳсулотлар ички баҳоси (Pd) унинг ташқи баҳосидан (Pw) кам. Бундай вазиятларда ички истеъмол D0 дан D1 гача ўсади, ишлаб чиқариш S0 дан S1 гача, экспорт эса X0 дан X1 га камаяди. Экспортга божларни жорий қилиш натижасида миллий ишлаб чиқарувчиларда (а+в+с+d) соҳаларда йўқотишга дуч бўладилар. Халқаро баҳоларга нисбатан ички баҳонинг камайишидан истеъмолчилар «а» соҳада ютуққа эришса, давлат эса «с» соҳада даромадга эга бўлади. Соф йўқотишлар (в +d) соҳалардан иборат бўлади.

Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш экспорт квоталарининг бир тури бўлиб, хориж мамлакатларининг айрим мамлакатларга "ихтиёрий" экспорт миқдорларини чеклашдан иборат. Бу ерда «ихтиёрий сўзи» шартли характерга эга. Чунки, экспорт қилаётган мамлакат савдо сиёсатида ўз ҳамкорлари томонидан бирорта нохушликка дуч келмаслиги учун экспорт миқдорини чеклайди.

Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш икки хил хусусиятга эга:

1. Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш миллий истеъмолчилар учун тариф ва квоталарни белгилашга нисбатан анча сезиларсиз. Шунинг учун истеъмолчилар уларни эътиборсиз қабул қиладилар ва ҳукуматга норозилик билдирмайдилар.

2. Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш шароитида хориж истеъмолчилари улар сотиб олаётган экспорт маҳсулотига юқорироқ нарх белгилашлари мумкин.

Шундай қилиб, хорижликлар ихтиёрий равишда экспортни чеклаш шароитида экспортёр кўрган йўқотишларни нархларни ошириш ҳисобига қоплашади.




42-чизма. Экспорт тарифлари (экспорт божлари) жорий қилинишининг иқтисодий оқибатлари

Савдо сиёсатини амалга оширишнинг кўриб ўтилган усулларининг ҳар бири ижобий жиҳатлари билан бирга салбий оқибатларга ҳам эга. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги даражаси кучайиб боргани сари ташқи савдо либераллаштириб борилади. Мамлакатнинг халқаро савдо ташкилотларига аъзо бўлиши бу жараённинг қонуний натижаларидан биридир. Ташқи савдони эркинлаштирилиши иқтисодиётда бозор муносабатларини янада ривожлантиришга олиб келади.

## Қисқача хулосалар

Савдо сиёсати – бюджет солиқ сиёсатининг, ташқи савдо ҳажмларини солиқлар, субсидиялар, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солишни ўз ичига олган, нисбатан мустақил йўналишдир.

Ташқи савдони тартибга солишда энг кўп қўлланиладиган усул импортга тариф белгилаш бўлиб, бунинг натижасида ички баҳоларнинг ўсиши кузатилади. Импортга тарифларни жорий қилишдан истеъмолчилар кўрган зарар ишлаб чиқарувчилар ва давлат кўрган фойдадан катта бўлади. Импортга тарифларни жорий қилишдан кўриладиган фойда ва зарарлар нисбати мунозарали масаладир. Ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш усули ҳам қўлланилади.

Экспортга субсидиялар валюта тушумини кўпайтириш, ортиқча маҳсулотдан қутулиш, ташқи бозорни эгаллаш учун қўлланилади. Экспорт субсидияларини қўллаш демпингга олиб келса бу давлатга нисбатан халқаро ҳамжамият томонидан жазо санкциялари қўлланилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни лицензиялаш ва квоталар ўрнатиш халқаро савдони тартибга солишнинг бевосита усулларидир. Халқаро савдо сиёсати воситалари ва тадбирлари мамлакат иқтисодиёти ҳолатидан келиб чиқиб ечилаётган вазифаларга мувофиқ танланади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Импортга тарифларнинг киритилишидан кўриладиган жамиятнинг соф йўқотишларини тушунтириб беринг.

2. Импортни ёқловчи фикрларга изоҳ беринг.

3. Ишлаб чиқарувчиларга субсидияларнинг импортга тарифлардан афзаллиги ва камчилиги нимада ?

4. Импорт квоталарини киритилишининг иқтисодий оқибатлари нималарда кўринади?

5. Экспортни субсидиялаш усуллари моҳиятини тушунтириб беринг.

## Асосий адабиётлар


1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.

2. Гальпирин В.И., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. – С.Петербург: 1994.

3. Жеффри Д.,Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальный подход. – М.: 1996.

4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ – 2000.

5. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономическая теория и переходная экономика. – М.: 1996.

6. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.

7. Ҳакимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма). – Т.: «Меҳнат». 1997.

# XV боб

# ТЎЛОВ БАЛАНСИ

## 15.1. Тўлов баланси тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши

Тўлов баланси — маълум давр мобайнида мамлакат резидентлари ва ташқи дунё ўртасида бўладиган битимлар статистик қайд қилинган хужжатдир. У мамлакатнинг иқтисодий алоқаларини аниқ-лўнда ифодалаб пул-кредит, валюта, бюджет-солиқ, халқаро савдо сиёсатининг ҳамда давлат қарзини бошқариш йўналишларини танлаш учун индикатор вазифасини бажаради.

Мамлакатнинг маълум вақтдаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан, ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам тўлов балансида ўз аксини топади. Ҳар қандай ташқи иқтисодий битим валюта айирбошлаш ва валюта операциялари орқали амалга оширилади. Демак, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолияти натижалари пировардида хорижий валюта тушумлари ва харажатларида ифодаланади. Шунинг учун ҳам тўлов балансини бир томондан, четдан келадиган барча тушумлар, иккинчи томондан эса, четга чиқариладиган барча тўловлар кўрсатилган ҳужжатдир деб қараш мумкин. Тушум фақат экспорт ёрдамида таъминланиши мумкин. Аксинча, хорижий товарларни ва хизматларни сотиб олиш (импорт) учун тўловлар ва хорижий валюта харажатлари билан боғлиқ бўлади. Бунда товар деганда айирбошланадиган ҳар қандай нарса тушунилади, яъни, у моддий неъмат, хизмат, ишчи кучи, капитал ва валюта бўлиши мумкин.

Тўлов балансида барча иқтисодий битимлар иккита катта гуруҳга бўлинади: жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар (6-жадвал). Шунга кўра тўлов баланси структараси ҳам икки қисмдан иборат:

1. Жорий операциялар ҳисоби;
2. Капитал ҳаракати ҳисоби.

Жорий операциялар ҳисобида маҳсулотлар ва хизматлар экспорти «плюс», импорт эса «минус» ишоралари билан белгиланади. Яъни, жорий операциялар ҳисобида ички маҳсулотлар экспорти кредит, аксинча мамлакатга маҳсулотлар олиб келиш - импорт эса дебет сифатида кўрсатилади. Чунки, маҳсулотлар экспорти хорижий валюта ишлаб топиб, мамлакат валюта захирасини бойитса, импорт эса мамлакатдан валюта чиқиб кетишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида мамлакат валюта захирасини камайтиради.

*6-жадвал*

**Мамлакат тўлов балансининг тахминий кўриниши (рақамлар шартли)**

| | Моддалар номи | Кредит (+) ёки экспорт ҳисобига тушумлар | Дебит (-) ёки импорт натижасидаги харажатлар | Соф кредит ёки соф дебит |
|---|---|---|---|---|
| | Жорий операциялар ҳисоби | | | |
| | Товарлар | +185 | -260 | -75 |
| | Ташқи савдо балансининг қолдиғи | | | -75 |
| | Хизматлар | +85 | -97 | -12 |
| | Инвестициялардан даромадлар (фоизлар ва дивидентлар) | +28 | 20 | +8 |
| | Трансферт кўринишидаги пул ўтказмалари | +10 | -18 | -8 |
| | Жорий опреациялар бўйича баланснинг қолдиғи | | | -87 |
| | Капитал ҳаракатининг ҳисоби | | | |
| | Инвестициялар ва бошқа ўрта ва узоқ муддатли капитал | +150 | -87 | +63 |
| | Капитал ҳаракати балан-сининг қолдиғи | | | +63 |
| | Жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг қолдиғи | | | -24 |
| | Расмий захиралар (олтин, ХВФ даги захиралар) | +24 | | +24 |

Жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади, уларнинг фарқи ташқи савдо балансининг қолдиғи деб юритилади. Мисолимизда бу баланс салбийдир, яъни, мамлакат товарларни четга олиб чиқишдан кўра кўпроқ олиб келади (-75).

Жорий операцияларнинг кейинги моддаси – бу, хизматлар (транспорт, суғурта, сайёҳлик хизматлари ва бошқалар) экспорти ва импортидир. Мисолимизда товарлар билан бўлган операциялардаги каби хизматлар билан бўлган операцияларда ҳам мамлакат хорижий хизматларни кўпроқ олади яъни, масалан, мамлакатда яшовчилар хорижга четдан мамлакатга келадиган сайёҳларга нисбатан кўпроқ борадилар, шунингдек, мамлакатдаги тадбиркорларга хорижий транспорт ва суғурта хизматларини кўрсатиш ҳажми хорижий тадбиркорларга мамлакатда траспорт ва суғурта компаниялари кўрсатадиган хизматлар ҳажмига қараганда юқорироқ ва ҳ.к. Бу операциялар бўйича ҳам баланс салбий қолдиққа эга (-12).

Инвестициялардан даромадлар, фоизлар ва дивидендлар бўйича тўловларни ўз ичига олади. Агар хорижга қўйилган миллий капитал учун чет тўловлари бўйича тушумлар мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий капитал учун тўланадиган тўловдар миқдоридан кўп бўлса, унда соф даромад мусбат бўлади (+8).

Трансферт кўринишида пул ўтказишлар шу мамлакатларнинг хорижда яшаётган фуқароларига тўланидаган нафақаларни, муҳожирларнинг хориждаги ўз қариндошларига пул ўтказмалари, турли кўринишдаги ҳукумат ёрдамларини ўз ичига олади. Жадвалдан кўриниб турибдики, хорижга жўнатилаётган пул ўтказишлар миқдори олинаётганига нисбатан юқори, яъни, операциялар мамлакатдаги хорижий валюта захираларини камайтиради (-8).

Жорий ҳисоблар бўйича барча операциялар йиғиндиси жорий операциялар балансини ташкил этади. Бизнинг мисолда у салбий (-87). Бу эса мамлакатда импорт операциялари натижасида хорижий валютага бўлган талаб унинг экспорт операциялари таъминлайдиган таклифдан ортиқ бўлишини англатади. Бошқача айтганда, ушбу ҳолда мамлакат тўлов баланси жорий операциялар бўйича камомадга эга.

Макроиқтисодий моделларда жорий операциялар баланси қолдиғи қуйидагича берилади:

$$X - M = Xn = Y\text{-}(C+I+G);$$

Бу ерда: X - экспорт;
M - импорт;
Xn - соф экспорт;
C + I + G -ЯИМнинг бир қисми (абсорбция).

Жорий операциялар балансида камомад бўлган шароитда, мамлакатнинг экспортдан олган даромадлари импортга қилган харажатларидан кам бўлади ва уни ташқаридан қарз олиш ҳисобига ёки мавжуд активларнинг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш орқали қоплаши мумкин. Бу операциялар соф хорижий активларнинг камайишига олиб келади.

Соф хорижий активлар (NFA) – бу, миллий резидентлар томонидан эгаллаб турилган хориж активлари ва хорижликлар эгалик қилган мамлакат активлари ўртасидаги фарқни билдиради.

Жорий операциялар балансида тақчиллик бўлмаган шароитда эса мамлакат хорижий валюталарни сарф қилишга нисбатан кўпроқ олиб келади.

Мисолимизга аксинча мамлакат жорий операциялар бўйича баланси ижобий қолдиққа эга бўлади. Бунда мамлакатда чет элда кўчмас мулкни сотиб олиш ёки бошқа мамлакатларга қарзга беришга йўналтирилиши мумкин бўлган ортиқча хорижий валюта юзага келади.

Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар тўлов балансининг кейинги бўлимида, яъни, капиталлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади.

Мамлакатда маълум бир вақтда моддий ва молиявий активларини сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ операцияларига капитал ҳаракати ҳисоби дейилади. Капитал ҳаракати ҳисоби балансида корхоналар, ер, уй-жойлар, қимматбаҳо қоғозлар, акциялар, хазина мажбуриятлари ва бошқа активларни олиш-сотиш билан боғлиқ капиталлар оқими акс эттирилади. Бу активлар сотилса ёки экспорт қилинса, хорижий валюта мамлакатга киритилади, яъни валюта тушуми кўпаяди (+150). Бироқ капитални олиб келиш билан бир вақтда уни олиб чиқиш билан боғлиқ операциялар ҳам амалга оширилади. Бунда мамлакатнинг тадбиркорлари хориждан акциялар сотиб олади, хорижликларга кредитлар беради ва шу асосда улар хорижий валюта захираларини сарфлайди. Бу операциялар дебет кўринишида акс эттирилади (-87). Капитал ҳаракати балансининг қолдиғи — бу, уни олиб келиш ва олиб чиқиш ўртасидаги фарқдир (+63).

Капитал харажатлари ҳисобида активлар бўйича барча халқаро операциялар кўрсатилади.

Капитал ҳаракати баланси = Активларни сотишдан тушадиган барча тушумлар − Хорижий активларни сотиб олишга қилинган харажатлар

Хорижга активларни сотиш валюта захирасини кўпайтирса, сотиб олиш эса уни камайтиради. Шунинг учун капитал ҳаракати баланси барча операциялардан келадиган соф валюта тушумларини кўрсатади. Капитал ҳаракати ҳисобининг ижобий қолдиғи мамлакатда капитал кўпайишини билдирса, унинг салбий қолдиғи мамлакатда капитал камайишини билдиради.

Аввал айтиб ўтилганидек, жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бизнинг мисолда биринчисининг тақчиллиги (-87) катта қисми (+63) капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади ва аксинча, агар тўлов баланси жорий операциялар бўйича мусбат қолдиққа эга бўлса, капитал ҳаракати ҳисоби баланс бўйича манфий қолдиққа йўл қўйилган бўлади.

Шундай қилиб, баланснинг бу икки бўлими бир-бири билан тенглашиб боради.

Тўлов баланси қолдиғи = Жорий операциялар + Капитал ҳаракати баланси

Бироқ, амалда тўлов балансининг бу қисмида ҳам кўпинча камомад ёки ортиқчалик юзага келади. Барча мамлакатларнинг Марказий банклари расмий захиралар деб аталувчи хорижий валюта захираларига эга бўлиб, бу захиралар жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати бўйича баланс номутаносиблигини бартараф этишда қўлланилади. Бизнинг мисолда бу номутаносиблик ёки қолдиқ (-24)ни ташкил этади ва расмий захиралардан тушумлар ҳисобига тартибга солинади.

Расмий захираларнинг қисқариши (+) камомад миқдорини ифодалайди, расмий захираларнинг ўсиши (-) эса тўлов балансининг мусбат қолдиғи миқдорини кўрсатади. Натижада унинг барча уч бўлими суммаси «0»ни ташкил этиши лозим. Бу эса хорижий валюта таклифини ва унга мамлакатда бўлган талаб тенглигини билдиради.

## 15.2. Тўлов балансининг таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқликлар

Жорий операциялар ҳисоби билан капитал ҳаракати ҳисобининг ўзаро алоқаларини умумлаштирсак, унинг макроиқтисодий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Y = C + I + G + Xn;$$

$$\downarrow$$

$$\underbrace{Y - C - G} = C + I + G + Xn - (C+G);$$

$$\downarrow$$

$$Sn = I + Xn$$

$$\downarrow$$

$(I\text{-}S) + Xn = O$ (эгилувчан валюта курси режимида марказий банк аралашмаган шароитда).

Бу ерда: Sn — миллий жамғариш;

(I-S) — миқдори ички инвестицияларнинг ички жамғармалардан ортиқчалигини кўрсатади ва капитал ҳаракати ҳисоби қолдиғини билдиради.

Асосий макроиқтисодий айниятга кўра жорий операциялар ва капитал ҳаракати ҳисоблари бир-бирига тенглашади:

$$X - M = Xn = -(I - S) = S - I$$

ташқи баланс ички баланс

Бу шуни билдирадики, тўлов балансининг жорий операциялар бўйича камомади капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади.

$$\begin{cases} Xn < O \Rightarrow X - M < O \Rightarrow X < M; \\ I - S > O \Rightarrow I > S \text{ - хориждан капитал киритилиши.} \end{cases}$$

Агарда инвестициялар (I) миллий жамғармалардан кўп бўлса (I > S), ортиқча инвестициялар хориждан олинадиган қарз ҳисобига молиялаштирилиши лозим. Бу қарзлар мамлакатга товар ва хизматларни экспорт қилишга нисбатан кўпроқ импорт қилинишини таминлайди (M>X). Яъни, соф экспорт манфий қолдиққа (Xn<0) эга бўлади. Мамлакат халқаро жараёнга қарздор бўлиб қатнашади.

Жорий операциялар мусбат қолдиққа эга бўлганда, ортиқча маблағлардан хорижга инвестиция қилишда ёки хориждан кўчмас мулк сотиб олишда фойдаланилади.

$$\begin{cases} Xn > O \Rightarrow X - M > O \Rightarrow X > M; \\ I - S < O \Rightarrow I < S \text{ - капитални хорижга чиқариш.} \end{cases}$$

Давлатлар расмий захиралар ва қарзлар ҳисобига қоплаш қобилиятига эга бўлмаган тўлов балансининг катта даврий тақчиллиги бўлган ҳолларда ўз валюталари девалвациясини амалга оширишлари мумкин. Бу импортнинг физик ҳажми кўпайишига ва оқибатда мамлакатда хорижий валюта тушумининг ўсиши ҳамда тўлов баланси камомади тугатилади.

## 15.3. Тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солиш воситалари ва усуллари

Тўлов баланси мувозанатини таъминлаш учун жорий ҳисоблар ва капитал ҳаракати қолдиқлари бир-бирини айнан қоплаши зарур бўлади. Марказий Банк валюта интервенциясини амалга ошириш чорасини кўрмаса, ва расмий валюта заҳиралари миқдорини ўзгартирмаса тўлов баланси ҳисобларини валюта курсининг эркин тебраниши ҳисобига ўзаро тартибга солиш амалга оширилади.

Бундай шароитда капитал оқиб келиши сабабли миллий валютанинг қимматлашуви, капитал чиқиб кетиши сабабли эса унинг арзонлашуви рўй беради. Валюта курсининг эркин тебраниши тўлов балансининг жорий ва капитал ҳисобларини автоматик равишда мутаносиблаштириш механизми ҳисобланади.

Эркин тебранувчи валюта курси тарафдорлари таъкидлашича, тўлов балансининг ортиқчалиги ёки тақчиллиги бундай вазиятларда тез орада барҳам топади. Буни қуйидаги эгри чизиқ орқали тушунтириб бериш мумкин:

Қуйидаги 43-чизмада кўрсатилган валюталарнинг тенглиги шароитида тўлов баланси мусбат ва манфий қолдиқларга эга бўлмади. Фараз қилайлик, ўзбекистонликларнинг истеъмолида ўзгаришлар бўлсин ва улар кўпроқ америка товарларини сотиб олишсин. Ёки, Ўзбекистонда нархлар даражаси Америкадагига нисбатан ошсин ва фоиз ставкаси эса, Америкадагига нисбатан камайсин.




43-чизма. Эркин тебранувчи валюта курслари шароитидаги тенглик

Бундай вазиятларнинг ҳар бири ёки барчаси биргаликда ўзбекистонликларнинг долларга бўлган талабини ДД дан Д1Д1 гача оширади. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тўлов балансидаги тақчиллик «а,в» кенгликда мавжуд бўлади. Ўзбекистонликларнинг экспорт операциялари «х,а» кенгликда доллар имкониятини беради. Импорт кўринишдаги операцияларни молиялаштириш учун «х,в» кенгликда доллар лозим бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, валюта курси ўзига хос баҳога эга бўлиб, ички нархларни «с», ташқи нархлар «в» билан боғлайди.

Чизмадаги «в» нуқтадан «с» нуқтага қараб силжиши тўлов балансида тенгликни таъминлайди. Долларнинг қиймати «а» нуқтадан «с» нуқтагача ошади. Юқорида кўрсатилган икки вазиятда ҳам, яъни, Америкадан Ўзбекистонга импортнинг камайиши ва аксинча, экспортнинг ошиши тўлов балансидаги камомадни йўқотиш учун олиб борилган тадбир ҳисобланади. Шундай қилиб, валюта курсларининг эркин ҳаракати тўлов балансининг ортиқчалиги ёки камомадини йўқотар экан.

Эркин тебранувчи валюта курслари тўлов балансини тенглаштиришда катта имкониятларга эга бўлсада, камчиликликлардан холи эмас. Чунончи, бундай валюта биринчидан, савдонинг ноаниқлиги ва қисқаришига, иккинчидан, савдо шароитининг ёмонлашишига, учинчидан, беқарорликка ва бошқаларга олиб келади.

Агар Марказий Банк расмий валюта заҳиралари воситасида чет эл валютасини сотиб ёки сотиб олиб валюта курсини эркин тебранишига барҳам берса валюта курсининг эркин тебраниши воситасида тўлов балансини тартибга солиш зарурати йўқолади.

Бунда тўлов баланси тақчиллиги Марказий Банк расмий заҳираларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши мумкин. Бундай вазиятда ички бозорда чет эл валютаси таклифи ошади. Қайд этилган операция экспортга хос бўлиб кредитда плюс белгиси билан (Марказий Банкда хорижий валюта захираси камайишига қарамасдан) ҳисобга олинади. Ушбу тадбир натижасида ички бозорда миллий валюта таклифи камаяди, унинг алмашинув курси нисбатан кўтарилади ва бу инвестициялар ҳажмига ҳамда иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади.

Тўлов балансининг актив-(мусбат) қолдиғи эса Марказий банкнинг расмий валюта заҳиралари миқдорининг ортишига олиб келади. Бунда Марказий банк валюта захираларини тўлдириш учун чет эл валютасини сотиб олиши натижасида ички бозорда миллий валюта таклифи нисбатан ошади, унинг алмашинув курси камаяди, бу ҳол эса иқтисодиётга (инвестициялар ҳажми ва иқтисодий ўсишга) рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Марказий банк томонидан ўтказиладиган бундай операциялар расмий резервлар билан бўладиган операциялар дейилади. Бу операциялар натижасида тўлов баланси қолдиғи нолга тенглашиши керак.

Тўлов балансининг актив қолдиғи ёки тақчиллиги мамлакат иқтисодиёти хусусиятларига қараб турлича баҳоланиши мумкин.

Валютаси халқаро ҳисоб-китобларда, ҳамда бошқа мамлакатлар захира валютаси сифатида фойдаланиладиган мамлакатлар учун тўлов баланси тақчил бўлиши табиий ҳол ҳисобланади.

Бундай мамлакатлар тўлов балансини узоқ муддат макроиқтисодий тартибга солмаслиги мумкин.

Миллий валютаси жаҳон иқтисодиётида захира валютаси ҳисобланмайдиган мамлакатлар Марказий Банкларидан расмий валюта захираси чекланганлиги туфайли тўлов балансининг узоқ муддатли тақчиллиги бу резервларнинг сарфлаб бўлинишига олиб келади. Бундай ҳолларда тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солинади. Мамлакат савдо сиёсати ва валюта алмашинув курсини ўзгартириши чораларини қўллаб чет эллардаги ўз харажатларини камайтиради, ёки экспортдан ўз даромадларини оширади.

Бундай тартибга солиш натижасида баҳолар умумий даражасининг ошиши оқибатида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, миллий валютанинг қадрсизланиши, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида бандлиликнинг пасайиши рўй бериши мумкин.

Валюта резервлари сарфлаб бўлганлиги, илгари олинган чет эл кредитларини қайтарилиш графиклари бузилганлиги туфайли бундай кредитларни яна олиш имкониятлари йўққа чиққанлиги сабабли мамлакат тўлов баланси тақчиллигининг узоқ вақт давом этиши тўлов баланси инқирози дейилади.

Тўлов баланси инқирозини ҳал этишнинг ягона йўли макроиқтисодий тартибга солиш ҳисобланади.

Ўтиш даври иқтисодиётида хорижий валютага спекулятив талаб ошиши Марказий Банкни қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки расмий валюта захиралари бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов баланси тақчиллигини ҳам ички спекулятив талабни қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Валюта алмашинув курсини тартибга солиш бу вазиятдан чиқишнинг ягона йўлидир.

Қисқа истиқболда тўлов баланси қолдиғи жамғариш ва инвестициялар ҳажмларини белгиловчи омиллар (масалан бюджет солиқ сиёсати, фоиз ставкалари) таъсирида ўзгариши мумкин.

Агар мамлакатда рағбатлантирувчи фискал сиёсат юргизилса бу ҳол миллий жамғармаларнинг пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида жорий операциялар ҳисоби бўйича тақчилликка, капитал ҳаракат ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Чекловчи фискаль сиёсат миллий жамғармалар ҳажмларини оширади, бу ўз навбатида капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Жаҳон фоиз ставкаларининг ошиши капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа эришишга олиб келади. Жаҳон фоиз ставкаларининг пасайиши эса акс натижаларга олиб келади.

## 15.4. Ўзбекистонда тўлов балансини ишлаб чиқиш тажрибаси

Очиқ иқтисодиётли кўплаб мамлакатлар ўз тўлов балансларини ХВФ тавсия этган тарх бўйича ишлаб чиқадилар. Бу тарх ривожланган бозор муносабатлари шароитида амалга ошириладиган барча иқтисодий операцияларни амалга оширади. Тўлов балансининг маълумотлари мунтазам чоп этилади ва давлатнинг кредит қобилияти ҳақидаги гувоҳнома сифатида халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳамда тадбиркорлари томонидан кредитлаш ва молиялаштириш, молиявий, техника ва моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этишда қўлланилади.

Ўзбекистонда тўлов баланси фақат Республика мустақилликка эришганидан ва бозор муносабатларига ўтишидан кейин тузила бошланди. Жаҳон бозорида тенг ҳуқуқли шерикчилик Республикани халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида аниқ маълумотларни талаб этади. Шунинг учун Республика тўлов баланси ХВФ тафсияларига жуда яқинлаштирилган тарх асосида тузилган.

## Қисқача хулосалар

Халқаро савдо ва молия операцияларида ҳар хил валюталар қўлланилади. Мамлакатнинг экспорт операциялари миллий валютага хорижда талабни ва бир вақтнинг ўзида хорижий валюта таклифини келтириб чиқаради. Импорт хорижий валютага ички талабни ва миллий валюта таклифини келтириб чиқаради. Мамлакат ичкарисида резидентлар билан хорижий резидентлар ўртасидаги барча ишлар ушбу мамлакат тўлов балансида қайд қилинади.

Тўлов баланси бирор бир мамлакатга четдан келадиган барча тушумлар ва иккинчи томондан эса четга чиқадиган барча тўловлар кўрсатилган ҳужжат ҳисобланади. Бунда барча иқтисодий битимлар иккита гуруҳга бўлиниб, жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар деб аталади.

Тўлов балансининг тақчиллиги ёки тўлов балансининг актив сальдоси жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг ижобий ёки салбий қолдиғи миқдорини ифодалайди. Тўлов баланси тақчиллиги расмий захираларнинг қисқариши ҳисобига қопланса унинг актив сальдоси расмий захираларнинг ўсишига олиб келади.

Миллий валютаси резерв валюта ҳисобланган давлат учун узоқ давом этадиган тўлов баланси тақчиллилиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қатъий белгиланган валюта курси тизимида тўлов балансини тартибга солиш учун ташқи савдо сиёсати, пул кредит ва фискал сиёсат воситаларидан фойдаланилади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Мамлакат тўлов баланси неча қисмдан иборат ва уларда нималар қайд этилади?

2. Тўлов баланси таркибий қислари ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг.

3. Жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни қандай тушунасиз?

4. Эркин тебранувчи валюта курси тизимида тўлов баланси қай йўсинда барқарорлашади?

5. Тўлов баланси тақчиллиги қандай бартараф қилинади?

## Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.

2. Жеффри Д.,Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальный подход. – М.: 1996.

3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ – 2000.

4. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономическая теория и переходная экономика. – М.: 1996.

5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.

6. Ҳакимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма). – Т.: «Меҳнат», 1997.

# XVI боб

# ВАЛЮТА КУРСИ

## 16.1. Валюта ва жаҳон валюта тизими тушунчаси

Халқаро валюта муносабатлари пулнинг халқаро тўлов обороти амал қилиши жараёнида вужудга келади. У ташқи савдо билан бирга пайдо бўлди ва ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди. Тарих давомида жаҳон пули ва халқаро ҳисоб-китоб шакллари ўзгарди. Бир вақтда валюта муносабатлари аҳамияти ўсди ва уларнинг нисбатан мустақил даражаси ошди. Товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракати мамлакатдан мамлакатга кўчадиган пул массаларининг оқими ёрдамида амалга ошади. Бу ҳаракатни тартибга солиш зарурияти халқаро валюта тизими ва жаҳон валюта тизимларининг шаклланишига олиб келди. Валюта — кенг маънода мамлакат пул бирлигини (масалан, сўм, доллар, марка, фунт-стерлинг ва ҳоказо) англатади. Қисқа маънода валюта атамаси чет давлатларнинг пул белгиси маъносида қўлланилади. Ҳар бир миллий бозор хусусий миллий валюта тизимига эга.

Миллий валюта тизими базасида жаҳон бозори ривожланиши натижасида таркиб топадиган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш шакли бўлган жаҳон валюта тизими амал қилади.

Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар оқими кўпайгани сари пул воситаларини айирбошлаш ҳам тобора ошиб боради, ўзаро ҳисоб-китоблардаги номутаносиблик муаммолари юзага келади. Буларнинг барчаси жаҳон валюта тизимининг барпо этилишига объектив шарт-шароитлар яратади. Унинг мақсади - мамлакатлар ўртасидаги барча турдаги битимларни амалга оширишни тартибга солишдан ва шунингдек, бу ишларни тезлаштиришдан иборат. Шундай қилиб, жаҳон валюта тизими - бу, халқаро айирбошлашнинг барча шаклларига хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йиғиндисидир. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Халқаро битимларда фойдаланиладиган тўлов ва кредит воситаларини (олтин, энг ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари, халқаро пул бирликлари);

2. Валюта курсларини ўрнатиш ва сақлаб туриш механизмини;

3. Валюта бозорининг ишлаш тартибини;

4. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиб ва қоидаларини;

5. Валюта ёрдамида тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини;

6. Валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи жаҳон валюта тизимининг барқарор фаолиятини таъминловчи халқаро ташкилотлар тизими (Халқаро валюта фонди, Умумжаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки).

Ҳозирги замонда халқаро ҳисоб-китобларда ва кредитлашда асосан уч хил кўринишдаги пул воситалари ишлатилади:

- олтин, ҳозирда ўзининг асосий тўлов ва ҳисоб-китоб воситаси хусусиятини йўқотган бўлсада, аммо кўпчилик валюта захираларининг сезиларли қисмини ташкил этади ва муҳим ташқи савдо операцияларига хизмат қилиш ва кредитлашни кафолатлаш учун ишлатилади;

- жаҳонда асосий ўрин тутувчи ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари (АҚШ доллари, ЕВРО, Инглиз фунт-стерленги, Япония иенаси ва бошқалар);

- халқаро пул бирликлари.

Бундай пул бирликларига шу пайтга қадар фойдаланилаётган ЭКЮ, СДР мисол бўла олади. Улар барча мамлакатлар томонидан ташқи савдо операцияларини амалга оширишда ишлатилади. Хорижда кредитлаш ва инвестициялашда, чет эллик иш кучи меҳнатига, шунингдек, мамлакат валюта захираларини яратишда қўлланилади.

Халқаро валюта ёки халқаро тўлов, ҳисоб ва кредитлаш воситаларига жавоб бериши керак бўлган талаб уларнинг конвертирлашуви ҳисобланади. Валюта конвертирланувчи деганда уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушинилади. Ҳозирги пайтда улар эркин конвертирланадиган, қисман конвертирланадиган ва конвертирланмайдиган валюталарга ажратилади.

**Эркин конвертирланадиган валюта** — бу, амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валюта эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Бунга мисол қилиб АҚШ, Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар, Японияларнинг валюталарини киритиш мумкин.

**Қисман конвертирланадиган валюта** — бу, фақат баъзи хорижий валюталарга алмаштириладиган ва халқаро тўлов оборотини қисман қамраб оладиган миллий валютадир.

**Конвертирланмайдиган валюта** — бу, фақатгина ички тўловларга хизмат қиладиган ва хорижий валютага айирбошланмайдиган миллий валютадир.

Конвертирлашни **ички ва ташқи** конвертирлашга ҳам ажратиш мумкин. Ички конвертирлаш резидентларининг мамлакат ичкарисида хорижий валютани сотиб олиши, уни сақлаб туриши ва у билан айрим операцияларни олиб боришини имкониятини акс эттиради. Ташқи конвертирлашда хорижда тўловларни амалга оширишга ва молиявий активларни ушлаб туришга рухсат этилади. Валюталарни конвертирлаш кўпгина мамлакатлар олиб бораётган иқтисодий сиёсатларнинг муҳим мақсади ҳисобланади.

## 16.2. Валюта бозорини давлат томонидан тартибга солиш усуллари

Бозордаги талаб ва таклиф таъсири натижасида вақти-вақти билан валюта курслари ўзгариб туради. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун валюта бозорининг амал қилишига бевосита ёки билвосита аралашиши зарур. Бунинг бир қатор усуллари мавжуд:

1.**Захиралардан фойдаланиш**. Валюта курсини мустаҳкамлашнинг кўпроқ қўлланиладиган усули - расмий захиралар билан бозорда манипуляция қилиш ҳисобланади. Ўз-ўзидан аниқки, валюта захиралари алоҳида мамлакатлар ихтиёридаги чет мамлакатлар валюталарининг захирасидир (Масалан, АҚШ доллари, ЕВРО ва ҳ.к.).

2. **Савдо сиёсати**. Валюта бозорига таъсир кўрсатишнинг бошқа тадбирларига савдо ва молиявий оқимлар устидан тўғридан-тўғри назорат қилишни киритиш мумкин. Масалан, АҚШ долларининг стишмаслиги шароитида валюта курсини тегишли даражада импортни чеклаш ҳисобига ушлаб туриш мумкин. Хусусан импорт ҳажми бож ёки импорт квоталарини киритиш билан қисқариши мумкин. Бошқа томондан мамлакат ҳукумати экспорт учун миллий ишлаб чиқарувчиларга субсидия бериб, шу орқали хорижий валюта таклифини кўпайтириши мумкин. Бу тадбирлардан фойдаланишда вужудга келадиган асосий муаммо шундан иборатки, у жаҳон савдоси ҳажмини қисқартиради, унинг таркибини ва савдо алоқаларини ўзгартириб юборади, иқтисодий мақсадга мувофиқликнинг бузилишига ҳиссасини қўшади. Бунинг оқибатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

3. **Валюта назорати**. Бошқа муқобил вариант валюта назорати ҳисобланади. Валюта назорати шароитида ҳукумат миллий экспортёрлар олган барча тегишли чет эл валюталарини давлатга сотиш талаби билан уларнинг стишмаслиги муам-

мосини ҳал қилиши мумкин. Кейин, ҳукумат ўз навбатида чет эл валютасининг бу захирасини турли миллий импортёрлар ўртасида тақсимлайди. Шу йўл билан ҳукумат миллий импортни, миллий экспорт ҳисобидан олинган чет эл валютаси миқдорига чеклайди.

Валюта назорати тизими бир қатор камчиликларга эга. Биринчидан, савдо чеклашлари (бож, квота, экспортга субсидия) каби валюта назорати нисбий устунлик тамоилига асосланган халқаро савдонинг таркиб топган алоқаларини бузади. Иккинчидан, етарли бўлмаган валюта ресурслари устидан валюта назорати жараёни, сўзсиз, алоҳида импортёрларни камситилиши билан боғлиқ. Учинчидан, назорат тадбирлари истеъмолчининг танлаш эркинлигига тажовуз қилиш ҳисобланади.

4. **Ички макроиқтисодий тартибга солиш.** Валюта курси барқарорлигини ушлаб туришнинг охирги воситаси ички солиқ ёки пул сиёсатидан шундай фойдаланиш ҳисобланадики, бунда тегишли чет эл валютасининг етишмаслиги бартараф қилинади. Масалан, чекловчи солиқ ва пул кредит сиёсати тадбирлари мамлакат миллий даромадини бошқа бир давлат миллий даромадига нисбатан пасайтиради. Чунки, импорт миқёси миллий даромад даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бу ўша бошқа давлат буюмларига ва демак, хорижий валютага талабнинг чекланишига олиб келади.

## 16.3. Валюта курси ва уни белгиловчи омиллар

Барча халқаро битимлар валюталарни айирбошлаш орқали олиб борилиши туфайли ҳар қандай айирбошлашда бўлгани каби валюта баҳосини ёки валюта курсини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, **валюта курси** – бу, бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигида ифодаланган баҳосидир. Валюта курсини ўрнатиш **котировкалаш** деб аталади. У тўғри ва тескари котировкалашга ажратилади. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, бунга тўғри котировкалаш деб аталади. Масалан, 1 АҚШ доллари 975 сўмга, 1 Россия рубли 32 сўмга тенг ва ҳакозо. Тескари котировкалашда миллий валютанинг бир бирлигига тўғри келадиган хорижий валютанинг миқдори ўрнатилади. Масалан, 1 ўзбек сўми 0,001025 АҚШ долларига тўғри келади. Дунёнинг кўп мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам тўғри котировкалаш қабул қилинган. Валюта бозоридаги талаб ва таклифни солиштириш натижасида валютанинг баҳоси ёки курси аниқланади. Ўзбек сўмининг курси Ўзбекистон валюта биржасида ўрнатила-

ди, унинг иштирокчилари валюта операцияларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган банклар ҳисобланади. Шу билан бирга, турли пул бирликлари учун валюта курсларини ўрнатиш жараёнида бозор кучларининг таъсир этиш даражаси бир хил эмас. Бу таъсир кучига боғлиқ ҳолда валюта курсларини қабул қилишнинг бир-биридан фарқ қилувчи икки варианти мавжуд.

1. Талаб ва таклифга асосан аниқланадиган эгилувчан ёки эркин сузиб юрувчи валюта курси тизими.

2. Давлат аралашуви асосида аниқланадиган қатъий белгиланган валюта курси тизими.

Эркин сузиб юрувчи валюта курслари талаб ва таклиф асосида аниқланади. Масалан, бир ўзбек сўмининг АҚШ долларига алмашишини қараб чиқамиз. Миллий валюта курсининг пасайиши натижасида долларга талаб камаяди ва таклиф эса ошади (44-чизма).

Долларга бўлган талабнинг камайиши ДД тўғри чизиғида берилган. Бу шуни кўрсатадики, агарда доллар ўзбекистонликлар учун арзон бўлса, америка товарлари ҳам улар учун арзон бўлади ва бу, ўз навбатида, уларнинг америка товарларига бўлган талабини оширади.




44-чизма. Хорижий валюта бозори

Долларнинг таклифи (SS) камайса, сўмда белгиланган долларнинг қиймати ошади (яъни, долларда белгиланган сўмнинг қиймати пасаяди). Бундай вазиятларда америкаликлар кўпроқ ўзбек товарларини сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Чунки,

сўмнинг долларга нисбатан қиймати пасайса, у ўз навбатида ўзбек товарларининг нархи ҳам пасайганини билдиради ва оқибатда кўпроқ ўзбек товарларини сотиб олиш имкони пайдо бўлади.

Ўзбек товарларини сотиб олиш жараёнида улар АҚШ долларини валюта бозорига олиб чиқади, чунки, ўзбек товарларини сотиб олиш учун долларни сўмга алмаштиришади. Долларга бўлган талаб ва таклифнинг кесишган нуқтаси долларнинг сўмдаги қийматини билдиради.

Агарда, долларнинг сўмдаги қиймати ошса, сўм қийматининг пасайганлигини ёки қадрсизланганлигини кўрсатади. Аксинча, агарда долларнинг сўмдаги қиймати пасайса, сўм қийматининг ошганлигини ёки сўмнинг қимматлашганлигини кўрсатади. Бир бирлик хорижий валютани сотиб олиш учун кам миқдорда миллий валюта сарф қилиш миллий валютанинг қимматлашувини билдиради. Агарда, долларга нисбатан сўм қадрсизланса, доллар сўмга нисбатан қимматлашади.

Қайд этилган валюта курси – бу, хорижий валютада ифодаланган, давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди.

Қайд қилинган валюта курси тизими тарафдорлари таъкидлайдиларки, ундан фойдаланиш халқаро савдо ва молия билан боғлиқ бўлган таҳлика ва ноаниқликни камайтиради. Қайд қилинган валюта курсларини қўллаш ўзаро фойдали савдо ва молиявий операциялар ҳажмини кенгайтиришга олиб келади. Аммо, қайд қилинган валюта курслари тизимининг ҳаётга лаёқатлилиги ўзаро алоқалар жараёндаги икки шароитга боғлиқ:

- захираларнинг мавжудлиги;
- ўз ҳажми бўйича сезиларсиз камёблик ёки тўлов баланси активларининг тасодифий вужудга келиши. Катта ва доимий камёбликлар мамлакат захираларини йўққа чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, валюта курсларининг талаб ва таклиф таъсири остида шаклланиш даражаси, ўз-ўзича курслар ўртасидаги нисбатларга таъсир этувчи реал жараёнларни аниқлаб бера олмайди. Чет эл валюталарига талаб ва таклифга, демак, валюта курсларига мамлакатдаги ҳам ички ва ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар мажмуи бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Валюта курсларининг ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Уларни қисқача қараб чиқамиз:

1. Истеъмолчи дидидаги ўзгаришлар. Истеъмолчилар дидининг бошқа мамлакат буюмларига нисбатан ўзгариши бу мамлакат валютасига талаб ёки таклифни ҳамда унинг валюта курсини ўзгартиради.

2. Даромадлардаги нисбий ўзгаришлар. Агар бир мамлакатда миллий даромаднинг ўсиши, бошқа мамлакатдаги бу кўрсаткичнинг ўсишидан устун бўлса, бунда унинг валюта курси пасаяди. Мамлакатнинг импорти унинг даромади даражасига тўғри боғлиқликка эга.

3. Баҳодаги нисбий ўзгаришлар. Агар бир мамлакат, масалан, АҚШ ички баҳо даражаси тез ўсса, бошқа мамлакат, масалан, Буюк Британияда бу даража ўзгаришсиз қолса, бунда америкалик истеъмолчи нисбатан арзон Британия товарини излайди ва шу билан фунтга талабни оширади. Аксинча, британияликлар Америка товарларини сотиб олишга кам мойил бўлади ва бу фунт таклифини пасайтиради. Фунтга талаб ўсиши ва таклиф пасайишининг бу уйғунлашуви долларларнинг қадрсизланишини келтириб чиқаради.

4. Нисбий реал фоиз ставкалари. Фараз қиламиз, АҚШ инфляцияни қувиб ўтиш мақсадида « қиммат пул» сиёсатини амалга ошира бошлайди. Натижада, реал фоиз ставкалари (инфляция суръатини ҳисобга олиб ўзгартирилган (корректировка қилинган) фоиз ставкалари) АҚШда бошқа мамлакатлар, масалан, Буюк Британияга қараганда кўтарилади. Британиялик жисмоний шахс ва фирмалар ишонч ҳосил қиладики, АҚШ молиявий воситаларни қўйиш учун жуда жозибадор ва қулай жойга айланади. Америка молиявий активларига талабнинг бу кўпайиши Англия фунти таклифининг кенгайганлиги ва шу сабабли доллар қиймати ўсганлигини билдиради.

5. Спекуляция. Фараз қиламиз, АҚШ иқтисодиётида қуйидагилар кутилади:

а) Британияникига қараганда тез ўса бошлайди;

б) Британияникига қараганда анча кучли инфляцияга дуч келади;

в) Британияга қараганда анча паст реал фоиз ставкаларига эга бўлади.

Бу тахмин (прогноз)лар келажакда доллар курси пасайиши, фунт курси эса, аксинча кўтарилишидан дарак беради. Демак, долларни ушлаб турувчилар уларни фунтга айлантиришга ҳаракат қилади ва шу билан фунтга бўлган талабни оширади. Бу алмашиш, доллар курсининг пасайишини ва фунт курсининг ошишини келтириб чиқаради.

Тўлов баланси инқирозини ҳал этишнинг ягона йўли макроиқтисодий тартибга солиш ҳисобланади.

Ўтиш даври иқтисодиётида хорижий валютага спекулятив талаб ошиши Марказий Банкларни қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки расмий валюта заҳиралари бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов

баланси тақчиллигини ҳам ички спекулятив талабни қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Валюта алмашинув курсини тартибга солиш бу вазиятдан чиқишнинг ягона йўлидир.

Қисқа муддатли истиқболда тўлов баланси қолдиғини жамғариш ва инвестициялар ҳажмларини белгиловчи омиллар (масалан, бюджет солиқ сиёсати, жаҳон фоиз ставкалари) таъсирида ўзгариши мумкин.

Агар мамлакатда рағбатлантирувчи фискал сиёсат юргизилса бу ҳол миллий жамғармаларнинг пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Чекловчи фискал сиёсат миллий жамғармалар ҳажмларини оширади, бу ўз навбатида капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа эришишга олиб келади.

Жаҳон фоиз ставкаларининг ошиши капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа эришишга олиб келади. Жаҳон фоиз ставкаларининг пасайиши эса акс натижаларга олиб келади.

Номинал ва реал валюта курслари ўзаро фарқланади. Номинал валюта курси валюталарнинг алмашинув курси дейилади. Юқорида биз айнан номинал валюта курси ҳақида фикр юритдик.

Реал валюта курси икки мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий баҳосидир.

Реал валюта курси бир мамлакат товарлари бошқа мамлакат товарларига алмашиши мумкин бўлган нисбатни кўрсатади, шу туфайли у **савдо шароити** ҳам деб юритилади.

Номинал ва реал валюта курслари ўртасидаги нисбат қуйидаги кўринишга эга.

$$Er = En \frac{Pd}{Pt}$$

Бу ерда : Er – реал валюта курси;

En - номинал валюта курси ;

Pd – миллий валютада кўрсатилган ички баҳолар даражаси (индекси);

Pt – хорижий валютада кўрсатилган чет элдаги баҳолар даражаси (индекси).

Ҳар иккала мамлакатдаги баҳолар даражаси (индекси) бир хил базис йилга нисбатан берилган. Реал валюта курсининг кўтарилиши (пасайиши) бу мамлакат товарлари рақобатбардош-

лигининг пасайганлиги (ошганлиги) тўғрисида гувоҳлик беради.

Умуман валюта курси товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучларнинг мамлакатлараро ҳаракатини ўзига хос бошқариб турувчиси ҳисобланиб, уни ўзгариб туриши мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ҳамда бутун макроиқтисодий вазиятга кучли таъсир қилади. Бу таъсирни шундай вазият мисолида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, ўзбек сўмининг курси 1000 Туркия лирасига нисбатан 30 сўмдан 32 сўмгача пасайган бўлсин, яъни, сўм Туркия лирасига нисбатан арзонлашган ва аксинча, лира сўмга нисбатан қимматлашган бўлсин. Бундай ҳолатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 720 сўмлик қийматга эга бўлган товар Туркия бозорида арзонлашиб боради ва энди бу товар 100 минг (720/7,2х1000) эмас, балки 72 минг лира туради (720/10х1000). Натижада, товарнинг рақобатга чидамлилиги орта боради ва унга бўлган талаб ошади, экспорт рағбатлантирилади. Бироқ миллий валютани Туркияга чиқариш Ўзбекистон учун фойдали бўлмай қолади. Туркияда ишлаб чиқарилган 2000 лиралик маҳсулот энди ўзбек сўми курсининг пасайиши ва Туркия лираси курсининг қимматлашуви натижасида ўзбек бозорида 14,4 сўм (2000х7,2/1000) эмас, балки 20 сўм (2000х10/1000) туради. Кўриниб турибдики, маҳсулот нархи қимматлашади ва шу сабабли уни олиб келиш қисқариб боради, ва аксинча, ўзбек сўми курси ошиб бориши билан Туркиядан товар олиб келиш ва капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

## 16.4. Валюта курси ва фоиз ставкаси

Пул нафақат муомала ёки тўлов воситаси, балки жамғариш воситаси ҳам ҳисобланади. Ифляция шароитида жамғариш воситаси сифатида миллий валютадан эмас, балки хорижий валютадан фойдаланилади.

Валюта бозори, депозитлар (қўйилмалар) ва қимматбаҳо қоғозлар бозори билан бевосита алоқага эга. Бунда асосан фоиз меъёрлари асосий аҳамиятга эга. Агарда, фоиз меъёрлари баҳолар ўсишини қопласа, мижозлар эса молия институтларига ишонч ҳосил қилишса, жамғарма бозори валюта бозорига асосий рақобатчи бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатларнинг статистик кузатишларидан шу маълум бўлганки, депозитлар ва қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги операциялар ўсиши билан, валюта бозорларига истеъмолчилар томонидан бўладиган таъсир ўз-ўзидан камаяди.

Сармоячилар қандай қилиб бўлса ҳам ўзларининг вақтинча

бўш турган ресурсларидан унумли фойдаланиш ва шунингдек, нафақат ўз ресурсларидан, балки хориж активларидан ҳам фойдаланиш йўлларини излашади. Чунки, жаҳон молия бозорининг асосий қисмини капитал активлар ташкил этади.

Фоиз ставкаси (r-ички ва r'-ташқи), капитал оқими ва валюта курслари (E) ўртасида ўзаро алоқа мавжуд. Валютанинг ўзгариб туриши активларнинг кўчишига олиб келади ва ўз навбатида, капитал оқими валюта курсларининг ўзгаришига йўл кўрсатувчи ҳисобланади. Шундай қилиб, қисқа муддатли даврларда улар қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$Et = E1 \times (Rt/R' - R1/R').$$

Бунда: t- қисқа муддатли прогнозларни билдиради;

E1 ва R1- лар бошланғич қиймат.

Агарда, депозит ставкалари ошса, пул оқими валюта курсининг ошишига олиб келади. Хорижий сармоядорлар учун, яъни, ушбу мамлакат депозитига ўз сармояларини қўйишни хоҳловчилар учун уларнинг валюталари фоиз ставкаларидан келадиган фойдадан кўра қимматлироқ бўлади.

## 16.5. Номинал ва реал валюта курслари ўртасидаги нисбат. Харид қобиляти паритети

Энди биз номинал алмаштириш курсидаги ўзгаришга тўхтаб ўтамиз. Реал алмаштириш курси ва номинал алмаштириш курсларининг нисбатини эсга олайлик:

$$Er = En \times (P/P')$$

Ушбу тенглама кўрсатяптики, номинал алмаштириш курсини аниқлаш реал алмаштириш курсига ва икки мамлакат нархлар даражаси нисбатига боғлиқ. Агарда, АҚШда нархлар даражаси P ошса, номинал алмаштириш курси En камаяди, яъни, унга олдингига нисбатан камроқ сўм олиш мумкин. Ёки, аксинча, Ўзбекистонда нархлар даражаси P' ошса, номинал алмаштириш курси ошади, чунки сўмнинг қиймати арзонлашади ва долларга кўпроқ миқдорда сўм олиш мумкин.

Алмаштириш курсларидаги ўзгаришларни маълум бир даврга таҳлил қилиш фойдалидир ва унинг тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:

**Ўзгариш En (%) = Ўзгариш Er (%) + Ўзгариш P'(%) - Ўзгариш P(%)**

Фоиз кўринишида Er нинг ўзгариши реал алмаштириш курсининг ўзгаришини кўрсатади. Фоиз кўринишида Р нинг ўзгариши, бу биздаги инфляция даражасини (П) кўрсатади, фоиз кўринишида Р' нинг ўзгариши эса бошқа мамлакатлардаги инфляция даражасини П' кўрсатади. Шундай қилиб, фоиз кўринишда номинал алмаштириш курси қуйдаги кўринишга эга бўлади:

**Ўзгариш En(%) = Ўзгариш Er (%) + (П' - П); ёки**

**Фоиз кўринишида номинал алмаштириш курсидаги ўзгаришлар = Фоиз кўринишида реал алмаштириш курсидаги ўзгаришлар + Инфляция даражасидаги фарқ.**

Бу тенглама икки мамлакат валютасининг номинал алмаштириш курсидаги ўзгаришлар ва реал алмаштириш курсидаги ўзгаришлар инфляция даражаларидаги фарқларга тенглигини кўрсатади. Агарда, Ўзбекистонда инфляция даражаси АҚШдагига нисбатан юқори бўлса, маълум бир вақт давомида долларга кўпроқ сўмларни олиш мумкин. Ёки, Ўзбекистонда инфляция даражаси АҚШдагига нисбатан паст бўлса, аксинча бўлади.

Шунингдек, номинал курсларга харид қобилияти паритети қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Харид қобиляти паритети концепцияси нархларнинг тенглашуви назариясига асосланади. Яъни, бир хил товар турли жойларда ҳар хил нархларда сотилиши узоқ давом этмайди. Агарда Фарғонада бир килограмм гўшт Тошкентдагига нисбатан арзон сотилса, уни Фарғонадан сотиб олиб келиб, Тошкентга сотиш натижасида фойда олиш мумкин. Бундай вазиятлардан олиб сотувчилар ҳамма вақт фойдаланишга тайёр туришади. Бу эса, Фарғонада гўштнинг нархи ошишига, Тошкентда эса тушишига олиб келади ва иккала бозорда ҳам нархлар тенглигига эришилади.

Бир хил нархлар қонунини халқаро бозорларда қўллаш сотиб олиш қобилятидаги паретет номини олган. Яъни, агарда халқаро бозорларда олиб сотарлар фаолият кўрсатса, доллар барча мамлакатларда бир хил сотиб олиш қобилиятига эга бўлади. Буни қуйдагича тушунтириш мумкин: Агарда, долларга мамлакат ичида чет мамлакатларга нисбатан кўпроқ маҳсулот сотиб олиш мумкин бўлса, у ҳолда мамлакат ичкарисида сотиб олинган маҳсулотни четга сотиш орқали фойда олиш мумкин. Фойда кетидан қувган олиб сотарлар ички нархларни ташқи нархларга тенглаштиради. Шундай қилиб, халқаро олиб

сотарлар фаолияти турли мамлакатларда нархларнинг тенгланишига олиб келади.

Харид қобилияти паритсти концепциясига кўра валюта курси доимо турли мамлакатларда баҳолар даражасининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиган фарқни қоплаш учун зарур бўлган даражада ўзгаради. Яъни:

$$r = \frac{Pd}{Pt}$$

Бу ерда: r — хорижий валютанинг миллий валютадаги баҳоси;
Pd — ички баҳолар даражаси;
Pt — чет элдаги баҳолар даражаси.

Биз харид қобилияти парстсти концепциясини реал алмаштириш курси моделида ифодалашимиз мумкин. Халқаро олиб сотарларнинг тез ҳаракатлари шуни кўрсатяптики, соф экспорт ҳар қандай ўзгаришлар натижасида тез ўзгаради. Миллий товарлар нархининг чет товарларга нисбатан камайиши ёки бошқача айтганда реал алмаштириш курсларининг пасайиши, олиб сотарларни ўз мамлакатидан товарларни сотиб олиб, четга сотишга ундайди, ёки, аксинча. Шундай қилиб, соф экспорт эгри чизиғи реал алмаштириш курсига нисбатан янада қиялашади. Яъни, турли мамлакатлар валюталарининг харид қобилиятини тенглаштиради, реал алмаштириш курсларидаги ҳар қандай ўзгаришлар эса соф экспорт миқдорида ўзгаришларга олиб келади.

Харид қобилияти паритет концепциясидан иккита асосий хулоса келиб чиқади (45-чизма). Биринчидан, соф экспорт эгри чизиғи пасайиб борувчи траекторияга эга. Жамғарма ва инвестициялар миқдорининг ўзгариши номинал ёки реал алмаштириш курсларига старлича таъсир кўрсатади. Иккинчидан, реал, қайд қилинган, номинал алмаштириш курсидаги барча ўзгаришлар нархлар даражасидаги ўзгаришлар натижасида келиб чиқади.

Харид қобилияти паритети назарияси валюта курсларининг тебранишини тушунтиришга ёрдам беради (Г.Кассел томонидан исботлаб берилган). Бу назарияга кўра, курслар ўртасидаги нисбатларни аниқлаб бериш учун икки мамлакат истеъмол товарларининг шартли «савати» баҳоларини таққослаш талаб қилинади. Масалан, агар Ўзбекистонда бундай сават, айтайлик, 500 сўм, АҚШ да эса 10 доллар турса, 500 сўмни 10 га бўлиб, 1 долларнинг баҳосини ҳосил қиламиз, бу 50 сўмга тенг экан. Агарда Ўзбекистонда муомаладаги пул массасининг кўпайиши натижасида, товарлар баҳоси икки марта ошса, АҚШ да эса

ўзгаришсиз қолса ва ҳамма шароитлар тенг бўлганда долларнинг сўмга нисбатан айирбошлаш курси икки мартага ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида асосан гиперинфляция рўй берганда харид лаёқати паритети назарияси курснинг нисбатларини олдиндан айтиш имконини беради. Валюта курсларининг ўзгариши экспорт маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар имкониятига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, агарда Буюк Британиянинг бир фунт стерлинги 1,5 АҚШ долларига айирбошланса, АҚШ учун Буюк Британия экспортёрларининг 100 доллар тушуми 66,66 фунт стерлинга тенглашади. Валюта курсларининг 1:1,2 нисбатга ўзгариши сотишнинг ўзгармас ҳажмида тушумнинг 83,3 стерлинга кўпайишига олиб келди. Валюта курслари миллий иқтисодиётга, ишлаб чиқариш ва ундаги бандликка сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Миллий валюталар курсининг пасайиши мамлакатлар экспорт имкониятини оширади. Аммо мамлакат экспорти хом ашё товарлари импортига асосланса, бунда валюталар курсининг пасайиши экспорт қилинадиган товарлар баҳосининг ўсишига олиб келади ва бу уларнинг рақобатга лаёқатлилигига таъсир кўрсатиши мумкин. Валюта курсларининг ошиши мамлакатлар экспорт имкониятларини ёмонлаштиради. Валюта курсларининг беқарорлиги ташқи иқтисодий алоқаларга салбий таъсир кўрсатади. Унинг тебраниши халқаро битимларда ноаниқлик ва таҳлика даражасини кўпайтиради. Шу сабабли валюта курси ҳам мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда тартибга солишнинг муҳим объекти ҳисобланади. Давлат бевосита тартибга солиш воситаси сифатида валюта интервенцияси ва дисконт сиёсатидан фойдаланиш мумкин.




45-чизма. Харид қобилияти паритети.

Дисконт сиёсатида банк ҳисоб ставкасини ошириб ёки тушириб чет эл капиталлари кириши ёки чиқиб кетишига таъсир кўрсатиши мумкин. Тартибга солишнинг кўпроқ универсал усули валюта интервенцияси ҳисобланади. Бунда Марказий банклар таклифи етарли бўлмаган, курси эса юқори бўлган чет эл валюталарини сотади, уларни таклиф ортиқча ва курси паст бўлганда сотиб олади. Бу билан талаб ва таклифни тенглаштириб, миллий валюта курси тебраниш чегарасини чеклайди. Валюта интервенциясини қўллаш захира валюта фондининг миқдори билан чекланади, шу сабабли валюталарни сотиш, албатта, уларни сотиб олиш билан алмаштириб турилиши лозим. Бундан ташқари инфляциянинг юқори суръатида валюталар курси валюта харид қилиш кучлари нисбатининг ўзгариши туфайли пасаяди. Бу ҳолда валюта интервенцияси мазкур мамлакат валютасининг девальвацияси билан бирга бориши зарур.

## 16.6. Макроиқтисодий сиёсатнинг номинал ва реал валюта курсларига таъсири

Реал валюта курслари жамғарма ва сармоялар ўртасидаги фарқни кўрсатувчи вертикал тўғри чизиқ ва соф экспорт миқдорини кўрсатувчи, ўнгдан пастга эгилган эгри чизиқ кесишган нуқтада тенгликка эришади (46-чизма). Ушбу нуқтада хорижга кредит бериш сифатида кўрсатилган миллий валюта таклифи, хорижликларнинг ушбу мамлакатдан соф экспортни сотиб олиши учун зарур бўладиган миллий валюта талаби билан кесишади. Бу шуни билдирадики, реал валюта курси капитал билан бўладиган операциялар бўйича миллий валюта таклифини жорий операциялар учун унга бўлган талабни тенглаштиради.




46- чизма. Реал алмаштириш курсидаги мувозанат

Давлат харажатларининг ошиши (ёки солиқларнинг камайиши) миллий жамғармаларни камайтиради ва (S-I) эгри чизиқ чапга сурилади (47-чизма). Бу силжишлар хорижий инвестициялар учун миллий валюта таклифининг камайишини кўрсатади.

Валюта таклифининг қисқариши унинг реал алмаштириш курсини оширади. Натижада, миллий маҳсулотлар хорижликларникига нисбатан қимматлашади. Бу эса, ўз навбатида, экспортнинг қисқаришига ва импортнинг ошишига олиб келади. Оқибатда жорий операциялар ҳисобида тақчиллик пайдо бўлади.

Агарда, солиқларнинг камайиши инвестицияларнинг ошишига олиб келса, миллий жамғармалар ҳажми ўзгармаса ҳам (S-I) эгри чизиғи яна чапга силжийди.




47-чизма. Валюта таклифидаги ўзгаришларнинг реал алмаштириш курсига таъсири

Инвестицион солиқ кредитлари ушбу мамлакатга инвестициялар киритишни хорижий сармоядорлар учун фойдали бўлишига олиб келади. Бу эса мувозанатли реал валюта курсини оширади ва тўлов балансида тақчилликни келтириб чиқаради.

Чет мамлакатлардаги рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати бу мамлакатлардаги жамғармалар даражасини камайишига олиб келади. Бу эса халқаро фоиз ставкасини оширади ва кичик очиқ иқтисодиётдаги инвестициялар даражасини камайтиради. Бундай вазиятларда хорижга сармоя қўйиш учун таклиф қилинаётган миллий валюта кўпаяди ва (S-I) эгри чизиғи ўнгга сурилади (48-чизма). Натижада мувозанатли реал алмаштириш курси пасаяди, миллий маҳсулотлар арзонлашади ва соф экспорт кўпаяди.




48-чизма. Бюджет - солиқ сиёсатининг реал алмаштириш курсларига таъсири

Импортга тариф ёки квоталар жорий қилиш сиёсати соф экспортнинг ошишига олиб келади ва бу ҳол графикда Xn (E)1 эгри чизиғини Xn (E)2 ҳолатига силжиши сифатида намоён бўлади (49-чизма).




49-чизма. Импортдаги ўзгаришларнинг экспортга таъсири

Натижада мувозанатли реал валюта курси ошади, миллий маҳсулотлар қимматлашади ва соф экспорт камаяди.

Шундай қилиб, мамлакат ички бозорини чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида олиб бориладиган протекционистик савдо сиёсати жорий операциялар ҳисоби ва капитал ҳаракати ҳисобига таъсир қилмайди. Аммо, у мувозанатли реал валюта курсини оширади ва ташқи савдо миқдорини камайтиради. Соф экспорт ўзгармаган бўлса ҳам В нуқтадаги экспорт ва импорт ҳажми А нуқтадаги экспорт ва импорт ҳажмидан кам бўлади. Импортга чеклашларни жорий қилиш ички нархлар даражаси (Pd)нинг ошишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам узоқ даврда номинал валюта курси (En) нархлар ошишига тенг тарзда камаяди. Натижада, ўсган мувозанатли реал валюта курси E2 нуқтада барқарорлашади, яъни соф экспорт камайиши ортидан E1 нуқтага қадар пасаймайди. Баҳолар даражасининг кўтарилишига жавобан номинал валюта курсининг пасайиши сотиб олиш қобилияти паритетини тиклайди.

## Қисқача хулосалар

Валюта атамаси қисқа маънода чет давлатларнинг пул бирлигини англатади.

Жаҳон валюта тизими - бу, халқаро айирбошлашнинг барча шаклларига хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланашини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йиғиндисидир.

Валюта конвертирлашуви деганда уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади. Эркин конвертирланадиган валюта — бу, амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валюта эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Бунга мисол қилиб АҚШ, Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар, Япониялар валюталарини киритиш мумкин.

Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун валюта бозорига таъсир қилишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланади: расмий захираларни тартибга солиш, савдо сиёсати, валюта назорати ва ички макроиқтисодий тартибга солиш.

Валюта курси мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигида ифодаланган баҳосидир.

Эркин тебранувчи валюта курси талаб ва таклиф асосида аниқланади.

Қайд этилган валюта курси — бу, хорижий валютада ифодаланган, давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди.

Валюта курсларининг ўзгаришига бир қатор ташқи ва ички омиллар ва улар ўртасидаги нисбат таъсир кўрсатади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Валюта тизими қандай қисмлардан таркиб топган?
2. Валюта курси нима ва уни қандай омиллар белгилайди?
3. Номинал ва реал валюта курсларига изоҳ беринг.
4. Харид қилиш қобилияти атамасининг моҳияти нимадан иборат?
5. Реал валюта курси макроиқтисодий сиёсат таъсирида қай тарзда ўзгартирилади ва унинг миллий иқтисодиётга таъсири қандай?

## Асосий адабиётлар


1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. – М.: ДИС. 1997.
2. Жеффри Д.,Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальный подход. – М.: 1996.
3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). – Т.: ТДИУ – 2000.
4. Линвут Т., Гайгер А. Макроэкономическая теория и переходная экономика. – М.: 1996.
5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.
6. Ричард Лэйард. Макроэкономика. Курс лекций для российских читателей. – М.: 1994.

# АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТУШУНЧАЛАР

*Акселератор (accelerator)* – иқтисодиётда истеъмол сарф-харажатларининг ҳажми ўзгариши билан юзага келадиган капитал қўйилмалари ҳажмининг ўзгаришини тавсиф этувчи кўрсатгич. Акселерация принципининг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиётда истеъмол харажатлари динамикаси инвестициялар ҳажми динамикасига ўз таъсирини кўрсатади: истеъмол харажатларининг сезирарли ўсиши инвестиция фаоллигини юзага келтиради, рағбатлантиради ва аксинча.

*Активлар (assets)* – иқтисодий фаолият субъектларининг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондларининг қиймати.

*Альтернатив вариантлардан танлов (tradeoff)* – танлаб олинган вариант муқобил вариантдан воз кечиш эвазига амалга оширилишини тақозо этувчи қарорни қабул қилиш зарурати. Макроиқтисодий атамалар доирасида иқтисодий атамалар сиёсат чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнида у ёки бу ғояларнинг танлов-муаммоларини белгилаш учун ишлатилади. Масалан, ишсизликнинг ўсиши ва инфляция жадаллиги, фойданинг ўсиши ёки иш ҳақининг олиши орасидаги танлов муаммоси.

*Амортизация (depreciation)* – фойдаланиш жараёнида асбоб-ускунлар қийматининг эскирган сайин маҳсулот ҳисобига ўтиш жараёни. Асосий воситалар истеъмол қийматини тўла ёки қисман тиклаш учун амортизация орқали амалга ошириладиган ажратмалар етарли бўлиши зарур. Асосий жамғармалар сарфини қоплаш учун уларга кетган сарфларни тайёрланаётган маҳсулотга сингдириб бориш асосий воситаларнинг амортизациясини ташкил этади.

*Асосий нарх (base price)* – иқтисодиётни ривожлантириш ва статистик ҳисоб олиб боришда, индексларни ҳисоблаш ва тўлашгача ҳисобланган нарх.

*Асосий фондлар ва уларнинг баҳоси (capital stock)* – молияси турли хўжалик субъектлари ва фуқароларнинг пул

маблағини аниқ бир мақсад йўлида биргалаштириш ва ишлатишни билдиради.

*Аҳолининг бандлиги (employees)* – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан аниқланган нормаларга мос равишда ҳисобга олинадиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

*Бандлик даражаси (rate of employees)* – бандлар умумий сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига нисбати.

*Банк захиралари (reservers)* – банкда сақланаётган нақд пуллар, Марказий банкда сақланаётган фоизсиз депозитлар.

*Банк кредити (banking credit)* – даромад (%) кўринишида олиш мақсадида банк томонидан қарзга пул бериш.

*Бартараф этилган инфляция* – бошқариладиган ёки табиий, *қўйилган нархларни бошқаришга бўлган иқтисодиёт доирасида* инфляцион жараёнларнинг ўзига хос кўриниши. Директив тарзда белгиланган нархлар даражаси сақланган ҳолда инфляция муомаладаги пул миқдорининг кўпайиши ва уни сотиб олиш қобилиятининг қадрсизланиши, бундан ташқари шулар таъсири остида талабнинг кескин ошиб, товар ва хизматлар дефицитининг ўсиб бориши, аҳолининг вақтинчалик қондирилган талабини ошириш орқали намоён бўлади.

Баҳо, нарх (price) – *товар қийматининг пул орқали ифодалаши. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ва фойдани кўрсатади.*

*Белгиланган алмашув курси (fixed exchange rate)* – миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан анъанавий тарзда белгиланадиган ва ўзгармас тизим.

*Бозор муносабати (market clearing)* – бозордаги талаб ва таклифларнинг миқдоран ва таркибий жиҳатдан бир-бирига мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиқади.

*Бюджет солиқ сиёсати (fiscal policy)* – бюджет сиёсатида давлат ўз истаги билан бюджет харажатлари ва даромадларини

шакиллантирган ҳолда 3 хил бюджет сиёсати юритилади: Бюджет харажатлари, трансфер харажатлари, пул-кредит сиёсатлари. Даромадлар эса уч манбадан келиши мумкин: солиқлардан, хазина томонидан, қимматли қоғозларнинг сотилишидан ва бюджет томонидан, маълум қисми марказ томонидан банк эммиссияси ҳисобига ёпилишидан. Шунга кўра, давлат харажатлар ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсатини юритади.

*Бюджет тақчиллиги (budget difficit)* — давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.

*Валюта курси* — мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

*Гиперинфляция (hyper-inflation)* — ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилшнинг минимал даражага келиши билан характерланади.

*Давлат бюджети (state budget, local budget)* — асосан давлат (вилоят, шаҳар, туман, муассаса, ташкилот ва бошқалар) нинг маълум муддатдаги (йил, чорак, ой) даромадлари ва харажатларининг пул кўринишидаги ҳисоби.

*Давлат истеъмоли* — маҳсулот ва хизматларга кетган давлат истеъмоли харажатлари, хусусий секторда ишлаб чиқилган.

*Даромад (income)* — ишлаб чиқариш натижасида тушган пул (фойда).

*Даромаднинг мавжуд миқдори (disposable income)* — сарф - харажатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторларнинг қўлида мавжуд бўлган даромадлар. Улар даромадлар ва бевосита солиқлар орасидаги фарқ билан аниқланади.

*Девальвация (devaluation)* — мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда пасайтирилиши.

*Депозитлар (deposits)* — омонат асраб қўйилган: 1) банк ва омонат кассаларга қўйилган омонатлар: 2) банк дафтаридаги

ёзувчилар: 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар (акция ва облигация).

*Дефляция (deflation)* – инфляция даврида чиқарилган муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул- кредит тадбирларини қўллаш билан амалга оширилади.

*Дивиденд (dividend)* – ҳиссадорлик жамиятлари фойдасининг бир қисми бўлиб, акциянинг сони ва турига қараб ҳар йили ҳиссадорлар орасида тақсимланади.

*Дисконт (dicount)* – Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган қарзларга қўйиладиган фоиз.

*Доимий, давомий инфляция (cronic inflation)* – нисбатан юқори ёки паст инфляция даражаси узоқ муддат давомида ушлаб туриладиган иқтисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли юқори инфляция даражасига хос бўлган мамлакатларга мисол қилиб Бразилия, Исроил, Мексика, Перу, Аргентинани келтириш мумкин.

*Ёпиқ иқтисодиёт (closed economy)* – ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо- иқтисодий имкониятларга эга бўлмайдиган иқтисодиёт.

*Жамғармага мойиллик (propensity to save)* – даромадда жамғарманинг ҳиссаси қанчани ташкил этиши.

*Жами банд аҳоли (employees)* – банд бўлган аҳоли ва ҳарбий хизматчилар.

*Жами таклиф (aggregate suply)* – мамлакатда ишлаб чиқилган ҳамма товар ва хизматларнинг жами қиймати, шунингдек, миллий маҳсулот, деб ҳам аталади.

*Жами талаб (aggregate demand)* – мамлакатнинг реал сотиб олиш қобилиятини акс эттирувчи кўрсаткич, жами харажатлар деб ҳам аталади. Унга давлатнинг истеъмол харажатлари, хусусий сектор истеъмоли, жами инвенстициялар ва экспорт-импорт харажатлар савдоси киради.

*Иқтисодий ўсиш* – реал миллий даромаднинг ёки реал миллий даромад (маҳсулот)нинг аҳоли жон бошига ўсиши.

*Импорт (import)* – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У халқ хўжалиги, вақтни тежаш, халқ эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

*Импорт қилишга мойиллик (propensity to import)* – даромадда импортга қаратилган харажатлар ҳиссаси.

*Инвестиция (investment)* – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

*Инвестицияларга бўлган мойиллик (propensity to invest)* – инвестиция харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.

*Индексация (indexation)* – иқтисодиётдаги нархларнинг ўртача даражаси ўзгаришига боғлиқ равишда иш ҳақи ва бошқа даромадларни тузатиш, келиштириш тизими.

*Индекслар - ЯММ дефляторлари (GNP deflators)* – ЯММ кўрсаткичларини солиштирма нархларда акс эттириш учун ишлатиладиган индекслар гуруҳи. Буларга нархларнинг агрегат индекси, ЯММ дефлятори нархлари индекси, истеъмол нархлари индекси, шунингдек, махсус ташкил қилинган индекслар киради.

*Инфляция (inflation)* – пулнинг қадрсизланиши, муомаладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очиқчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.

*Инфляция даражаси (rate of inflation)* – маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоиздаги ўзгариши.

*Истеъмол (consumption)* – кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги босқичи.

*Истеъмол қилишга мойиллик (propensity to consume)* – истеъмол харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.

*Истеъмол кредити (consumer credit)* – Марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсатининг воситаси (инструменти). У банклар томонидан берилиши мумкин бўлган ички кредит максимал миқдорининг расмий равишда белгиланишини тақозо этади.

